

Аслиддин Каланов

ГРАФИКА КОМПОЗИЦИЯСИ



УЗ
761
К-18

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

КАЛАНОВ АСЛИДДИН ЖўРАЕВИЧ

ГРАФИКА КОМПОЗИЦИЯСИ

Ўқув қўлланма
(бакалавр йўналиши I-босқич дастури асосида)



ТОШКЕНТ
«INFO CAPITAL GROUP»
2018

УЎК: 76.02 (075.8)

КБК: 85.15

К 18

Такризчилар: Архитектура доктори, профессор Д.А.Нозилов

Ўзбекистон Бадиий Академияси академиги,

Ўзбекистон Халқ рассоми, Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ профессори в.б. Л.Х.Ибрагимов

Каланов, А.

Графика композиция: Ўқув қўлланма / (бакалавр йўналиши 1-босқич дастури асосида) А.Ж.Каланов; – Т.: “Info Capital Group”, 2018. – 168 б.

Мазкур ўқув қўлланма рассомчилик олий ўқув юртининг китоб ва дастгоҳли графикаси бўлими 1-босқич талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда китоб ва дастгоҳли графика композицияси қоидалари ёритилган.

Композиция фани тасвирий санъатнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, унда бўлажак рассомлар амалга оширадиган ва ҳаётга татбиқ этадиган масалалар ижодий топшириқлар орқали намоён этилади.

Қўлланмада графика техникалари, китоб графикаси, дастгоҳли графика, композиция асосларига таъриф бериб ўтилган. Ўқув қўлланмадан олий ўқув юртлари рассомлик факультетлари, рассомлик, коллежи талабалари ва ўқитувчилари фойдаланишлари мумкин.

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонги бўйргуга асосан нашрга тавсия қилинган.

УЎК: 76.02 (075.8)

КБК: 85.15

ISBN 978-9943-5341-0-0

© “Info Capital Group”, 2018

© А. Каланов, 2018

КИРИШ

Узбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев-нинг 20 апрель 2017 йилдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида кўйидаги жумлалар келтирилган:

“Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта қўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида:

Янги авлод ўкув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўкув, ўкув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, энг янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва таржима қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш ҳамда маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, уни янги давр, янгича дунёкараш нуқтаи назаридан тараққий топтириш, бу соҳаларда ҳам чуқур ислоҳотларни амалга ошириш давлатимиз ва жамиятимиз истиқболининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади”.

Бугунги кунда графика мутахассисларини тайёрлашда юқоридаги фикрларга катта эътибор қаратилмоқда. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти республикамиизда ягона бўлган дастгоҳли ва китоб графикаси мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлайди.

Графика мутахассислигини ўзлаштиришда “Графика композицияси” фани асосий ўринни эгаллайди. Чунки рассом ижодининг муваффақияти биринчи навбатда унинг композиция фанини яхши ўзлаштирганлигига боғлиқ. Мазкур кўл-

ланманинг мақсади ҳам талабаларга мукаммал композиция тузишни ўргатишга қаратилган.

“Графика композицияси” фани бўйича ёзилган ушбу ўқув кўлланма Республикаизда бадиий таълим ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, малакали мутахассис рассом кадрлар тайёрлаш борасида уларнинг касбий хусусиятларини ривожлантирувчи, шунингдек, иқтидорли, график рассом кўникмаларини ўзида намоён қилувчи ва соҳага қизиқиш ўйғота олувчи, ўз йўналишини топишда, айниқса, бадиий асарнинг композицион қурилишини ўргатишда ёрдам беради.

I БОБ. КОМПОЗИЦИЯНИНГ УМУМИЙ КУРСИ КОМПОЗИЦИЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

1.1. Композиция умумий курсининг мақсади, вазифаси ва моҳияти

Композиция (лотинча *composition* – тузиш, ижод қилиш) бадиий асарнинг тузилиши (структураси), қисмларнинг асар ғояси, характеристики ва вазифасига мувофиқ жойлаштирилиши, ўзаро нисбати, реалистик бадиий адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа, архитектурада ҳаётни ҳаққоний акс эттиришга, ҳаётдаги ҳақиқатни ифодалашга хизмат қиласи. Композицияда ижодкорнинг дунёкараши, савиаси, маҳорати ўз ифодасини топади. Композиция яратиш тизими ва усуслари тарихий шароит, жамиятнинг эстетик қарашлари, давр талаблари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзгариши, санъатнинг ўзи, унинг ижодий методлари ривож топиши муносабати билан ўзгариб, такомиллашиб, ривожланиб боради.

Асар ғояси ижодкор тасвиirlамоқчи бўлган, тасвир, воқеа ва шахсларни умумийликка йиғувчи кучdir. Қадимдан композиция асар ғояси билан узвий боғлиқ ҳолда тушуниб келинган.

Фанни ўрганишдан мақсад бўлғуси ижодкор мутахассисларни тасвирий санъатнинг реалистик мактаб анъаналарини ўрганиш, сақлаш ҳамда ривожлантиришда ҳозирги замон тасвирий санъатининг янги-янги поғоналарини эгаллаш, яратилган ва яратилаётган бадиий асар таъсирчанлигини англаш, ҳис этиш ва бадиий ғоясини ошириш, ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича назарий билимларини шакллантиришдан иборат.

Малакали график рассом тайёрлашда композиция фанининг аҳамияти каттадир. Композиция фани тубдан чизма-

тасвир, рангтасвир билан чамбарчас узвий боғлиқ. Бу фанларни бир-биридан ажратишни ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Натурадан чизиш бутун боскич давомида, ўқув жараёни-нинг асосий қисмини ташкил этади.



1. Н.Каланов. "Қовун күтарған бола", автолитография

Тасвирий санъатнинг уста рассомлари ижодий жараёни-ни таҳлил қилиб, тугалланган, мукаммал асарлар қаторида жуда кўплаб, беҳисоб қораламалар, хомаки чизгилар, этюд-



2. Д.Мурсалимов. П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романига
шиланган иллюстрация, акварель

ларни ўрганар эканмиз, уларнинг ҳар бирида рассом томонидан борлиқни, атроф-муҳитни чукур ўзлаштириши, характерли қирраларининг ифодаланиши, реалистик санъат асарининг бетакрор асл нусхаларини кузатамиз.

Аксарият тасвирларда одам портрети қораламалари, инсон қомати, кӯчалар қўринишидан лавҳалар, бинолар ва уйларнинг хомаки чизгилари, ҳайвонлар, қушлар, манзара қўринишлари тасвирланган. Шундай қораламаларни учратамизки, уларда аниқ композиция, у ёки бу лавҳанинг пластик ечимлари киши эътиборини ўзига жалб қиласиган даражада ўз ифодасини топган.

Баъзида рассомни қизиқтирган сюжетлар, эпизодлар одамлар гурухи, табиат лавҳаси қораламалари мукаммал асарнинг яратилишига туртки бўлади. Шунинг учун ҳам ўша қўринишни, воқеани тўғридан-тўғри ҳис қилиб, идрок этиб, йўл-йўлакай кайфият билан чизишни талаб қиласиди.

Шунинг учун бундай хомаки чизгиларни рассомлар асрраб-авайлаб саклайдилар. Рембрандт шундай ёзади: “Энг аввало, бой табиатни ўрганиб, ундаги бор нарсани тасвирлашни ўрган: осмон, ер, сув, ҳайвонот дунёси, яхши ва ёмон одамлар – булар ҳаммаси, ҳаммаси бизнинг машқларимиз учун хизмат қиласиди”.

Рембрандт Ван Рейн (*Rembrandt Van Rijn*) (1606-1669 й. Голландия)

У голландиялик буюк рангтасвир ва офортчи рассомдир. Графиканинг офорт техникасида биринчилардан бўлиб ижод қиласиган уста рассом ҳақида қисқача маълумот берамиз. У Европа бадиий тасвир тарихидаги энг муҳим мусаввиirlардан ҳисобланади. Голланд санъатининг энг гуллаган даври XVII аср 40-60 йиларига тўғри келади. Бу буюк рассом Рембрандт ижодида намоён бўлди. У голланд санъатининг ютуқларини умумлаштириб, уни янги юксак поғонага кўтарди. Унинг ижоди теран, ғоявийлик ва чукур мазмун , образларни ғоят маҳорат билан ишланганлиги билан эътиборни тортади. Рембрандт ўз даври санъаткорларидан асарлари мавзусининг ранг-баранглиги билан ҳам, рангтасвир, гравюра, офорт ва



З. А.Каланов. "Бобом боғида", қофоз, қалам

қаламтасвирда юксак асарлар яратса олиши билан ўзид кетди. Рембрандт ижодининг асосий мавзуси – инсон ҳаёти, унинг ички маънавий дунёси, ҳис-туйғу ва кечинмаларининг ранг-баранглигидир. Рембрандт ижодининг аҳамияти Голландия учун бекиёс бўлди. Рембрандт реализмининг кудрати кучи шу давр рассомларини ўзига жалб этади. 40-йилларда Рембрандт ижодидаги ташки таъсирчанлик ва унга хос бўлган жўшқинлик йўқолди, сокин, илиқлиқ билан йўғрилган асарлар яратилди (“Давид ва Ионафан”, 1642 й; “Муқаддас оила”, 1645 й ва бошқалар), уларда ички кечинмалар, меҳнат аҳлининг кўрки, маънавий бойлиги, табиат манзараси жозибадор акс эттирилган.¹

Қораламаларсиз композиция устида иш олиб боришни тасаввур қилиш қийин. Рассом олдида композицияни яратишдан аввал кўйидаги вазифалар туради: асар ғояси тахминий композицион ечими ҳаёлда яратилади у ёки бу ҳолатнинг ҳаракати, бурилишини топиш, биринчи ва кейинги пландаги шахсларнинг бўшлиқдаги нисбат фарқлари, горизонт чизигини аниқлаш, асардаги ёруғ-сояни тақсимлаш, асар қаҳрамонининг образи, қомат ҳаракатини ўрганишни талаб қиласди.

Қораламалар олдиндан тайёрланган бўлиб, ёрдамчи материал ҳисобланади. Композиция устида ишлаш эса зарур компонент сифатида намоён бўлади, у бадиий асарни яратишда яхлит ижодий жараённи акс эттиради.

Маълумки, математик композицияларни бажариш бир қатор босқичларга бўлинади:

- 1) Мавзу ғоясининг мазмунини ойдинлаштириш;
- 2) Дастрлабки хомаки нусханинг пластик ечими;
- 3) Композицияни чизматасвирда бажариш;
- 4) Белгиланган хомаки нусхани аниқлаштириш учун чизматасвирлар бажариш, этюдлар ёзиш;
- 5) Хомаки варианtlарни бўёқда бажариш;
- 6) Композициянинг охирги пластик ечими;

¹ Juliette Arisnides “Classical Painting Atelier” 164 р

7) Тасвирий воситаларда композицияга охирги ишлов бериш.

Юқорида келтирилгандарга асосланиб, барча қоралама, ҳомаки чизги, этюдларни иккита асосий даражага ажратиш мүмкин. Биринчи даража аниқ композиция билан бевосита боғланмаган бўлиб, улар аввало натуранинг қонуниятлари у ёки бу хусусиятларини ўрганишда восита бўлиб қолади.

Иккинчи даражага рассомнинг композиция ҳақидаги фикрини амалга ошириш жараёни, бевосита тасвирий санъат асари устида ишлаш билан боғлиқ қоралама, ҳомаки чизги ва этюдлар мисол бўлади. Мазкур қораламалар турли хил, лекин ҳар доим аниқ вазифаларни бажаришда хизмат қилади.

Бундай вазифаларга ҳолатни ойдинлаштириш, қомат, гавда ҳаракатини аниқлаш асардаги тасвир учун жуда муҳим.



4. А.Ли. "Хотира", литография

Рассомлик Олий ўқув юрти қуи босқич талабаларига композиция фанидан дастгоҳли графика, эртак, масал, хикоя каби бадиий асарларига иллюстрациялар чизиш вазифаси юклатылади. Шубҳасиз талаба композиция ҳақида түшүнчага эга бўлгандан сўнг, бирор-бир адабий асарни танлаб, ўқиб, ўз тасаввурида композицияга эскизлар яратади, ўз-ӯзидан маълумки, ҳар бир асарда, албатта ҳайвон, қуш-паррандалар, шунингдек, инсон образлари (ёш бола, қария-чол, кампир ва ҳ.к.) иштирок этади. Албатта, воеалар табиат манзараси заминида ёки интеръерда акс этади.

Бундай асарлар учун композиция яратишда албатта, талабадан жуда кўп изланиш ва машқлар талаб қилинади. Талаба асар мазмунидан келиб чиқиб, қаҳрамонлар образини тасаввур қилиши, уларнинг образли ҳолатларини натурадан кўп сонли қоралама, хомаки чизги ва этюдларни бажариши зарур бўлади. Агар композицияда ҳайвон-қушлар иштирок этадиган бўлса, талаба ҳайвонот боғига ёки табиат кучоғига бориб, бир қатор ҳайвонлар характеристи ва ҳаракатларини очиб берувчи қоралама ва этюдларни бажаради. Чизиш жараёнида серҳаракат жониворлар қораламаларини тез фурсатда бажаришга тўғри келади.

Худди мана шу ерда уларни эслаб қолиш, тасаввур қилиш, фикрлаш қобилияtlари ўсади. Энг аввало, талабалар ҳайвонларнинг суюк тузилиши, анатомиясини чуқур ўзлаштиришларига тўғри келади. Қофоз варагига ҳайвон, қушларнинг алоҳида деталларини тасвирлаш мумкин. Айниқса, бош қисми, кўзлари, тумшуқлари, оёқ панжалари, дум ва бошқа аъзоларининг қисмларига бироз ишлов берилади. Уларнинг шохдан-шохга сакраётган, ўлжани пойлаётган ҳолатини тезда илғаб олиш ва қоғозга тушириш мақсаддага мувофиқ бўлади.

Композициядаги инсон образлари, уларнинг қомати, ҳаракатини қўча-кўйда, айниқса, бозорларда кўпроқ кузатиш мумкин.

Талаба үз композицияси қаҳрамонларининг ёшига асосланиб, натурадан бир қатор қораламаларни тезда бажарипшига тұғри келади.



5. Б.Жалолов. “Уста Мүминга бағишиланади”, қалам

Композицияда ҳайвонлар ва табиатнинг узвий боғлиқлигі ва үндаги одам образы, буларнинг ҳаммасини битта, ягона ечимга олиб келиш талаб қилинади. Шундай қилиб, талаба композиция учун материал түплайды, одам қоматининг қораламасини чизишда уни зиддан, қуңт билан кузатади. Дेярли барча материал ва деталлар түпләніб, қатор қоралама ва этюдлар ёрдамида асар композициясини яратиш жараёни үнчалик қиынчилик туғдирмайды

Композициянинг қоидаси – фаол қидирув, ұрганиш ва күллаштыр. Қизиқишининг күз билан күриб бұлмайдиган маркази – диққат, фокус асарнинг асосий мавзусидир. Аслида булар асарнинг энг гүзәл томонларининг биридір. Атрофдаги ушбу элементлар рангтасвир асарининг мұхим қисми хисобланиб, уни тұлдириб туришга хизмат қилади.²

² Juliette Aristides “Classical Painting Atelier”, 30 р

Ўқув юртининг юқори босқичларида борган сари вазифа ва топшириклар мураккаблашиб боради. Бу даврга келиб, талаба мукаммал санъат асарларига деярли яқин бўлган композициялар устида ишлайди. Талаба фаолиятига бўлган талаб янада кучаяди. Бир неча ўнлаб композиция хомаки нусхаларининг варианatlари чизилади.

Композициянинг ҳар бир лавҳаси учун қоралама, хомаки чизги ва этюдлар бажарилади: жониворлар, тоғу тошлар, дарё-сойлар, дараҳтлар (тут, чинор, терак, ток ва ҳ.к.) баъзи деталларга узоқроқ ишлов берилади.

Асар композицияси учун ашё, материаллар йигилиб, уларнинг яна бир бор пластик ечимлари нисбатлари анатомик тузилишлари текширилиб, ўқитувчи маслаҳати билан бадиий композициянинг яратилишига қўл урилади.

Назорат саволлари

1. "Композиция" – сўзининг маъноси нимани англатади?
2. Композицияни яратишда ишни нимадан бошлиш керак?
3. Композицияни бажарии босқичларини санаб беринг?
4. Композиция фани қайси фанлар билан чамбарчас боғлиқ?
5. Композицияни қайси соҳаларда кузатиш мумкин?

Амалий топшириқлар

1. Композицияга оид хомаки чизгилар ишланг.
2. Эркин мавзуда композиция варианtlарини бажариига уриниб кўринг.

1.2. Композиция асослари ва уларнинг моҳияти

Композиция яратишда раппорт, ритм, динамика, статика, симметрия, асимметрия, шакл, фон, контрастнинг аҳамияти жуда катта.

Рапорт тушунчаси. Rapport – французча “rapporter” сўзидан олинган бўлиб, “қайтариш” маъносини билдиради. Асосан амалий санъатда кўп қўлланади: гилам, газмол,





кашта, кулолчилик, сопол идиш, гулқоғоз ва бошқаларда шакл, нақш ва кўринишларнинг такрорланувчи қисми рапорт дейилади.

Ритм тушунчаси. Ritm – юнонча “rheo” сўзидан олинган бўлиб, “оқаман” деган маънони англатади. Маром, даврийлик – табиат кўриниши ва жараёнларининг муайян вақт давомида такрорланиб туриши. Ритм шаклли ва вақт ўлчовли бўлади. Ходиса ва жараённинг табиатда муайян тартибда такрорланиб туриши цикл дейилади. Масалан, қуёш фаолияти билан боғлиқ ҳодисалар – қуёш догларининг кўпайиб-камайиши; вақт даврийлиги ҳодиса ва жараёнларнинг муайян вақт давомида такрорланиб туриши; кун билан туннинг алмашиши билан боғлиқ жараёнлар, фаслларнинг алмашиши, иқлимий тебранишлар.

Шеъриятдаги ритм товуш асосида пайдо бўлади. Хусусан, туркий халқларнинг қадимги шеърларида мисраларида аллитерация ва сўзларнинг такрорланиши уюштирилган. Бунда ички қофия ҳам қатнашган. Сўз қофия мисралар охирiga кўчиб, эфопия (оҳангдорлик) вазифасинигина эмас, балки ритм вазифасини ҳам адо эта бошлаган.

Тасвирий санъатда ритм бадиий санъат асари тузилишининг ўзига хос жиҳатини белгилайди, унинг гоявий – бадиий, эстетик мазмунини чуқурроқ очишга хизмат қиласади. Ритм қурилиши симметриянинг турли унсурларига, шунингдек, бир хил ёки бир-бирига ўхшаш (яқин) шакл ва нарсларнинг (чизиқ, муҳранган ҳаракат, нур-соя, бўёқ доглари ва ҳ.к.) ҳажми ва оралиқда текис меъёрда қайтарилиши ёки алмашиб келишига асосланади. У ёки бу ритм қурилиши ёрдамида асарга турлича эмоционаллик баҳш этиш мумкин.

Тасвирий санъатда қуйидаги ритм кўринишларини мисол тариқасида келтириш мумкин: баланд-паст, паст-баланд (*тoғлар тасвири*); узун-қисқа, қисқа-узун, қисқа-қисқа, узун-узун (*дараҳтлар тасвири*); ранглардаги ритм: қизил-сарик, сарик-қизил ёки қизил-қизил, сарик-сарик контраст ритми: тўқ-оч, оч- тўқ, қора-оқ, оқ-қора ва ҳ.к.




6. Композиция асосларига машқлар

Амалий безак санъати ҳамда меъморчилиқда асар композициясини яратиш ва образли шакллантиришда ритм муҳим ўрин тутади. Меъморчилиқда ҳажм, шаклларнинг (устун, дेраза, балкон ва ҳ.к.) бир маромда қайтарилиши ёки алмашиб келиши бинога ўзгача мазмун киритади. Нақш мужассамлиги ҳам ритмга асосланган ҳолда яратилади. Бир ёки бир неча нақш бўлакларининг такрорланиши ёки алмашиб келиши асарга тугаллик ёки чексизлик багишлайди.


Контраст – рангларнинг кескин ўзгариши, кўзга ташла надиган кескин фарқ. Рангтасвир асарларида ёрқин рангларнинг тўқ тусдаги ранглар билан ёнма-ён жойлашганини

күрамиз. Оч ёруғ фонда түқ тусдаги шаклнинг тасвирланиши, графика эстампарида, айниқса, линогравюра, ксилография ва бошқа турларидан тез-тез учратамиз.



7. Контраст машқлари

Линогравюра техникасида бажарилған асарларда оппоқ фонда қоп-қора силуэт шаклнинг ўрин эгаллаши ёки бўлмаса қора түқ тусдаги фонда оқ штрихдаги шаклларнинг кўрсатилишида кузатиш мумкин. Композицияда масштаб бўйича икки хил шаклнинг ёнма-ён бўлиши, улардан бири узун ва катта бўлиб бирданига кескин кўзга ташланадиган нисбатан анча қисқа шаклнинг ёнида жойлашганида кескин фарқни бирдан билиб олиш мумкин. Кескин фарқ кўриниши албатта, чизматасвирида ҳам учрайди.



8. Нюанс машқлари

Нюанс – нозик фарқ, сезилар-сезилмас ранг, тус фарқи, – нюанслари. Тасвирий санъат асарларининг барча турларида учрайди. Айниқса, рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, графика асарларида яққол кўзга ташланади. Ранглар асарнинг бир қисмидан иккинчи қисмига нозик тусда ўтиши, очдан-тўққа ёки аксинча нафис бўёқларда сезилар-сезилмас ўзгаришини кузатиш мумкин. Асарда тасвирланган предмет, одам қомати ё бошқа нарса бўладими уларга тушаётган нур, ёруғ аста-секин, енгил тарзда ярим соя орқали соя қисмига ўтиб кетиши мумкин. Шакл соя қисмидаги рефлекснинг билинар-билинмаслиги нюансга мисол бўлади. Айниқса, оқ-қора тасвирдаги графика, эстамп асарларида кенг қўлланилади. Линогравюра, офорт, литография техникаларидағи нюанслар асарни ғоят бойитади, унга нафислик бағишилайди. Тўқ қорадан бирданига кескин оппоқ текисликка ўтилмасдан, балки штрихлар ёрдамида секин, нозик нюанслар орқали ўтилади.

Статика тушунчаси. Statika – юононча “Statke” сўзидан олинган бўлиб, жисмларнинг “оғирлиги ва мувозанати” ҳақидаги маълумотdir.

Бу қонунни кашф этган И. Ньютон биринчи бўлиб геометрик статика усулидан фойдаланиб, қаттиқ жисмларнинг мувозанати ҳолатини ўрганган. Бу асосан икки кўринишда бўлади:

- а) жисмга қўйиладиган кучлар тизимини оддий кўринишга келтириш;
- б) жисмнинг мувозанатда бўлиши унга қўйиладиган кучлар тизими қандай шароитда қатнашишига боғлик.

Статиканинг асосий тушунчаларига кўра, эркин жисм кучи бирон нуқтага ёки ўққа нисбатан куч моментига (ҳолат) боғлиқ.

Тасвирий санъатда статика – асардаги мавзуга мос развишда ишлатилган шаклнинг мувозанатда тик ҳолатдаги кўринини томошибин нигоҳини бир зумда бўлса-да тўхтатади, уни ўйлашга, мулоҳаза қилишга ундейди. Ўзбек рассомларидан Р.Аҳмедов “Она ўйлари”, А.Абдуллаев “А.Навоий

портрети”, К.Одилов “Уч файласуф”, С.Раҳметов “Faфур Ғулом”, А.Икромжонов “Биз XIX асрданмиз” асарларини яратнида статика қўлланган, бунга бир қатор ҳайкалтарошлиқ ва графика асарларидан ҳам мисоллар келтириш мумкин.

Динамика. Dinamika – юнонча “dynames” сўзидан олинган бўлиб, “куч, жўшқинлик” маъносини англатади. Ҳаётда бир жисмнинг бир нуқтадан юриши, силжиши, чопиши, югуриши, учиши ва бошқа ҳолатларда иккинчи нуқтага қараб ҳаракатланувчи, куч – динамика дейилади.

Тасвирий ва амалий санъатда композициядаги мавзунинг тўлақонли очилишида динамиканинг аҳамияти жуда катта. У асардаги статик ҳолатни жонлантириб, ҳаракатга келтиради.


Динамиканинг асардаги ҳаракати шаклларда, чизиқларда, рангларда ифодаланади. Уларнинг эмоционаллиги, асардаги динамика (жўшқинлик) ҳолатини кучайтиради.

Ўзбек рангтасвирида М.Сайдовнинг “Оила”, Ж.Умарбековнинг “Қўшиқ”, А.Аликуловнинг “Улоқ”, “Байроқ учун жанг,” ҳайкалтарошлиқда А.Хотамовнинг “Алпомиш”, Р.Ерметовнинг “Эзгулик”, графикада М.Кагаровнинг “Бодом гуллаганда”, “Тўй”, В.Паршиннинг “Бозорга”, Н.Калановнинг “Кўпкари”, Ю.Стрельниковнинг “...45 йил” ва шу сингари кўплаб асарлар композицияси динамик ечимини топган.

Симметрия. Тирик табиатда симметриянинг бир неча хили учрайди. Тирик табиатнинг тарихий ривожланиши давомида симметрия шакли ҳам ўзгариб борган. Масалан, тирик мавжудотнинг ривожланиши илк даврларида нуқтали симметрия, тўғри кўп бурчакли ва шарсимон симметрияли организмлар кенг тарқалган.

Эволюциянинг юқори босқичларида ўсимлик ва ҳайвонлар учун асосан, аксиал симметрия ва октиномор симметрия хос бўлган. Аксиал симметрияли организмлар тартибли симметрия ўқига эга.

Актиноморф симметрияли биообъектлар таркибида эса симметрия ўқига ва бу ўқни кесиб ўтувчи текис юзага эга. Тирик табиатда симметрия ва икки томонлама, яъни била-



9. Архитектурдагы симметрия күриниши



10. Г.Умарова. Графикадагы симметрия, линогравюра

терал симметрия кенг тарқалган. Кўпчилик ўсимлик турларининг барглари, икки томонлама симметрия, одатда, умуртқали ҳайвонлар ва кўпчилик умуртқасизлар учун хос. Симметрияни ўрганиш уларнинг тузилиши, келиб чиқиши, ривожланиши, хоссалари ва функциясини яхшироқ англаб олишга ёрдам беради.

Меъморчилик ва тасвирий санъатда симметрия композицияси жуда қадимдан қўллаб келинади. Юнон эхромларининг фронталларида накшларда симметрик рельеф композициялари учрайди.

Намунали мисол сифатида симметрия композициялари уйғониш давридаги италиялик рассомлар асарларида кўплаб учрайди. Леонардо да Винчининг “Махфий кеч” асарида композиция бунга мисол бўла олади.

Ўзбек рассомларидан Ч. Аҳмаровнинг “Сўғд тўйи”, Б.Жалоловнинг “Рақснинг туғилиши” деворий сувратлари, Ф.Аҳмадалиевнинг “Дарвешлар”, Э. Жўраевнинг “Бухоро аёллари” асарлари симметрик ечимда бажарилган.

Асимметрия. Асимметрия – симметрияниң бўлмаганилиги ёки бузилишидир. Асимметрия – симметрия тузилишининг аксиидир. Асарда композиция асимметрия асосида қурилган бўлса, унда асосий қоидага кўра симметрия эмас, агар аксинча, композиция симметрия қоидаларига қанчалик риоя қилса, асимметрия бўлмайди. Бу эса композиция қонунлари бўйича симметрия ва асимметрияни бир-бiri билан келишган ҳолда бўлишини исботлайди.

Асимметрия композицияниң марказий қисми мувознатининг ихтиёрий равиша бўлиши ёки баъзида умуман иштирок этмаслиги, айrim ҳолларда асарда инсонлар бўлмаслиги учун унинг бошқа бир қисми банд бўлиши керак.

Агар асарнинг асосий мазмуни яққол кўринган, фарқлар, яъни контраст орқали очилса, бу ҳолда унда яққол кўринган ижтимоий ва психологик фарқларнинг асосий қаҳрамонлари ёки бир гурухни ташкил қилган (*фигура*) қоматларнинг характеристи, бир-бираига нисбатдан жойлашганлиги, улар орасидаги масофа, ҳар бирининг ташкил кўриниши симметрия-

ни ҳосил қилиш принциплари композициянинг бир бўлаги бўлади.

Икки қарама-қарши бўлган композиция турини табиий қонунлар асосида ҳосил бўлган ранглар бирикмаси таъсири орқали кўриш мумкин.

Формат. Рассомлар илгариги даврларда формат ҳажмига катта эътибор беришган. Асарнинг жойлашишига (курилишига), тасвирнинг бўрттириб ишланган ҳолатига ва унинг яхлит кўринишига форматнинг таъсири каттадир.

Формат думалоқ, квадрат, тўғри тўртбурчак, олти кеси-шувли ва чўзик тўғри тўртбурчак кўринишларида, кўндаланг ёки тик (горизонтал ёки вертикаль) ҳолатдаги кўринишида бўлиши мумкин.

Формат танлаш мавзуга, тасвирланувчи жойга (объект) тасвирий санъат тури ва жанрига боғлиқ.

Хомаки қораламалар билан ишлаш жараёнида талаба на-турадаги шаклларнинг бир-биридан фарқини ажратиб олиши, тез бажариладиган қораламаларида кўндаланг ёки тик (вертикаль ёки горизонтал) ҳолатдаги шакллар орқали ўзининг бўлажак композиция асаридаги ҳажм (формат)ни тўғри топа олади.

Стилизация – (французчада – stylization, -style-стиль-услуб маъносини англатади.) бирор услугуга солиш, келтириш ёки унга монанд, ўхшатиб образ яратиш. Тасвирий санъатда, айниқса декоратив-амалий санъатда, дизайнда қўлланилади.

Стилизация тасвирдаги шаклларни, шартли усуллар ёрдамида умумлаштиради ҳамда асосан орнамент учун характерли бўлиб, унда тасвир обьекти нақш мотивига айланади.

Стилизация – соддалаштирилган, аник, кескин чизиқли чизматасвир, унинг асосида штрих, тус, чизик ётади.

Стилизациялаштирилган чизматасвирнинг характерли қирраси – оддийлаштириш-ихчамлаштиришdir.


Тасвирланаётган предметнинг услублаштирилган чизматасвирини яратишда унинг асосий характерли қирраларини ажратиб олиш керак бўлади. Бунда унинг характерли ҳажми,

шакли, чизиқлари бўлиши мумкин. Улар аниқланиб, топилгандан сўнг предмет ёки қоматни услублаштириш устида ишлаш бошланади.

График воситалар ёрдамида, асосий характерли қирралар асосида расмлар чизилади. Албатта, бунда рассом тасаввури таъсирида чизиқларни усталик билан тортиш талаф этилади.

Услублаштиришда предметнинг ҳажми, фазовий қурилиши кўрсатилмайди.

График – рассом учун тезкор нигоҳ таассуроти билан предметнинг шартли белгилари, ихчамлик ва тугалланмаганлик ифоданинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.



11. Стилизация машқлари

Услублаштириш - логотип, плакат, нақш, безакларда ишлатилади.

Рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик композицияларини яратишда ҳам услублаштириш кенг қўлланилади. Бунда одам қоматининг пластикаси ишонарли тарзда чўзинчоқ, бош қисми, қўл бармоқлари гавдага нисбат катта ёки кичик кўринишда услугга солинади. Ҳайвон ва қушларнинг характеристиридан, феъл-атворидан келиб чиқиб, ташки кўриниш-

ларини маълум услугга солиб тасвирлаш мумкин. Эртак қаҳрамонларининг, ижобий ва салбий образларини ажратиб, уларнинг юз тузилишини, қоматларини, чизиб услублаштирилади. Агар композицияда одам қомати услугга солина-диган бўлса, у ҳолда барча тасвирлар: дараҳт, бино, күш ва бошқа предметлар шу қонунга бўйсундирилади.

Ўз ижодий асарларида услублаштиришни моҳирона қўл-лайдиган рассомлардан: М.Кагаров, Л.Ибрагимов, М.Содиков, Н.Каланов, Ф.Аҳмадалиев, А.Нуриддинов, А.Хотамов, Э.Жўраев, Х.Зиёхонов, Ж.Раҳмонов, Н.Шоабдураҳимов ва бошқа кўплаб ижодкорларни мисол келтириш мумкин.

Назорат саволлари

1. Контраст ва нюанснинг фарқи нимада?
2. Ритм нима?
3. Стилизациянинг рассом учун аҳамияти нимадан иборат?
4. Симметрия ва асимметрия нима?
5. Статика ва динамика атамаларининг маъноси нима?

Амалий топшириқлар

1. Контраст ва нюансга оид машқлар бажаринг.
2. Бирор қушни услублаштирилган вариантларини чизинг.
3. Симметрия ва асимметрияга асосланиб, вазифалар ишланг.

II БОБ. ГРАФИКА

2.1. Графика ҳақида умумий тушунча

Графика – (грекчада “graphike”, “grapho” – ёзаман, чизик тортаман, расм чизаман) бу тасвирий санъат турига мансуб бўлиб, чизматасвир ва босма усулдаги санъат асарларини ўз ичига олади (гравюра, литография ва ~~х~~, к.). Графика асарлари асосини штрихлар, контурули, яхлит доғлар ва бошқалар билан бажарилган чизматасвирлар ташкил этади. (асосан оқ ва қора рангларда). Бу тасвирий санъат турига, дастгоҳли ва китоб графикасига мансуб.

Дастгоҳли графика таркиби – чизматасвир ва эстамп киради.

Китоб графикаси – китоб нашрининг таркибий қисми-ни ташкил этади. Иллюстрациялар (безаклар), винъеткалар, заставкалар (матн бошидаги безак), бош ҳарфлар, авантитул, титул, переплёт (жилд), муқова, супермуқовалар китоб графикаси элементлари ҳисобланади.

Китоб графикаси – китоб ичига бадиий асар, графика, шрифт ва полиграфия санъати киради. Китоб рассомлари, китоб конструкцияси, уни декоратив безаш, иллюстрациялар цикли устида ишлашади. Китоб конструкцияси анъанавий: китоб блоки, макети, муқова, жилд, супермуқова, форзац, титул вараги, шмуцтитул, иллюстрациялар (фронтиспис, ҳошиялар, заставкалар, концовкалар, тегишли белгилар ва бошқалар), шрифтлар турига қараб китоб элементларидан иборат.

Дастгоҳли графика қуйидаги техникаларга бўлинади: чизматасвир, ксилография, линогравюра, цинкография, литография, шелкография, картондаги гравюра, мис пластинкадаги гравюра, офорт, меццо-тинто, акватинта, қуруқ нина

ва бошқалар. Гравюра шу техникалардан бирида ёки уларни биргаликда оқ-қора ва рангли варианларда бажарилади. Замонавий графика турига электрон системада тузиладиган компьютер графикасини күрсатиш мумкин.

Ёзув – ҳуснихат, ҳаттотлик шрифт санъати (эпиграфика, коллиграфия) – графикада мустакил тарзда намоён бўлади. Айниқса, шарқда араб, хитой, япон, хинд иероглиф ёзувлари катта бадиий, эстетик аҳамият касб этади.

2.2. Графика техникаси турлари

Гравюра (французчадан – “gravure”, “graver” – кесиши) графика тури, доскаларга тасвир туширилиб, кесишининг турли усуллари билан ишлов берилиб, босмадан чиқарилган санъат асарларига айтилади. Гравюра санъатининг характерли томони текис материал юзасига чизматасвир туширилади, кейинчалик бўёқ суртилади, ишлов берилади ва қоғозга босилиб тасвир олинади.

XV асрнинг ўрталарида китоб босмаси кашф этилгандан сўнг европача классик китоб пайдо бўлди. Шрифт ва гравюранинг уйғунлашганидан (аввалига ёғочда, XVII асрдан металда) XIX –XX асрнинг бошида, тезликда репродуктив техника ривожланди. Китоб графикасини босмахона билан яқинлаштирди. Китоб безакчиси рассом касбига муҳтожлик сезилди.

Графика текис юзали тасвир билан алоқадор. Фон ўрнида хизмат қиласидаги оқ ёки рангли қофоз графиканинг асосида катта роль ўйнайди. Мазкур фонда ифодали чизик, штрихлар ва яхлит туслар тасвири жойлашиши мумкин.

Графика асарларини босма тиражли ва ягона нусхаларда яратилади. Ягона нусхадаги асарларга: чизматасвир, акварель, гуашь, монотипия, коллаж, аппликация, фотомонтаж киради.

Босма усул ёрдамида (*гравюра, эстамп*) асарлар тиражи олинади. Ҳар бир оттиск, босма асар муаллиф асари ҳисобла-

нади. Гравюра қайси ашёда ишланганидан, унга қай тарзда ишлов берилганидан – механик (үйиб ишлаш), кимёвий (ишқорлаш), тираж сони гравюра техникиаси ва доска материалига боғлиқ. Гравюранинг асосий материаллари: – металл (мис, рух, пӯлат), ёғоч (пальма, нок, олма ва беҳи), линолеум, картон. XX асрдан бошлаб пластик ойна ҳам қўллана бошланди. Гравюрага ишлов бериш механик воситалар ёрдамида маҳсус пӯлат асбобларда ёки кислотада ишқорлаш орқали бажарилади.



12. Б.Жалолов. Амир Темур, қалам

Чизматасвири. Тасвирий санъатда муҳим ўрин эгалайди, шу жумладан рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ, архитектуранинг асосини ташкил этади. Чизматасвир турли хил қаламлар (графит, кумуш, қўргошин, италия қалами, ранги қалам) да шунингдек: перо, соус, сангина, кўмир, пастел ва бошқа материалларда бажарилади. Уйғониш даврининг классик рассомлари томонидан бажарилган ажойиб чизматасвирлар асосан намуна вазифасини ўтайди. Шуниингдек, XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларидаги бир қатор рус рассомлари ва бугунги кунда ижод қилаётган ўзбек тасвирий санъат вакилларининг чизматасвирлари мисол бўла олади.

Чизматасвирида мустақил асар сифатида графика туркүмларини яратиш, ёки ёрдамчи босқич бўлиб ҳайкаллар ва меъморий обидаларни лойиҳалаштиришда хизмат қилиб келиши мумкин. Чизматасвир мустақил асар сифатида Европа бадиий санъатида дастгоҳли йўналиши алоҳида тур ҳисобланади. График тасвир орқали нафақат шакл ва ҳажм, балки оқ-қора тусда бажарилган бўлса ҳам ранг тусини бера олиши мумкин.³

Эстамп (француз. “estampe”) – гравюрангган дискдан олинган қоғоздаги асар нусхаси (гравюра, литография, линогравюра, офорт, монотипия), эстамп санъат асари деб юритилади. Рассом эстампни доскадан босма усулида ўзи бажарган ишдан нусха олади. Асосан муаллиф станокдан ўзи босма нусхаларини чиқаради. Бундай босма ишларга рассом имзо чекади, бу муаллифлик нусхаси ҳисобланади ва асл нусха деб қабул қилинади. Эстамп оқ-қора ва ранги кўринишда бўлади.

Шёлкография (инглизчадан. “Silk”, serene, франц. – “Serigraphie”) – бадиий трафарет босма кўриниши. Рамкага майда ипакли тўр мато тортилган бўлиб, тасвирдан буш жойлар бўёқ ўтиб кетмайдиган ашёда ёпилади. Мой бўёқ ёки сув

³ Juliette Aristides “Classical Painting Atelier”, 111 р.

аралашма бүёкларни эзиб ипак түр орқали пастдаги текисликка ўтказилади. Шу тариқа тасвир қофознинг юз қисмига тушади. Шёлкография ёрқинлиги колоритнинг декоративлиги, тасвирнинг бўртмалиги билан ажralиб туради. Унинг ёрдамида, полотноларнинг сифатли репродукциясини босиб чиқариш мумкин. Хитой ва Япониядан келиб чиқкан бу техника XX асрда Европада пайдо бўлди.



13. С.Абатуров. “Ёш аёл” портрети, шёлкография



14. К.Башаров. “От устида камондан ўқ узиши”, линогравюра

Линогравюра (инглизча “*Linocut*”) – линолеумдаги гравюра, ксилографияяга яқин бўртма гравюранинг кўринишларидан бири, у XX асрда пайдо бўлиб, кенг тарқалди. Линогравюранинг асосий хусусиятлари оқ-қора рангларнинг кескинлиги, лаконизм, катта ўлчамдаги қофозлардан фойдаланиш, рангли босма, кўп тиражда олиш мумкин. Кичик, катта текисликларни бир хилда ва штрихли, жонли, ёрқин қирралари линогравюра қонун-қоидалари сифатида ажralиб турди. Кичик, майда деталларни кўрсата олиш линогравюрада бир мунча қийинрок.



15. А.Каланов. "Мангалик", литография, 1989 й.

Литография (грекчадан "Litos" – тош, – "grapho" – ёзаман, чизаман) кўп тиражли графика тури, ясси босма усули, қалин (оҳактош) зич тошнинг текис юзасига литография ёғ қалами ёки маҳсус туш воситасида тасвир чизилади. Маҳсус ишқорлар билан ишлов берилгач, тошга валик ёрдамида сурилган бўёқ тасвир чизилган жойларга сингади. Литография маҳсус дастгоҳда босилади. Литографиянинг оддий техникаси, рас-сомга кенг эркин ижод қилишга имконият беради. Литографияда жонли, ранг-баранг, нозик, қаламнинг юмшоқ қуюқ штрихи ва текис бўяш, имкониятини бера олади, яримсоя ва рефлексларнинг нозик ўйинини кўрсатиш имкониятига

эга. Германиялик Алоис Зенефельдер томонидан 1796-1798 й. кашф этилган литография техникаси бадиий санъат асарларини яратишда, китобларни безаңда бутун дунёга кенг тарқалди. Литография – режалаштирилган босма туридир, бунда тасвирни ясси, текис юзадан босилади. Литографиянинг ilk йилларида бу юза Бавариянинг оҳактошларида мураккаб штрихлардан иборат эди.

Рассомлар қисқа муддатда литографияни такомиллаштириш зарур эканлигини ва ундан моҳирлик билан фойдаланишни тушуниб этишди. XIX асрда машҳур Англия ва Франция рангтсвирчи ва график рассомлари орасидаги нақши тасвирий санъат ишлари дўкони ҳамкорликда ҳозиргача ишламоқда.⁴



16. А.Каланов. “Сопол ўйинчоқлар”, офорт, 1989 й.

Офорт (французча “*Eauforte*”, - аччиқ ароқ, яъни азот кислотаси) – гравюранинг металдаги кўриниши, металнинг кислотада ишқорлашдан ҳосил бўлган, ўйик, чуқур, чизиқ ва

⁴ Dwight Pogue. “Prinmaking Revolution”. 17 p.

элементларга бүёк суртилади ва дастгоҳда асар босма нусхалари олинади. Мис ёки рух пластинкалари обдон силлиқлашиб, сұнгра бироз пластинка қыздырилиб, махсус лак билан тұртланади. Лак таркиби шам, мум, қора сақич, асфальт ва мастикадан иборат.

Пластинка совиб, лак қотғач, махсус пұлат гравюра нинаси ёрдамида чизиқлар ҳосил қилиб ишланади, бу чизилган жойларда чукурлик ҳосил бұлади.

Инталио, офорт. Металл пластинкани үйиб, ундан босма тасвир олиш. Инталиаре (*intagliare*) – италянча үйиш сүзидан олинган. Бу үймаларга бүёк кириб тұлдирилади. Қолған текис юза артиб ташланади ва унинг устига намланған қоғоз күйилиб, устидан жун матоси (одеяло) күйилади ва босиши жараёндан үтказилади. Юқори босим қоғозны пластинка чукурчаларидан бүекни олишга мажбур қиласы. Офорт тұғридан-тұғри металлни үйиш (қуруқ игна, гравировка, меццо-тинто) ва билвесита таъсир билан тасвир чиқариш (куйдириб үйиш, акватинто, фотогравюра) яъни кислота ёрдамида метални куйдириш техникаларига әга.⁵

Рух ёки мис пластинкали доскачани азот кислотанинг сув билан аралашмасидаги махсус ванначага ботирилади. Кислота локка таъсир этмайды, металлнинг очиқ қысмлари кислота таъсирида чукурлашади. Пластинканинг турли жойларыда элементларни ишқорлаш вакти, давомийлиги турли-ча бұлади ва шунинг натижасыда штрихлар кучи турлича ва жонли күринади. Офорт, тушь перода бажарылған чизматас-вирга яқинрок.

Нина билан тираналған штрих офортнинг асосий энг содда күринишларидан бири бўлиб, ундан ташқари офортнинг бир қатор турлари мавжуд. Акватинта, лавис, юмшоқ лок, қуруқ нина, меццо-тинто шулар жумласидандир. Номлари кўрсатилған офорт техникасининг турлари ҳам металл пластинкаларда бажарылади. Офортни оқ-қора ва рангли кўринишда ишлаш мумкин.

⁵ Dwight Pogue. "Printmaking Revolution", 100 p

Акварель – (лотинчада, “*aqua*” – сув, французча “*aquarelle*” – сув билан ёзиш) маъносини беради) сувли бўёклар ва ушбу бўёкларда бажарилган рангтасвир ҳам шундай аталади. Бўёқ рангли пигмент кукуни ва бириктирувчи воситалардан таркиб топган. Акварель бўёкларига гуммиарабика, асал ва глицерин қуриб қолмаслиги учун қўшилади.

Акварель қаттиқ, ярим юмшоқ ва юмшоқ кўринишида бўлади. Қоғозларнинг сифати асосий роль ўйнайди. (ватман, ғадир-будир торшон) қоғознинг оқлиги, нур манбаи вазифасини ўтайди. Енгил суртилган бўёқнинг тагидан оқ қоғознинг сезилиши, акварелда бажарилган асарларни янада жилодор қилиб кўрсатади. Акварелда ишлашда, олмахон, колонок мўйнасидан тайёрланган мўйқаламлардан фойдаланиш тавсия этилади. Акварелга оқ гуашь қўшиб ишлаш умуман тавсия этилмайди. Акварелда рангларнинг бир-бирига нозик, енгил қўшилиб кетиши имкониятлари жуда катта.

Назорат саволлари

1. Графика маъноси ва унинг таркибий қисми нималардан иборат?
2. Китоб ёки дастгоҳли графика асарларининг фарқи нима?
3. “Графика” нима?
4. Литография қандай техника?
5. “Акварель” – сўзининг маъноси қандай?
6. Офорт қандай металл таҳтачаларда бажарилади?
7. Офорт ва линогравюранинг фарқи нимада?

Амалий топшириқлар

1. Китоб элементларини тасаввурингиз асосида чизинг.
2. Дастгоҳли графика турига хомаки нусхалар ишлаб кўринг.
3. Турли хил қаламларда, шунингдек, сангина, кўмир, соус ва бошқа ашёларда қораламалар бажаринг.
4. Тушъя перода офортга мослаб чизматасвирлар бажаринг.
5. Акварелда этюдлар ишланг.

III БОБ. КИТОБ ГРАФИКАСИ

3.1. Китоб графикаси (*болалар адабиёти*)

Муаллиф адабий асарининг матни янада ифодалирек, таъсирчан тарзда асар характерини ўқувчига ётказиб беришда китоб рассоми ўз санъати воситаси ёрдамида ҳисса кўшади. Китобни безашда рассом адабиётнинг образли курилишини ва эмоционал мухитини акс эттириши, унинг инсонпарварлик тараққиётининг йўналишини таъкидлаши лозим. Рассом бунинг уддасидан чиққанда, унинг меҳнати натижаси жамият аҳамиятига эга бўлади ва китобхон ўтиборига тушади. Турли жанрдаги адабиётларни безашда алоҳида эстетик мақсадлар талаб этилиши муқаррар. Ҳатто ёнг содда, мураккаб бўлмаган безак элементар эстетик шартларни талаб этади. Матн ва безакнинг мутаносиблиги, хошия ва матн жойлашуви нисбатлари ва ҳ.к.

Китоб безакчисининг асаридан бадиий образ таъсири ва характеристи, шунингдек, тасвирланган воситалар ўзига хос имконият доирасига эга бўлиб, графика санъатининг бошқа турларидан фарқ қиласи. Китобнинг безаги ёзувчи муаллифнинг фикр-ўйларини тўлиқ очиб бера олиши керак.

Иллюстрация – кучли таъсир воситасидир. У бадиий асарни ҳам бойитиши ҳам қашшоқлаштириши мумкин. Бу нафақат безакчининг маҳоратидан балки, рассомнинг баён қилинган тафсилотларга муносабати, воқеаларнинг қай дарражада ўзлаштиргани ва унинг дунёқарашига боғлиқ. Демак, чиройли безакнинг ечимини рассомнинг маҳоратигина эмас, балки унинг асарни ўқиб тушуниши натижаси ҳам ҳал қиласи. Иллюстрацияларда ҳар доим рассомнинг сюжетта, қаҳрамонларга, уларнинг тақдири, ҳаракатларига индивидуал муносабати акс этади.

Яхши китоб катталар учун нақадар фойдалигини билсак, кичик ёшдаги болаларнинг вояга етишида бекиёс аҳамиятга эга. Ушбу масалада рассом кичкитойлар диди дунёқарашининг биринчи тарбиячиси ҳисобланади. Ёрқин ранг-баранг қувноқ чизгилар тасвири бир умрга ёш боланинг хотирасида қолади.

Болалар учун мўлжалланган китобларни безаш учун ёш рассомдан нафақат уста рассом қобилияти, балки тасвирла-наётган предметга, ёш боланинг фикри ва кўзи билан қараш, ҳаётда тажрибаси бор, етук ёшдаги инсон сифатида ёндошиш талаб этилади. Бундай ёндошишда кичкитой ўкувчи олдида, албатта, муваффақият қозонилади. Китоб рассоми ва ўкувчи ўртасида бадиий боғланиш бўлади. Одатда, болалар ўзларига ёқсан расмлардан нусха кўчиришга уринадилар, бу билан улар ўзларининг қобилиятини кўрсатмоқчи бўлишга интиладилар. Ҳали уларнинг тажрибаси, фикрлаши мустақил тарзда иллюстрациялар (безаклар) чизишга етарли эмас.

Иллюстрациядаги ранглар болалар тасаввурига таъсир этишига алоҳида эътибор қаратиш, бунга профессионал рассом сифатида ёндашишлари зарур.

17. А.Каланов. “Тулки билан Лайлак” эртагига ишиланган иллюстрация,
акварель



3.2. Мактаб ёшигача бўлган болалар учун мўлжалланган эртак, ҳикоя, масалларни бадиий безаш. Адабий асарларни танлаш

Китоб графикаси – китоб нашрининг таркибий қисми. Китоб графикасининг ажralиб турувчи ўзига хос томони унинг полиграфия билан яқин алоқадорлигидадир. Адабиёт ва тасвирий санъатнинг биргаликдаги ҳамкорликда тўлақонли бир бадиий образ ечими натижасида яратиладиган асар ҳисобланади. Яна бир ўзига хослиги бу рассомнинг адабиёт матни билан яқин боғлиқлигидадир. Рассом ундан чиқиб кета олмайди, қаҳрамонлар характерли образини яратишда, ёзувчининг йўлидан бориши керак. Шу билан бирга рассом эркин ижод қиласди. Китоб графикасининг характерли вазифасини ечишда, энг аввало, рассомнинг иқтидори аниқланаиди, унинг адабиёт асари мазмуни ва усулига муносабати китоб ҳақидаги ўз фикрлари ҳисобга олинади.

Талабалар композиция асослари ҳақида амалий ва назарий тушунчаларга кўникма ҳосил қилгач, уларга институтдаги ўқиш жараёнининг илк ижодий ўкув вазифаси топширилади. Вазифа унчалик мураккаб бўлмаган, асосан эртак, ҳикоя, масал асарларига расмлар орқали китобни безашдан иборат.

Аввало, талабалар мазкур мавзу бўйича таникли рассомларимиз томонидан безатилган, нашрдан чиқсан китоблар намунаси билан танишадилар ва ўқитувчиси ёрдамида таҳлил қиласди. Шу ўринда юқори босқич талабаларининг ушбу топшириқ асосида бажарган намунавий композициялари билан ҳам танишадилар.

Биринчи вазифа ҳажми унча катта бўлмаган, бир босма табоқдан иборат китоб танланади. “Айёр тулки”, “Тулки билан Лайлак”, “Бўри ва Эчки” эртаклари; масаллардан: “Тошбақа билан Чаён”, “Туя билан Бўталоқ”, “Маймун ва Нажжор”, “Шер билан Дуррож” асарларини ўқиш ва танлаш мақсадга мувофик бўлади.

Адабиётни ўқитувчи тавсияси ва маслаҳати асосида тала-ба эркин ҳолда мавзу танлайди. Талаба бир тұхтамга келиб адабий асарни дикқат билан ўқиб чиқади. Эртакнинг ғоявий мазмунини тушуниб, мағзини чақади. Эртакдаги ижобий, салбий образларни ажратади, таққослайди. Асар мавзуси бўйича ўқитувчи талаба билан суҳбат ўтказади. Талаба эртак мазмунини сўзлаб бера туриб, кўз олдига воқеалар ривожини келтиради, қаҳрамонлар образини хаёлида тасаввур қилиб чизади. Талаба асарни ўқиб, мақсадни тушуниб бошлангич тасаввуридаги хомаки чизгиларни бажаради. Тасаввуридаги образларни турли вариантларда тасвирилашга тўғри келади. Албатта, ушбу чизгилар сони ниҳоятда кўп бўлиши керак. Шундай қилиб талabalар топшириқларни амалий бажаришга киришадилар. Топшириқ вазифа таркибиға китоб муқоваси, титул вараги, заставка (бошлангич безак), концовка (охирги безак) ва асар орасига иккита иллюстрация (безаклар) чизиш киради. Аниқлашга ҳаракат қилинг, қайси деталлар сизнинг асл ғоясини очишга кўпроқ ёрдам беради? Қайсилари иккинчи ва учинчи даражада қизиқиши марказига айланади?⁶

3.3. Кичик ҳажмда ишчи макет тайёрлаш

Китоб рассомининг асосий вазифаларидан бири, бу ўкувчи аудиториясини ҳисобга олиб, китоб ўлчамларини, асар матни ва тасвирий ашёларни шу таркибий қисмга кирувчи барча элементларни аниқлаши зарур.

Давлат стандартлари асосида қўйидаги: 60x84; 60x90; 70x90; 70x108; 84x108 (сантиметрда) қофоз ўлчамлари белгилаб берилган. Бу беш ўлчам шунчаки танланган эмас, уларнинг ўзаро хусусиятлар билан боғлик, бир томондан қофоз, босмахона ва нашриётнинг имкониятлари, иккинчи томондан истеъмолчи талаби, қофознинг энини бўйига нисбат фарқи, фальцовкалаш яъни қофозни маълум тартибда буклашда қулайлиги, мутолаа қилиш гигиенаси ўкувчининг кў-

⁶ Juliette Aristides “Classical Painting Atelier”, 30 p

зига мутаносибилигини китоб, газета журналлар томонлари нисбати ҳисобга олинган.

Китоб андазаси – бу унинг макетини касб этади. Макет-нинг аҳамияти нафақат бўлғуси нашрни кўра билиш, муҳокама қилиш билан чегараланиб қолмасдан, унинг тушунчаси кенгроқ маънони касб этади. Макет – лойиҳанинг моддий ифодаланиши. Макет рассом ва бадиий муҳаррирга иш режасини юклайди, аммо буткул тугалланган жараёнга давоғарлик қилмайди. Барча китоб композициясининг ташқи кўринишини янада қизиқарли ва ифодали кўрсатишда ёрдам беради. Китоб макетини яратишда, уни бадиий юкори профессионал дид билан безашда рассом бениҳоят муҳим ўрин эгаллайди. Рассомнинг иши энг аввало, китоб ўлачами, ҳажмини асар мазмунидан келиб чиқиб, тўғри танлашдир. Китоб макетини тайёрлашдан мақсад талаба уни яхлит, тугалланган ҳолатини кўра билиши ва бажарган безакларини макетга тўғри жойлаштириши кўзда тутилади.

Ҳажми унча катта бўлмаган бир босма табоқли китоб ишчи макети тайёрланади. Бир босма табоқли, яъни 60X84 ўлчамли ватман қоғозни 1/8, 1/16 қисмга буқланади, хосил бўлган 8 бетли ёки 16 бетли варақлар тикилиб, китобча кўринишига келтирилади. Бу иш жараёнини талабалар ўқитувчи кўрсатмалари асосида мустақил бажарадилар. Тайёр бўлган ишчи макетга талаба ўзининг танлаган асари хомаки нусха ва безакларини жойлаштиради. Унинг олдиндан муқовада, титулда ва ички бетларида қай тарзда иллюстрациялар жой олишини тасаввур қила олишига имкон яратилади. Композиция қораламаларини алоҳида қоғозга чизиб, унинг атрофини кирқиб олиб, бу китоб номи бўладими (шрифт) ёки заставка (бошланғич безак), концовка (охирги безак), уларни бемалол ишчи макетда жойлаштириши мумкин, яъни пастга, баландга ёки чапга-ўнгга суриш имконияти бўлади. Талаба китобнинг ишчи макети орқали ўзи бажараётган ишнинг жараёнини дилдан ҳис қиласи ва тасаввурини оширади.

Назорат саволлари

1. Биринчи вазифанинг талаблари нималардан иборат?
2. Композиция учун қандай адабий асар танланади?
3. Асосий қоғоз ўлчамларини нечта?
4. Китоб макетини тайёрлашда рассом дастлаб нимага эзтибор қаратади?
5. Бир босма табоқ деганда нима тушунилади?

Амалий топшириқлар

1. Эркин мавзуда иллюстрациялар ишлаб қўринг.
2. Ҳайвонлар образини тасаввур асосида чизинг.
3. Китоб ёймасини ясанг.
4. Турли ўлчамдаги китоблар макетини тайёрланг.

3.4. Китоб элементи атамалари ҳақида қисқача маълумот

Китоб ташқи безаги элементлари:
супермуқова,
муқова, жилд,
филоф,
форзац,
корешок (жилд томонларини бирлаштирувчи элемент,
ён томони).

Китоб ички безаги элементлари:
авантитул,
фронтиспис,
титул ва икки туташ бетли титул,
бошлангич саҳифа
шмуцтитул,
иллюстрация (заставка) – безак, бошлангич лавҳа,
саҳифали иллюстрация (бир бетни яхлит эгаллайди),
ярим саҳифали иллюстрация (бетнинг бир қисмини
эгаллайди),



76

Переплет, авантитул.
тигур спусковая по-
лоса с плавной за-
ставкой. Художник
Г. Галингер

18. Китоб элементлари

разворот – икки бетли иллюстрация (икки туташ саҳифани эгаллайди).

матн қуршовидаги кичик иллюстрация,
ҳошиядаги чизматасвир,
иллюстрация –(концовка) – безак, охирги лавҳа.

Энг аввало, китоб муқовадан бошланади. Юмшоқ муқова тўрт бетдан иборат бўлиб, биринчи бети асосий китобнинг юз қисми, қарама-қарши, орқа томон муқованинг тўртинчи бети ҳисобланади.

Форзац – китоб блокини муқова билан бирлаштириш вазифасини ўтайди.

Босма табоғи кўп бўлган қаттиқ жилдли китобларнинг муқовасининг ён томонига “корешок” дейилади.


Фронтиспис – (француз. *Frontispice. Лотинчада –frons – пешона, “specio” – қарайман.*) “тўғридан қараш” – маънносини беради. Китобдаги иллюстрация, титул варагининг чап томонида жуфт рақамли бетда жойлашади. Унда китоб муаллифи ёки асарда ҳикоя қилинган одам портрети бўлиши мумкин. Асар мазмунининг асосини акс эттирувчи чизматасвир, ҳикоя эпизод лавҳа иллюстрацияси ҳам ўрин эгаллаши мумкин. Одатда, фронтиспис алоҳида, қалинроқ ёки силлиқ қоғозга босилади. У китоб блокининг биринчи бетига елимланади.

Титул – (атамаси лотинчадан олинган бўлиб, “*titulus*” – “сарлавҳа” ёзув” маънносини билдиради.)

Титул вараги – одатда китоб блокининг биринчи саҳифаси ҳисобланади. Титул вараги бир бетли, икки туташ ва бир неча туташ бетлардан иборат бўлади.

Авантитул – (аван- “биринчи” – маънносини беради) илгарилари у иккинчи титул вараги ҳисобланган, оддий титул варагидан олдин жойлашган бўлиб – уни одатда, қалинроқ қоғозга босишган. Замонавий китобларда авантитул – асосан декоратив композицион элемент ҳисбланиб титул варагидан олдин алоҳида саҳифада ўрин олади.

Шмуцтитул – (немисчадан “*shmuz*”- “кирланиш;” - яъни матнни кирланишдан ҳимоя қилиш маънуси келиб чиқади)



- 1 – китоб блоки;
- 2 – супермуқова;
- 3 – жислд қотқоги;
- 4 – ляссе (варақларни белгилаб құювчи тасма);
- 5 – рубчик (ботық);
- 6 – кантал;
- 7 – корешок;
- 8 – кант;
- 9 – эксплибрис
- 10 – супермуқова клапани;
- 11 – форзац;
- 12 – фронтиспис;
- 13 – титул вараги

19. Китоб элементларининг умумий күрениши

титул варагидан кейинги бетда рубрикация сифатида адабиёт асарини катта қисмларга ёки бобларга ажратып туради. Шмуцтитул учун алоҳида сахифа ажратылади, унда қисм ва бобларнинг номланиши, сарлавхалари жойлашади. Уни безатишда рассом шрифтлардан, декоратив зийнат элементларидан ва чизматасвирлардан фойдаланиши мумкин. Шмуцтитул китобнинг тоқ бетларida жойлашади.

Бошланғич сахифа – худди мана шу бетдан бутун китобнинг матни боб ва бўлимлари бошланади. Бошланғич сахифа – тушириш бети деб аталади, агар матн энг юқори чегарадан бошланмасдан, бирмунча пастроқдан бошланса, очиқ қолган бўш жой – тушириш йўли деб номланади. Бу китобнинг бошланғич бетини энг оддий ва кенг тарқалган безаш усули. Бундай усулни бажаришдан мақсад уни бошқаларидан ажратиб кўрсатиши.

Иллюстрация – сўзининг лотинчадан “illustratio” – таржимаси “ёритиш” – маъносини беради. Иллюстрация кенг маънода китобни бадиий безашда фойдаланилади. Иллю-

стациянинг китобдаги биринчи вазифаси матннинг мазмунини очиб бериш ва тушинтириш. Иллюстрацияларни турли нуқтада назардан кўриб чиқиш мумкин. Уларнинг китобдаги аҳамияти ва жойлашуви, матн билан боғлиқ хусусиятлари, бажарилиши техникалари ва ҳ.к. Иллюстрациялар ярим, бир, шунингдек яхлит икки бетни эгаллаши мумкин.

Заставка * – кириш безак лавҳаси (3.9. бўлимда кенгроқ ёритилган.)

Асар, боб, бўлим тугашидан кейинги, охирги безак тасвир - концовка дейилади. * (3.9 бўлимга қаранг.)

Китоб ташқи ва ички кўриниши ҳақида бошланғич курсда талабалар билиши керак бўлган қисқача маълумотлар шулардан иборат.

Назорат саволлари

1. Форзац нима ва у қандай вазифани ўтайди?
2. Титул вараги нима?
3. Икки туташ бет деб нимага айтилади?
4. “Шмуцтишул” сўзининг маъноси нима?
5. Иллюстрация нима?

Амалий саволлари

1. Китоб элементларини амалда кўрсатиб беринг?
2. Титул вараги учун хомаки нусхалар чизиб кўринг.
3. Китоб элементларининг қораламаларини бажариинг.
4. Ярим бетли иллюстрациялар чизишини машқ қилинг.



Kunlardan bir kuni tulki laylakni ziyoftga chaqiribdi. Tulki shavla pishirib, laganda suzib kelib o'ttada qo'yibdi. Laylak tumshug'ini lagan-ga uribdi, ammo oq'ziga hech narsa ilinmadi.



Laylak qancha urinmasin hech narsa yeya olmabdi. Tułki lagandagi shavlaning hammasini o'zi yeb tugatibdi. Laylak oechdan o'lar holda uyyga qaytibdi. Ertasi kuni laylak tulkini meh-monga chaqiribdi. Laylak suyuq ovqat qilibdi-da, ko'zagaquyub dasturhonga tortibdi. Tulki bo'y-nini cho'zib harchand urinsa ham ko'zadagi ovqaqtan yeya olmabdi.

20. А.Каланов. “Тулки билан Лайлак” эртагига ишиланган икки туттаи бетга жойлаштирилган иллюстрациялар, акварель

3.5. Эртак қахрамонлари образлари устида ишлаш

Талаба асар мазмуни ва усулини англаб олиб, уларни бади-й безаклар билан тасвирлашга киришади. Иллюстрациялар ифодали, таъсирчан, мукаммал композицион, пластик ечимни тұғри танлашга интилади. Мазкур вазифани бажаришда композиция асосларидан олган күнікмаларига таянган ҳолда иш олиб боради. Иллюстрация композицияси характеристики тұғри белгилашда адабий асарнинг шаклини, йұналишини нозик томонларига айниқса, иллюстрацияда тасирланадиган асар парчаларини чуқурроқ үрганиши керак.

Баъзизда асарни мутолаа килган талаба ҳамма нарсага тушунгандек бўлиб туюлади. Матнда баён этилган воқеанинг мазмунини қоғозга тасвирлашни бошлайди. Чизиш жара-

ёнида ҳали асарнинг асл моҳиятига етмаганлиги кўриниб қолади. Энг аввало, эртақдаги ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг образларини ажратиб, уларнинг устида иш бошлаш мақсадга мувофиқ. Айтайлик, бадиий асарда лайлак ижобий образ, тулки эса салбий образ. Талаба ҳайвонлар характерларини яқиндан билиб олиш учун улар ҳақида чоп этилган адабиётларга мурожаат этади, ҳужжатли фильмлар орқали уларнинг хатти-харакатларини, феъл-авторларини кузатиб, қаҳрамон ҳайвонлар қаерда яшайди, қандай жойга ин қуради, қайси таомларни хуш кўради ва шунга ўхшаш керакли маълумотларни олади. Уларнинг харакатларини эслаб қолишга харакат қилиб қораламалар бажариши керак. Бу билан талаба хотира қобилиятини ўстиради. Ҳайвонот боғига бориб композицияга тегишли ҳайвонларнинг турли ҳолатларда натурадан тез фурсатда қораламалар, этюдлар бажарди. Уларнинг қоматини ҳар томондан бир неча ўнлаб тез чизгиларини ишлайди. Айрим деталларнинг бош қисмини, тумшуғини, қанотини, сёқ панжаларини диққат билан аниқ чизишга ҳаракат қилиши, иложи борича бироз ишлов бериши лозим. Айниқса, уларнинг характерини очиб берувчи ҳолатларини айёrona кўзларини, қулоқларини ҳаракатини топишга интилиши керак. Албатта, натижада мақсадга эришиш учун кўп сонли қораламалар бажарилади. Қораламалар қаламда, юмшоқ ашёда (*сангина, пастель, кўмир*), тушь-перо, тушь-мўйқалам билан этюдлар бир рангли акварелда ва рангли акварелда бажарилиши тавсия этилади.

Изчил образлар

Кўриб идрок қилиш, вақт жиҳатидан ўзининг давомийлигига эга. Кўриш аппарати орқали ташки қўзғатиш онгга етиб борса ва тўхтаса, биз бирмунча вақт уни ҳис қилишда давом этамиз. Қўзғатишдан қолган нишона изчил (кетмат-кет) образ деб аталади.

Изчил образ ёрқинлик ва ранги бўйича дастлабки образга мувофиқ келсагина ижобий бўлади. Учаётган ракета, маса-

лан, ёрқин отилган суюқлик, қоронғида айланаётган чүгли күмир тасаввурини, оловли доира, экранда лип-лип ұтаётган кинокадрлар эса тинимсиз ҳаракат тасаввурини беради. Булар күриш ҳиссиётининг мантикий ижобий образлари намуналаридир⁷

3.6. Асар мавзусидан келиб чиқсан ҳолда хомаки чизгилар ишлаш

Китоб композициясининг асосий үзига хос хусусияти, адабий асарнинг жанр ва ёзилиш усулидан келиб чиқади. Бу объектив қонуният, китоб пайдо бўлган даврдан давом этиб келмоқда.

Адабиёт асарини баён қилиб, шарҳлаб изоҳлаш қонунияти вужудга келди. Композиция яъни адабиёт асаридағи композиция сингари, иштирок этувчиларнинг ҳарактерли портретлари, қаҳрамонларнинг үзаро муносабатларини, қилиқлари, ҳаракатлари ва изтиробларини очиб беради. Сюжетнинг ривожланиш босқичи, тугуннинг кульминацион ечими, бунда рассом барча ички ва сиртқи ҳарактерларни ифодалайди ҳамма кўзга кўринадиган хусусиятларини, китоб мазмунини, ёзувчи сўзлар – иборалар билан баён қилган воқеаларнинг бадиий ечимини аниқлаб беради. Безакчи рассом олдидағи вазифа ёзувчи томонидан танланган бадиий воситаларни ифодали мужассамлаштиришдир.

Танланган китоб ҳақида талаба билан үқитувчи сухбат үтказади. Асарнинг қайси ҳалқа мунсублиги, ёзилган даврига кўра урф-одатларининг үзига хослиги, меъморий обидалари, асбоб-ускуналари, кийим-кечаклари, идиш-товоқлари, курол-аслаҳалари, ҳайвонот дунёси, табиати, үсимлик олами, ёзуви, (полиграфия) ва бошқа ашёлари ҳақидаги, археологик видео, аудио маълумотлар бўлажак композиция асари учун тўпланади.

⁷ Virgil Elliott “Traditional oil Painting”, 42 p.



21. Иллюстрациялар учун бажарылган қораламалар

Үқиши жараёнида талабалар бадий асарни таҳлил, мухокама қилишни, безакларни танлашни ўрганади. Ундан ташқари, китобнинг асосий ғоясини очиш учун бадий асардаги энг муҳим усууллар (жанр) билан танишади, китобни қай тарзда безатишни ва унга безаклар ишлашни ўрганади. Талаба умумий режа тузиб, асар қаҳрамонларининг феъл-авторига ва китоб безашдаги барча ўзига хос хусусиятларни очиб бериши, бундан ташқари, натурадан чизматасвирлари бўлиши лозим. Хаёлан расм чизишни машқ қилиши, режалаштирилган фикрдан композицион асар яратишни амалга ошира билиш керак.

Талаба томонидан танланган асар ўқиб чиқилади ва у чукур таҳлил қилинади, ғоя ва мазмуни чақилади. Асар воқеалари қай тарзда ривожланиши, атроф мухит, табиат билан боғлиқлиги ўрганилади. Талабадан хаёлан воқеанинг қай даражада салбий ва ижобий образларини ажратиш талаб этилади. Бирламчи вазифа натурадан бир неча ўнлаб қоралама ва хомаки чизгиларни бажариш мақсад килиб қўйилади.

Назорат саволлари

1. Асар қаҳрамонларининг образлари қай тарзда талқин қилинади?
2. Ҳайвонлар характерини очиб беришида адабиёт ва фильмларнинг аҳамияти нимада?
3. Асар учун хомаки чизгиларни қаерда бажарии мумкин?
4. Эртак қаҳрамонлари кандай образларга бўлинади?
5. Асар ғоявий мазмунини ўзлаштиришида талабадан нима талаб этилади?
6. Натурага қараб қораламалар бажариида талабадан нималар талаб этилади?

Амалий топшириқлар

1. Ҳайвонот боғига бориб турли жониворларнинг қораламасини натурадан бажаринг.
2. Жониворлар этюд хомаки чизгиларини эслаб қолиб хотира асосида ишланг.
3. Турли ҳайвонлар характерини бир –бирига таққосланг.
4. Турли дараҳтлар қораламаларини натурадан чизинг.
5. Натурадан ва хаёлан қораламаларни бажаринг.
6. Ижобий ва салбий образларга чизгилар яратинг.
7. Танлаган асарингиздан ташқари бошқа китобларни ҳам муртоалаа қилинг.

3.7. Китоб муқоваси дастлабки хомаки нусхаси (эскизи) устида ишлаш.

Муқова китобнинг ташқи элементлари таркибиغا киради. У қадимдан китоб блокини ҳимоялаш воситасини ўтаган ва бугунгача сақланиб қолган.

Замонавий стандарт, китоб жилди конструкциясининг 9 турини, шунингдек конструктив – технологик хусусиятлари билан мос келадиган муқовалар кўриниши белгилаб берилган.

Жилд, муқовалар турлари:

№ 1 ва № 2 – яхлит картон қофозли, 1 – чети қирқилган, 2 – магизли.

№ 3 – эгилувчан матоли,

№ 4 – яхлит қофоз,

№ 5 – таркибий (қофоз муқова ва матоли корешок),

№ 6 – эгилувчан яхлит матоли,

№ 7 – қаттиқ яхлит матоли,

№ 8 – турли навли матолардан иборат,

№ 9 – сунъий пластик, уч хил варианта ишлаб чиқарилади, юмшоқ, яримқаттиқ ва қаттиқ.

Китоб муқоваси, уни безашдаги жараённинг асосини ташкил этади. Юқорида таъкидлаганимиздек, биринчи босқич талабаларига ҳажми катта бўлмаган юмшоқ муқовали китобни безаш топшириғи юклатилган. Юмшоқ муқова тўрт бетдан иборат бўлгани учун талабаларга фақат муқованинг биринчи бетини безаш вазифаси топширилади. Бундан мустасно талабанинг иқтидоридан келиб чиқиб, баъзида муқованинг биринчи ва тўртинчи саҳифаларини безашга рухсат этилади.

Энг аввало, муқованинг композицион пластик ечимини топиш вазифаси туради. Муқовада адабий асарнинг мазмунидан келиб чиқиб, асар қаҳрамонларининг энг қизиқарли диалоги, учрашуви улар орасидаги ўзаро муносабат, воқеа жараёни тасвирланиши мумкин. Қаҳрамонлар қомати, турли ҳаракат, ҳолатларда бир неча ўнлаб варианtlарда жойлаштирилади.

Композиция асослари қонунларига бўйсунган ҳолда симметрик, асимметрик ёки диагонал бўйлаб, динамикани қўллаш мумкин. Бошқа вариантда статика қонунлари бўйича орқа фонни бир маромда, ритмик кўринишида бажаришга уриниб кўрилади.

Болалар учун мўлжалланган китобнинг муқоваси устидаги ишлашда, ёрқин тўлқинлатирадиган ранглар ва реал тасвирлардан фойдаланилади. Муқовада нисбатан каттароқ шрифтлар, саҳифаларда безакларнинг кўпроқ бўлиши, матнларнинг камроқ жойлашиши мақсаддага мувофиқ. Иллю-

OLTIN TARVUZ Oltin tarvuz



22. Муқова учун бирламчи эскизлар вариантылари

страция деталларига эътибор қаратиш, чунки тасвир ҳикоя ўрнида хизмат килади, айниқса, ҳали ўқиши билмайдиган болалар учун бунинг ахамияти катта.

Муқова – китобни безашдаги жараённинг асосини ташкил этади. Муқовада қайси қаҳрамонларни жойлаштириш, қандай ёритиш уларни фон билан боғловчи, яъни табиат, атроф-муҳит ёки интеръер билан умумлаштириш вазифаси туради, шунинг билан бирга муқовада асар, музалиф номи қай тарзда жойлашиши, ҳусниҳатнинг ҳажми, асар мазмунига мос келиши шарт.

Муқовадаги тасвир ўқувчини ўзига жалб қиласидиган, айниқса, мактаб ёшигача бўлган болаларга мўлжалланган китоблар, уларнинг диққатини эртакнинг сехрли дунёсига тортиши керак.

Бир неча вариантларни композиция асосларига риоя қилган ҳолда бажарилади. Олдинига муқованинг композицион ечими, форматдаги мувозанат, китоб, музалиф номи ўлчамлари қаламда белгиланади.

Композицион ечим қаламда топилгач, навбатдаги жараён, акварель гуашь, тушь, рангда ҳомаки чизгилар чизилади. Рангли ҳомаки нусхани бажаришда, бўёқларнинг колоритини боглаш, иссиқ-совук рангларнинг ёнма-ёнлиги, фигура-ларнинг фондан ажralиши учун тусда фарқлаш талаб қилинади. Ушбу вазифа ва талаблар бажарилиб, сўнгра кичик деталлар устида ишланади. Шу тарзда муқованинг ҳомаки нусхаси тугалланиб асл нусхага кўчиришга тайёрлаб қўйилади.

Жониворлар образларини, хатти-харакатларини ишлашда натурадан бажариб келинган қоралама ва этюдлардан фойдаланилади. Албатта, биринчи босқич талабалари тажриба ва маҳоратлари имконияти бироз чекланган. Шу боис уларга бир қатор яқин ўтмиш ва замондош уста рассомлари томонидан безатилган китоблар тавсия этилади. В.Кайдаловнинг “Алпомиш”, “Семурғ”, “Ойгул билан Бахтиёр”, Т.Мухаммедовнинг “Ўзбек ҳалқ эртаклари”, Ж.Умарбековнинг “Алпомиш”, “Уч оғайни ботирлар”, В.Апухтиннинг “Шум бола”, А.Ғуломовнинг “Сариқ девни миниб”, “Футбол

қироли» китобларини намуна тариқасида кўриб ўрганиб чиқишилари фойдадан ҳоли эмас.

Назорат саволлари

1. Китоб жилд конструкциясининг қандай кўринишлари мавжуд?
2. Муқова безагини бажариида композиция асосларининг аҳамияти нимадан иборат?
3. Муқова композицияси пластик ечими қай тарзда топилади?
4. Юмишоқ муқовали китобнинг муқоваси неча бетдан иборат бўлади?
5. Хомаки нусхани нима сабабдан кўп вариантда ишлиш керак?

Амалий топшириклар

1. Муқовадаги образлар устида алоҳида ишиланг.
2. Турли ашёларда, турли вариантларда муқова хомаки нусхаларини бажаринг.
3. Муқова композициясини натюрморт орқали бажариб кўринг.

**Натурадан бажарилган ҳайвон, қуш – парранда, ҳашоратларнинг қораламаларини услугга солиши
(стилизациялаш)**

Асар қаҳрамонлари ҳайвонлар, қуш-парранда, ҳашоратларнинг натурадан фойдаланиб бажарилган хомаки чизги-лари услублаштирилади. Уларни бир неча вариантда турли ашёларда қалам, тушь перо, рангли қалам, пастель, акварель ва ҳакозоларда бажарилади. Стилизация чизмаларининг талаби шундан иборатки, қораламаларда ҳар қандай ҳолатда жонзотларнинг асл характеристи акс эттирилиши шарт. Яъни томошабин, ўқувчи, бўрини, тулкини ёки бўлмаса айик, лайлакни таниб тан олиши зарур. Бундай ҳолларда, албатта, уларнинг характеристи, ҳаракатини очиб бериш вазифаси қўй-

илади. Услублаштириш бир неча ўнлаб вариантда, то қахрамоннинг характеристи топилгунча ишланади.⁸

3.8. Титул вараги хомаки нусхаси (эскизи) устида ишлаш

1-босқич талабалари учун юқорида таъкидлаб ўтганимиздек унчалик мураккаб бўлмаган топшириқ белгиланган. Шу боис биз мұқовадан кейинги саҳифадаги форзац ҳақида тұхталмаймиз. Навбатдаги вазифа китобнинг титул вараги устида ишлаш бўлади.

Алоҳида саҳифалар – бу китоб таркибидаги элементлар гурӯхининг шартли номланишидир. Улар бош сарлавҳа ролини бажариб, алоҳида бетларда жойлашади. Китобдаги ўзига хос ўринда жойлашиши уларни сезиларли даражада маъноли қилиб кўрсатади. Алоҳида саҳифалар – образли композиция характеристи бўйича ўзига бўлган муносабатни, рассомдан диққат эътиборни жалб қилишини талаб қиласиди. Алоҳида саҳифаларга: титул вараги (титулнинг икки туташ бети), авантитул, шмуцтитул, бошланғич ва охирги безак хошиялардан иборат.

Титул вараги – одатда китоб блокиниг биринчи бети ҳисобланади. Конструктив қурилиши турли кўринишдан иборат: бир саҳифадан, орқа томони бўш ёки орқа томонига матн босилган, туташ икки баъзида бир неча туташ бетлар кетма-кетлигидан ташкил топади. Бир неча туташ бетли титуллар кам учрайди, у конструктив шаклдан кўра, китобни безаш усулига яқинроқ, яъни зарур вазиятларда қўлланилади.

Бир саҳифали титул вараги орқа томони бўш тури кенг тарқалган. Титул варагидаги маълумотлар биринчи навбатда китоб ўқувчига, шунингдек, китоб тарқатувчи – сотувчи, кутубхоначи ва библиографиячига мўлжалланган бўлади.

⁸ Juliette Aristides “Classical Painting Atelier”, 130 p.

Бундай маълумотларга:

1. Туркумликни кўрсатиш (агар нашр туркумли бўлса);
2. Муаллиф исми шарифи (муаллифлар гурухи);
3. Китоб номи ва бош сарлавҳа (агар бўлса);
4. Нашр белгилари, (агар нашр алоҳида томларга, қисмларга, китобларга бўлинса);
5. Қайта нашр кўрсаткичи;
6. Китоб қайси тилдан таржима қилинганлиги ва таржи-моннинг исми шарифи кўрсатилиши;
7. Китобни безатган рассом исми шарифи;
8. Нашриёт номи;
9. Нашр этилган жой, йил(сана).

Титул вараги хомаки нусхаси устида ишлашда композиция қонуниятлари бўйича асосий қисм ажратилади, бошқа барча маълумотлар ва композицион даражасига (аҳамиятига) қараб асосий қисмга бўйсинашади. Баъзи бир ҳолатда титулнинг асосий элементи китобнинг номи бўлиши мумкин, бошқа ҳолда – ёзувчининг исми шарифи ўрин эгаллади (агар бу ёзувчининг тўпламлари, сайланма асарлари ёки шеърий тўпламлари бўлса). Баъзида титулда тасвирланган ифодали иллюстрация асосий қисм бўлиб хизмат қилади.

Буларнинг барчасига титул элементларининг ўлчамлари фарқини аниқлаш, тасвир ва ҳарфлар – хусниҳатлар характеристери, шунингдек, рангда ечимини топиши композицион жойлаштириш орқали эришилади.

Одатда титул варагининг юқори қисмida муаллиф ва асар номи ёзилади. Китоб безаш қонун-қоидалари бўйича муқовадаги ёзув, титул варагида ҳам такрорланади, фақат ҳажмида, ўлчамида ва рангидаги фарқ бўлиши мумкин.

Ёзувлар, албаттa, симметрия қонунларига бўйсинган ҳолда бажарилади.

Титул варагининг пастки қисмida нашриёт номи, нашр этилган шаҳар ва сана (йил) кўрсатилади.

Титул варагининг марказида ёки марказдан юқори қисмida тасвир элементи жойлашади. Бу элементда асар мавзусидан келиб чиқилган ҳолда натюроморт, манзара, жонивор-

TULKI BILAN LAYLAK



23. “Тулки билан Лайлак” эртаги титул варағининг күриниши

лар ёки эртак учун характерли предметлар акс эттирилиши мумкин.

Титулдаги тасвир композиция жиҳатидан китобда-
ги бошқа безаклар билан умумий боғланган бўлиши шарт.
Шуни назарда тутиш керакки, лавҳа индивидуал ҳолатда
муқованинг ёки иллюстрация безакларининг давоми бўл-
масдан ўзи алоҳида кўринишга эга вариантда бўлиши ҳам
мумкин. Асарнинг умумий мазмуни йўналиш услубини бит-
тагина предмет ёки жонивор образи билан соддароқ қилиб
айтганимизда, яъни биргина кичик ҳажмдаги тасвир билан
бутун адабий асар характерини очиб берга олиши имкония-

тига эга. Шу мақсадда талаба титул вараги устида жиддий иш олиб боришига түгри келади. Бир неча ўнлаб ёзув шрифти вариантылари бажарилади. Тасвир лавҳасининг турли-туман кўринишлари машқда ишланади. Лавҳа композицион йўналиши, доира бўйлаб, учбурчак, тўртбурчак, конус, цилиндр кўринишида симметрик диагонал йўналиш ёки бўлмаса, икки диагонал чизиқлар кесишуви, бошқа вариантда ҳараратдаги жонивор горизонтал, ўткир бурчак остида йўналтириши мумкин.

Титул вараги хомаки нусхаларини турли ашёларда бажариб кўриш тавсия этилади. Титул вараги асосан оқ-қора рангда бажарилади. Шу тариқа бир неча вариантылар кўриб чиқилиб, энг мукаммалида тўхталади.

Назорат саволлари

1. Титул варагининг қандай кўринишдаги турлари мавжуд?
2. Титул варагида қандай маълумотлар ўрин эгаллайди?
3. Титул тасвири лавҳаси варакда қай тарзда жойлашади?

Амалий топшириқлар

1. Композиция вазифасига биноан титул хомаки нусхаларини ишиланг.
2. Турли ашёларда титул тасвирларини эркин мавзуда бажаринг.
3. Бир чизиқли тасвир билан титул композициясини топшишига урининг.



24. “Тулки билан Лайлак” эртагининг бошланғич
безаги, акварель

3.9. Бошланғич лавҳа, безак (заставка)

Титул варагидан кейинги саҳифада асарнинг матни бошланади. Саҳифанинг $\frac{1}{3}$, $\frac{1}{4}$ қисмида бошланғич безак жой олади.

Бу элемент китоб кириш зийнати, унча катта бўлмаган тасвирий ёки нақшли (баъзида сюжетли) композиция, безашда ва нашр бошини ажратиб кўрсатишда, боб ва бўлимлар бошланишидан олдин қўлланилади.

Кириш безаги муқаддима (увертюра) ролини бажаради, ўкувчини адабий асарни ёки китоб бобини фаол идрок этишга, ўзлаштиришга тайёрлайди. Унинг кўриниши нақшли, рамзий-тимсол тасвири, декоратив – предмет, мавзу-сюжетли бўлиши мумкин.

Бошланғич безакнинг энг оддий кўриниши бу – тўғри чизик бошланғич бетнинг юқори қисмида жойлашган бўлади. У тепа чизиқни таъкидлаб ва бошланғич саҳифанинг аҳамиятини кучайтиради. Тўғри чизиқни адабиётни барча турлари-

да құллаш мүмкін. Фақат тұғри чизик графика усули бүйіча шрифт ва китобга мос келиши талаб қилинади.

Бошланғич безак асарнинг кириш қисми деб тушунилади. Яъни воқеанинг бошланишидаги ҳолат тасвиранади. Манзара орқали, ёки натюрморт билан, ёки бўлмаса, манзара заминида фигуралар, жиҳозлар кўрсатилиши мүмкін. Бошланғич безак орқали асар мазмуни очилади ва эртак ёки масалга кириб борилади.

Асарни ўқишида ўкувчига бошлиғич безак ёрдам беради, давоми қанақа кечар экан? - деган савол туғилади. Албатта, эртак, масал сингари бадий асарларда қаҳрамонлар образлари услублаштирилади. Талабалар услублаштиришни бажаришда кўплаб, адабиётлар билан танишишларига тұғри келади. Уларни кузатиб, уста рассомлар услублаштиришни қандай, қай тарзда тасвиrlаганларини диққат билан ўрганишлари лозим. Ўз-ўзидан ўқитувчи билан бамаслаҳат, раҳбарнинг йўл-йўриғи, ўгитлари асосида ишланади. Шу йўсинда бошланғич безак композицияси, жойлашиши ўқитувчи кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда хомаки чизмалар устида ишланади. Аввало, оддий рангли қаламда сўнгра акварель ёки гуашда ранглар танланади. Вариантлар ўз-ўзидан бир неча ўнлаб бўлиши фойдадан ҳоли эмас.

Бошланғич безак композицион тасвиr ҳаракати чапдан ўнг томонга бўлади. Бунинг сабаби асар давоми кейинги саҳифага кўчади, яъни китоб бети чапдан ўнгга очилади. Бошланғич безагини композицион пластикаси ечимини топишда ритм, мувозанат, динамика қонуниятларига мурожаат қилинади. Турли вариант кўринишларида симметрик тарзда жойлашиши, кескин фарқларда ечимини топиши мүмкін. Бошланғич безакнинг энг асосий вазифаси бу ёш ўқувчини эртак дунёсига етаклаш. Қаҳрамон ҳаётини ҳис қилишни мақсад қилиб қўяди.

Охирги безак (Концовка)

Концовка – русчадан охирги, сўнги – маъносини беради. У китоб ёки бўлим, боб сўнгига тасвиrlанадиган чизматас-



25. "Тулки билан Лайлак" эртагининг охирги безаги

вир, график безак. Охирги безакда аксинча, тасвир ҳаракати композицион ечими ўнгдан чапга бўлиши ёки статик тарзда бажарилиши мумкин. Воқеа тугагани рамзий чизгилар орқали ифодаланади.

Яъни китобнинг якуни, асарнинг тугаши, театр томошаси билан таққосланганда, парданинг ёпилиши. Аксарият эртак-масаллар охирида ижобий қаҳрамонлар ўз орзуларига эришадилар. Эзгулик, ёвузлик устидан ғалаба қозонади. Шундан келиб чиқиб асарнинг охирида, якуний тасвир чизилади. Унда эртак сўнгидаги воқеалар тасвирланади. Қаҳрамонлар мулоқоти, манзара, натюроморт, орнамент ва ҳ.к.к акс этиши мумкин. Концовка учун ҳам кўп сонли эскизлар бажарилади. Хомаки чизгиларни турли ашёларда ишлаш тавсия этилади. Композицион ечим, жойлаштириш, ўқитувчи маслаҳати билан ҳамкорликда ҳал этилади. Хомаки нусхалардан композицион ечими энг муваффақиятли топилгани танлаб олиниб, асл нусхасини бажаришга тайёрлаб қўйилади. Энг асосийси бошланғич, охирги безакларнинг композицион ечими бир-бирига яқин бўлиши керак.

Назорат саволлари

1. Бошланғич безак нима?
2. Бошланғич безак тасвири ҳаракати қайси томонга қартилади?
3. Охирги безак китобнинг қайси бетига жойлаштирилади?
4. Бошланғич ва охирги безаклар вазифаси нимадан иборат?
5. Бошланғич безак қандай бадиий ечим кўринишида бўлиши мумкин?

Амалий топшириқлар

1. Бошланғич безакнинг хомаки нусхаларини бажаринг.
2. Эртак қаҳрамонлари образларини турли кўринишида усулблаштириб чизинг.
3. Бошланғич ва охирги безакларни қушлар тасвири орқали бажариб кўринг.
4. Бошланғич ва охирги безакларнинг фарқини таққосланг.

3.10. Ички иллюстрациялар (безак расмлари) хомаки нусхалари (эскизи) устида ишлаш

Мактаб ёшигача бўлган болаларнинг кўпчилиги ўқишини билмайди. Шуни таъкидлаш керакки, бола ўқимаса ҳам, ҳарфларни безакларни томоша қилади. Шунинг учун, масалан, бир саҳифадаги расм билан иккинчи саҳифадаги безак орасидаги алоқа бола учун расмий муносабати деярли йўқ. Шу боис матн атрофидаги рамка катталарга умуман ёқмаса, бола буни жуда сокин қабул қилади.

Китоб ўлчами, ҳажми муҳим роль ўйнайди. Ҳар ҳолда китоб ўлчамининг катталиги болада таасурот қолдиради, саҳифаларни вараклаш – бу бутун бир воқеа, шундан сўнггина фикрларини жамлаб безакларга тикила бошлайди. Ҳаммага маълумки, иллюстрациялар болалар китобининг энг асосий жиддий қисмини ташкил қилади. Шу боис болалар адабиёти одатда, матнсиз ёки унчалик катта ҳажмга эга бўлмаган матн, расмлар билан безатилган китоблардан иборат бўлади.

Китоб ички қисмидаги иллюстрациялар ярим, бир, икки бетга жойлашиши мумкин. Уларни бир бетга яхлит ёки диагонал йўналиш бўйича ҳам ишласа бўлади. Бошланғич босқич талабалари учун, соддароқ, мураккаб бўлмаган вариянт танлаб олинади. Бир бетли иллюстрациядан 2 та, вазифа сифатида юклатилади. Асарнинг энг кулминацион воқеалиари кўринишларини тасвирлаш тавсия этилади. Имкон қадар қизиқарли эпизодлар танланади. Иллюстрацияларни бажаришда параллел равишда изланишлар олиб борилади. Энг аввало, жуда кўп сонли қоралама хомаки чизгилар, ҳар хил ашёларда бажарилган композиция учун йиғилган изланишларнинг ўрни катта. Иллюстрацияларда композициянинг асосий фигураси топилиб, мувозанат асосида бадиий ечим топилади. Орқа фон, биринчи планлар белгиланиб, деталларга ҳам эътибор берилади. Албатта, иккала иллюстрация (компоновка) жойлашуви бўйича турли кўринишда бўлиши мумкин, аммо колорит, бажарилиш техникаси, ранглар уйғунлиги бир-бирига яқин бўлиши шарт.

Иккала иллюстрацияни ишлашда ўқитувчининг назорати ва маслаҳати шарт. Албатта, устоз китоб графикасининг ҳам амалий ҳам назарий жиҳатдан ўз касбини чукур эгаллаган билимдон мутахассиси бўлиши талаб этилади. У талабаларга ўз билими ва амалий ижодий ишлари билан ўrnak бўла олиши зарур. Агар биринчи иллюстрациядаги композициянинг пластик ечими динамикаси чапдан ўнгга йўналтирилган тақдирда, у ҳолда иккинчи безакнинг ечими аксинча, ўнгдан чапга бўлиши мақсадга мувофиқ. Композициянинг бундай ечимида иккала иллюстрация бир-бирига боғланиб, китоб безатилишининг умумий бир услубда тутатилган кўринишни тўлдириб туради. Иллюстрациялар композицион ечимини статик йўналишда ҳам бажариш мумкин. Бу усулда ишланган иллюстрацияларда асар қаҳрамонларининг ўзаро муносабат, диалог ҳолатларини тасвирлаш тавсия этилади.

Талаба, албатта, мавзуга оид адабиётлар, уста рассомлар қаламига мансуб иллюстрациялар билан мукаммал танишиши, уларни таҳлил қилиши керак. Иккала иллюстрация учун

күплаб, бир неча ўнлаб хомаки вариантларни бажаришга тұғри келади.

Назорат саволлари

1. Китобни варақлаган бола эңг аввало нимага әзтибор беради?

2. Иллюстрацияларни бажаршида эңг аввало нималар көрек бұлади?

3. Иккала иллюстрацияни нима боғлаб туради?

4. Ички иллюстрацияларда нималар баён қилинади?

Амалий топшириқлар

1. Иллюстрациядаги образлар устида ишланг.

2. Иллюстрацияларни оқ-қора ва рангда ишлаб күринг.

3. Композиция биринчи планини натюрморт орқали бажаринг.

3.11. Китоб макетининг асл нусхасини ясаш ва муқованинг хомаки нусхасини рангда ишлаш

Иллюстрациялар устида ишлашни, китоб макетини ясашдан бошлаш мухим. Лойихалаштирилған бинонинг, бұлғусы қурилишни тасаввур килиніца одатда иншоот макети яратылади. Худди шу сингари китоб макети ҳам ясалади. Бұлажак нашрни асл ҳаждыда, аник хисоб-китобда ва босма матн бетлар күрсатылади. Ушбу макетде барча иллюстрация, бошланғич, охирги безак хомаки чизгилари ва бошқа катта кичик элементлар жой олади. Рассом матн билан тұғри ишлаши, ҳар бир тасвир элементларнинг масштабини аник күрсатыши, макетде иллюстрациялар хомаки нусхаларини құлай ва тұғри бажарылышы, улар асл нусхада қайси ашёда ишланадиган бұлса, айнан ұша ашёда ишлаш тавсия этилади, фактат гравюра техникалари бундан мустасно. Одатда макетде барча хомаки нусхалар билан белгиланиб чиқылғандан сұнг, нағында керкаптың тасвирий ашёларни йиғишиң жараёнига етиб келади. Ҳақиқий тұлақонлы макет, камидар, қоралама, хомаки



25. Китоб макети қораламаси

чизгилар билан безатилган бўлиши керак. Бундай макет, бутун китоб хомаки нусхасини ташкил этади ва ҳали нашрдан чиқмаган иш натижаси ҳақида ҳар бир киши ўз фикрини билдириши мумкин. Аниқ яратилган макет, ҳақиқий бутун китобнинг хомаки нусхаси сифатида, мустакил бадиий қимматга эга.

Талаба китобнинг ишчи макетини тайёрлашга кўнишка ҳосил қилгач, макетнинг асл нусхасини ясашга киришилади. Иш қоғоз навини танлашдан бошланади. Ўқитувчи тавсиясига биноан ватман, торшон, ёки силлик (мелованний) қоғозлардан юмшоқ муқовали китоб макети асл ўлчамда ясалади. Китоб макети иштиёқ ва бадиий дид билан тартибли бажарилади. Макетни ясашда керак бўладиган ашёлар: қоғоз, калька, қалам, чизгич, (ёғоч ва металл) циркуль, учирғич, тушъ- перо, игна-ип, пва ва резина елими, қайчи, канцелярия қоғоз кесувчи пичоқ. Китобнинг макети тайёр бўлгач, муқова, титул, бошланғич, охирги ва иллюстрация безаклари жойлаштирилади. Ички иллюстрацияларни

жойлаштиришда улар орасидаги сахифалар ёнма-ён тушиб қолмаслигига эътибор қаратилади ва аксинча уларнинг оралиғи бир-биридан ўта узок ҳам бўлмаслиги керак. Навбатдаги вазифа тасдиқланган муваффакиятли китоб элементлари безакларини рангда ишлашга киришилади. Рангда турли варианtlар бажарилади. Уларнинг умумий ранглар колорити танланади. Колорит деганда ҳамма кўриниб турган нарсаларнинг ранг қиёфаси тушунилади. У ёруғлик, кўриб идрок қилиш ва фикрлашнинг қатор қонунларига боғлиқ. Бизнинг вазифамиз мана шуларни кўрсатиш: колорит табиатда қандай юзага келади, қандай англанади ва кейин тасвирда ифодаланади; умумий ва жузъий колоритни юзага келтирадиган қонунийтларни, предмет ёруғ-сојси, унинг хусусий ва юзага келган ранги, ёруғлик таъсири остида предмет ташки қирраларининг ўзгаришини очиб бериш; бизнинг онгимизда колорит ҳақиқидаги тасаввурни юзага келтирадиган қонунларни кўрсатиш ва ниҳоят, картина текислигига реал колоритни акс эттиришга ёрдам берувчи техник усусларни кўрсатиш. Шундай кетма-кетликда бизнинг ифода тарзимиз ривожланади.⁹

Ранглар мутаносиблиги асарнинг йўналиши усулидан, кайфиятидан келиб чиқиб, ўқитувчи кўрсатмаларига биноан охирги тўхтамга келинади. Натижада китоб безатилишида ритм ҳосил бўлади. Ўқитувчи намуна тарзида рангда хомаки нусхаларни бажаришни амалда кўрсатиб беради.

Назорат саволлари

1. Китоб макетини тайёрлашда қайси ашёлардан фойдаланилади?
2. Китоб макетини тайёрлашнинг аҳамияти нимада?
3. Рангларни танлашда нимага эътибор қаратилади?

Амалий топшириқлар

1. Турли ўлчам, ҳажмдаги китоб ишли-макетларини ясанг.
2. Китоб безакларини бир неча хил ашёларда бажаринг.

⁹ Virgil Elliott, “Traditional oil painting, 17 p.

3.12. Муқованинг асл нусхасини бажариш

Болалар бадиий адабиётидаги ўзига хос томонлари, муаммолари, ҳаётни англаш, идрок этиш, инсоний одоб-ахлоқ нормаси, дунёқарашнинг вужудга келиши, шаклланиши, инсон ҳаётининг маънавий баркамол ўсишида жуда зарур. Болаларнинг идрок қилиш хусусиятлари уларда ҳаёт тажрибаси яққол этишмаслиги билан характерланади, воқеалар ва янгиликларни мустақил таҳлил қилолмайдилар.

Албатта, муқова тасвирнинг ўқувчини ўраб турган, мұхит, дунё билан таниширишга имконияти бор. Китоб муқоваси ўқувчидә ижобий тасаввурни уйғота олиши ва албатта, китоб ичида баён этилган ғояни акс эттириши зарур. Энг аввало харидор назари китоб муқовасига тушади, унинг аник, чиройли бадиий дизайнни диққатини тортади. Шу сабабли муқова юзасида ортиқча чизик, тасвир фикрни چалғытадиган ҳеч нарса бўлмаслиги керак. Китоб боланинг эстетик дидини тарбиялайди, бунда безакчи рассомнинг вазифаси, юксак савияда шунинг билан бирга бола кўзига қизиқарли бўлиб кўринадиган муқова яратиши талаб қилинади.

Машғулотга талаба планшетларга қалинроқ торшон, ватман, силлик (мелованый) қофозларини тортиб тайёр ҳолда олиб келади. Калька, қалам, рангли қаламлар, пастель, акварель турлари: “Ленинград”, “Санкт-Петербург”, “Нева”, “Белые ночи”, “Москва” темпералар: “Сонет”, “Мастер класс” шунингдек, “Гамма” бўёқ заводининг маҳсулотлари олмахон ва колонок тукларидан тайёрланган ҳар хил ўлчамдаги мўй-қаламлар, тушь, перо, рангларни аралаштириб, керак ранг танлаш палитраси, вазифани бажариш учун ҳамма зарур ашёлар тайёр ҳолга келтирилади.

Шундай қилиб, танлаб олинган хомаки нусха калька орқали белгиланган ўлчам бўйича оққа кўчирилади. Муқованинг асл нусхасини қайси ашёда бажариш, дастлабки хомаки чизгилларнинг бошланиш давридаёқ аниқлаштирилиб олинади. Шу тарзда муқованинг асл нусхасини ишлап жараёни бир неча усулини кўриб чиқамиз.



26. А.Каланов “Тулки билан Лайлак” эртагининг муқова
безаги, акварель

1. Мұқова тасвири, албатта, кичкіндей болалар учун рангли бүлиши мақсадға мувофиқдир. Оқ торшон қоғозига калька орқали композиция контур чизиқлар орқали туширилгач, торшон губка ёки катта ҳажмдаги мүйқаламда яхшилаб намланади. Қоғоз сувни обдон шимиб олгунча бир оз кутилади. Бу орада палитрада умумий тасвир рангларини аниклаб, тайёр ҳолга келтирилади. Акварель учун мұлжалланған 10, 11 рақамли колонок мүйқаламда мұқованың осмон(тепе) қисмидан ишни бошлаймиз. Бунда құл чапдан – үнга, үнгдан – чапға тез ҳаракатланиши керак, иссиқ ва совуқ ранглар ёнма-ён қўйилади, натижада нам қоғозда акварель ранглари бир-бирига енгил қўшилиб, ёйилиб ажойиб қўриниш касб этади. Худди шу усулда “ер” қисми “осмонга” нисбатан тўқроқ тусда ишланади.

Эндиғи навбатда орқа план тоғ, қир, адир, дарахтлар нисбатан кичикроқ мүйқалам учиды, қоғозга перпендикуляр ҳолатда ишланади. Бу вактга келиб, қоғоз намлиги сезиларли даражада камаяди фурсатдан фойдаланиб, олдинги пландаги қаҳрамонлар қомат, юз-ифодалари фонга нисбатан тўқ тусда, албатта, ёруғ-сояларга риоя қилган ҳолда бажарилади. Персонажлар билан боғлиқ предметлар ҳам шу усулда ишланаб, нами анча пасайған қоғозга, кичикроқ мүйқаламда деталларни ишлаш эса айни муддаодир, шу йўсинда мұқова асл нусхаси устида ишлаш торшон қуrimасдан ниҳоясига етади. Бу усул енгил ва ранглар бир уринишда берилиб, қисқа вактда бажарилади. Ўзбек график рассомларидан И.Вохитов, X.Раҳматуллаев, А.Ли, А.Гуломовлар болалар учун мұлжалланған китобларни шу усулда безаганлар.

2. Композиция топширигини акварелда бажаришнинг яна бир усули ранглар енгил тусда, босқичма-босқич кучайтирилиб борилади. Бу усулда қоғоз намланмайды, акварель бўёқлари ҳам қуюқ аралаштирилмайди. Оқ ватман ёки торшонга туширилган тасвирлар контури бўйича енгил тусда ишланади. Чизиқларда персонажларнинг ёруғ-соялари, либос бурмалари аниқ белгиланганлиги сабабли, акварелда шошилмасдан ишлаш мақсадға мувофиқдир. Шу тарзда тус

кучи аста-секин, устма-уст берилиб, керакли даражагача күчайтириб борилади. Мүйқаламда ранглар шакл йұналиши бүйіча қўйилади, шуны назардан қочирмаслик керакки, иссиқ ранг устидан совуқ ранг, совуқ бүёқ устига эса иссиқ ранг қўйилмайди. Қаҳрамонлар образи, олдинги пландаги (ұт-ұлан, гуллар ёки предмет бўладими) деталлар нозик ишланади. Орқа планнинг совуқ рангларда ишланиши фазовий бўшлиқ ҳолатини беради. Дараҳтлар танаси фактураси, шох, барглари иссиқ ва совуқ рангларда, ёруғ-соялар билан белгиланиб, китоб ва муаллиф номи ўрин олган жой ҳам, енгил ишланиши ёки бўлмаса хуснихат ўрни оқ ҳолатда қолдирилиши мумкин. Муқова композицияси устида ишлаш якунига етгач тасдиқланган хуснихатда китоб ва муаллиф номи темперада ёзилади.

3. Акварелда ишлашнинг яна бир усули, (*оқقا тасвир қаламда туширилгач*) торшон қофози танланиб, намланиши шарт эмас. Муқова композициясининг контури, ёруғ-соя чегаралари, асар қаҳрамонининг юз, кўз, бурун умуман ҳар бир деталигача аниқ, қаламда туширилгач, тавсия этилган сифатли акварелда ранглар танланиб, палитрада аралаштирилади. Бу усулнинг юкоридаги усуллардан фарқи шуки, бунда иш соя томонлардан бошланиб, ранг кучли даражадаги тусда, деярли бир уринишда қўйилади ва шу заҳотиёқ иссиқ рангда рефлекс белгиланади. Предмет ёки персонажлар образи соя қисмидаги совуқ ранг, рефлекснинг иссиқ ранги билан қўшилишиб тиник кўринишга эга бўлади. Шу усулда айниқса, барча соя қисмлар бир уринишда бажарилади, шунинг учун рангни шошилмасдан танлаш, тусда хато қилишга йўл қўймаслик талаб этилади. Композициянинг ёруғ томонлари эса, иссиқ рангларда шакллар йұналиши бўйича енгил сувлирок бўёкларда бажарилади.

Акварелда нотўғри тушган рангни ювиш, ўзгартириш кирхосил қилиб, акварель тиниқлиги, жозибаси йўқолади. Шу сабабли, ишонч билан ишлаш тавсия этилади.

Биринчи босқичнинг дастлабки семестрида композиция топшириғини асосан акварелда ишлаш мақсадга мувофиқ-

дир. Гуашь, темпера, тушь-перо ва бошқа ашёларда ишлаш усуллари кейинги параграфларда ёритиб ўтилади.

Назорат саволлари

1. Берилган вазифани бажаришида қайси турдаги бүёклардан фойдаланши тавсия этилади?
2. Акварелда ишлашинг қандай усулларини биласиз?
3. Хомаки нусха оқقا қай йўсунда кўчирилади?
4. Муқованинг китоб безагидаги аҳамияти нимадан иборат?

Амалий топшириқлар

1. Китоб номини мўйқаламда турли ҳусниҳатларда ёзишига урининг.
2. Муқова ишлашида турли ашёларни қўлланг.
3. Асл нусхаларни бажариши учун бир хил ўлчамдаги планшетлар ясанг.

3.13. Титул, Бошланғич , Охирги безаклар ва ички иллюстрациялар асл нусхасини бажариш

Титул вараги асл нусхасининг устида ишлашда китоб ва муаллиф номлари жойлаштирилади. Таасиқланган ёзув ҳусниҳат оқца калька орқали кўчирилади. Титулдаги тасвир нашриёт, шаҳар номи ва сана жойлашуви ҳам варакда белгиланади. Ёзувлар оқ-қора тасвирда бажарилса, албатта, қора тушь, перо кичик ҳажмдаги мўйқалам тавсия этилади. Барча ёзувлари тартибли ёзиб чиқилади. Агар китоб номи рангда ечимини топадиган бўлса, рангли гуашлар ёки темпераларда бажариш маслаҳат берилади. Темперада ишлаш анча қулайроқ ва сифатлироқ бўлади. Умуман ёзувларни ва безакларни рангда бажаришда сифатли мўйқалам, (олмахон, колонок) бүёклар (Санкт-Петербург, Москва заводлари маҳсулотлари) тавсия этилади. Зоро, безакларни янада сифатли бўлишида, ранглар жилосининг жозибадорлигига бу ашёларнинг ўрни катта.

Титул варагидаги иш жараёни унча катта вақт талаб этмайды. Худди шунингдек, бошланғич ва охирги безак асл нусхаларини оққа күчирилгач, тасдиқланган хомаки нусха асосида уларга чиройли, тартибли ишлов берилиб иш якунига етказилади.

Титул варагининг формат ўлчамлари аниқ белгиланиб, планшетта тұғри жойлаштирилади. Муаллиф, китоб, нашриёт номи, сана симметрия асосида титул варагига туширилади. Муаллиф ва китоб номи муқовадаги ёзув туридек бұлади. Ўлчов жиҳатидан бироз кичикроқ бұлиши ёки муқовадаги ёзув билан тенг бұлиши мумкин. Ёзувлардан пастда, нашриётномидан юқоририоқдаги тасвирнинг бұлиши бошланғич босқичда шарт эмас. Ёки унча мураккаб бұлмаган, мавзудан келиб чиқиб, енгилроқ бажарилиши мумкин. Титулдаги тасвир рангда, ҳамда оқ-қора бұлиши мумкин. Титул безаги тушда аввалига мүйқалам учиды сув билан қоғозга енгил юритилади. Керакли жойларни тұқ қора тушда, баъзи четки қисмларини сув билан нозик ишланади. Охирги ишлов кичик деталлар эса, перода синчковлик билан чизилиб, баъзи жойларга кескин штрихлар тортилади. Тушь, перо, мүйқаламда ишланған тасвирлар эса, жуда жонли ва қизиқарлы натижада беради.

Агар титул тасвир безаги акварелда бажарилса, иложи борича қуруқ қоғозга бүёқ сувлироқ тайёрланиб ишланади, сұнгра кичик ҳажмдаги мүйқаламда деталларга ишлов берилса, жуда ҳам жозибадор күриниш касб этади.

Композициянинг умумий бадиий ечимидан келиб чиқиб, муқова қайси техника, ашё, усулда бажарилса, титул безаги ҳам шунга мос келиши шарт. Бу китоб архитектоникасини белгилайди.

Декоратив нақшлар билан безатиладиган титул безакларини гуашь, темперада ишлаш мақсадда мувофик.

Титул вараги безаги яхлит бетта жойлаштириладиган вариантда, қоғоз намланиб, акварелда “аляприма” усулида ёки бұлмаса, қуруқ қоғозга сувли акварелда енгилроқ тусда тасвир беріб, вазифа бажарилади. Ҳосил бұлған нозик тасвир устига китоб ва муалиф номлари тұқ тусдаги темперада ёзилади.

Титул варағининг марказидан қаламда вертикал ўқ чизиқ тортилади, шу чизиқ асосида ёзувлар симметрия қонулари бүйича жойлаширилади.

Ёзувларни бажаришда тушь, перо, рейсфедер, мұқаламдан фойдаланилади. Шрифтларни ёзишда чизғич, циркул ҳам керак бўлади. Титул варағи шу тарзда жуда тез ва тартибли ишланиб, тугатилади.

Бошланғич ва охирги безакларни оққа күчириши ва якунлаши

Танлаб олинган эскизлар, худди муқовани ишлашдаги жараён каби формат ўлчамлари белгиланиб, матн ўрни аниқланади ва бошланғич ҳамда охирги безак тасвири калька орқали оққа күчирилади. Ўртача мұқаламда акварель, гуашда эҳтиётлик билан рангда бўялади. Сўнгра кичикроқ мұқаламда деталлар ишланади. Тасвирини, албатта, тусларга ажратиш, иссиқ-совуқ рангларни уйғунлашириш мақсад қилиб қўйилади.

Табиат жисмлари у ёки бу доимий моддалардан таркиб топган. Улар ёруғликни доимий ва бир хил сезади ҳамда берилган предметга хос бўлган маълум ранг кўриш таассуротини қолдиради. Амалда предметлар ранги ва уларнинг номланиши ҳақидаги маълум тасаввур ўрнатилади. Масалан, “осмон”, “янги майса”, “денгиз суби”, “апельсин”, “лимон ранг”, “олча ранги” ва бошқаларнинг маълум ранги мавжуд. Берилган предметга хос доимий ранг хусусий ёки локал- жузъий деб аталади.

Эҳтимол, тасвирий амалиётда учрайдиган ҳамма предметларнинг ўз рангини берувчи бўёқларни олдиндан тайёрлаб қўйиш, зарурат туғилганда тайёр бўёқларни олиш ва уларни картина текислигига суртиш керақдир. Аммо бўёқларнинг бундай палитраси мавжуд эмас.¹⁰

Бошланғич, охирги безаклар бир-икки рангли тушь-перонинг ўзида (мўқалам ишлатмасдан) штрих чизиқлар би-

¹⁰ Virgil Elliott, “Traditional oil painting, 37p

лан ҳам бажарилиши мумкин. Бунда тасвир шаклига кўра штрихлар турли йўналишларда, айрим жойларда сийрак, баъзида қуюқ тус кўринишида бўлади. Бу усулда жуда кичик деталларни ифодалашнинг имконияти катта. Бунда силлиқ қоғоз танланади. Ўқитувчи кўрсатмалари билан, бошланғич ва охирги безаклар тугатилади.

Иллюстрацияларнинг асл нусхасини бажарии

Оқ қоғоз тортилган планшетга тасдиқланган хомаки нусха варианти калька орқали, ўлчамлар белгиланиб тўғри жойлаштирилиб, кўчирилади. Албатта, иккала иллюстрация планшетда ёнма-ён бўлгани мақсадга мувофик. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, керакли ашёлар, асбоблар қаторида, хомаки чизгилар ва намунали адабиётлар, иллюстрациялар асл нусхасини бажараётганда иш столидан ўрин олиши зарур. Иш жараёни деярли муқовани бажаргандек, иссиқ-совук, мавзуга мос рангларни танлаб, рангли бўёқларда, ёш болаларнинг дикқатини жалб қиласиган тарзда, уларнинг қизиқишини инобатга олган ҳолда бажарилади.

Икки иллюстрация орасида ранглар уйғунлигини бажариш усулида боғлиқлик бўлиши зарур. Албатта, иллюстрацияларни қайси ашёда бажарилиши талаба томонидан, хомаки нусхаларни ишлаш жараёнида белгилаб олинган бўлиши зарур. Асар матнининг ғоявий мазмунидан келиб чиқиб, композициянинг бадиий ечими кўпроқ, қайси ашёларда бажариш мос бўлишига қараб, бир қатор бўёқ, тушь, қаламлар тавсия этилади. Иллюстрациялар худди мукова сингари “аллаприма” усулида (қоғознинг нам ҳолатидан фойдаланиб, акварель бўёқда тез фурсатда ишлаш) ёки пластик ойна ёрдамида қоғозда фактура ҳосил қилиш услубларини қўллаган ҳолда бажарилиши мумкин. Бу фактуралар денгиз тўлқинлари характеристи, тоғ рельефларини (имитация) кўрсата олиши мумкин.

Албатта, иккала асар ҳам бир хил ашёда бажарилади. Фигуралар, орқа фон, тусда нисбат ва фарқлар белгиланади.



27. А.Каланов. “Тулки билан Лайлак” эртагига ишланган иллюстрация, акварель

Олдинги ва кейинги планлар ишланади. Асосий фигуранларга ургу берилади. Деталлар, олдинги планлар нозик мұқаламда ҳафсала билан чизилади.

Мұқова рангда бажарилиб, ички иллюстрациялар бир рангли акварель, оддий қалам, тушь-перо ёки рангли қалам, пастель ва шунингдек, аралаш техникаларда ишланиши мүмкін. Қалам, пастелда ишлашда тасвир соя қисмлари қаламнинг ён томонида бажариш тавсия этилади. Асосий деталларни қалам учыда узлуксиз, кескин чизикларда күрсатылса, тасвир жонли ва қизиқарлы күринишда бұлади. Би-ринчи семестрдаги вазифа бажариладиган усуллар оддий ва соддароқ бұлиши мүмкін. Таълим жараёнида ишлаш техника ва услублари босқичма-босқич мураккаблаша боради.

Иллюстрациялар ишлаб тутатылғандан сұнг, китоб композициясининг ҳамма қисмлари бир қаторга қойилиб үқитувчи иштирокида тартиб билан күрилади. (муқова, титул, бошланғич безак, иллюстрациялар ва охирги безак.) Композициянинг умумий рангда, колоритда бажариш усули боғлиқлиги шунда яқын күринади. Шу тарзда камчиликлар тұлдирилади.

Шунинг билан мактаб ёшигача бұлған болалар учун мұлжалланған китоб композицияси якунига етади ва талабалар күрикка тайёрланишади.

Китоб композицияси вазифаларини, талаба чиройли, дид билан паспортуға (қоғоз ром) жойлаштириши талаң этилади. Зоро, графика тартиб, нозик ва нағисликни ёқтиради.

Назорат саволлари

1. Китобнинг безакларини нима умумлаштириб туради?
2. Хомаки нұсха, оққа қай тарзда күчирілади?
3. Асл нұсхани бажаришда қандай ашёлардан фойдаланылади?
4. Рангда ишлашда нимага эзтибор берилади?
5. Қоғозда фактуралар ҳосил қилишининг қандай усулларини биласиз?
6. Титул бажариш усуллари қандай?

Амалий топшириқлар

1. Иллюстрация кичик деталлари устида ишланг.
2. Мүқовани ишилашда турлы ашиёларни құллаб күринг.
3. Топшириқни турлы фактуралар ҳосил қилиб ишлаб күринг.
4. Қаҳрамонлар образы характерига әзтибор беріб чизинг.

IV БОБ. ДАСТГОХЛИ ГРАФИКА КОМПОЗИЦИЯСИ

4.1. Дастгохли графика композицияси ҳақида умумий тушунча

Дастгохли графика – графика санъатининг бир тури бўлиб, асосий кўринишлари қуидагилар ҳисобланади: чизматасвир, рангтасвир (*акварель, гуашь, темпера*) ва дастгохли босма графика (эстамп).

Дастгохли графиканинг намойиш этилиши асосан, музей ва кўргазмалар коллекциялари ва экспозициялари ҳисобланади. Дастгохли графика мустақил маънога эга бўлган графика санъат асари ҳисобланади. Улар адабий матн билан боғланмайди. Дастгохли графика, дастгохли рангтасвир асарлари каби маҳсус мольберт дастгоҳларида шунингдек, ланшетларда турли шароитларда яратилади.

Дастгохли композициянинг асосий қонунлари қуидагилар:

- яхлитлик қонуни,
- типик турлар қонуни,
- кескин фарқ қонуни,
- бўйсиниш қонуни.¹¹

Биринчи қонунга риоя қилиш натижасида тасвирий санъат композицияси бутун, бўлинмас асар сифатида қабул қилинади. Яхлитлик қонунининг асосий қирраси –композициянинг бўлинмаслиги, ажралмаслиги яъни уни алоҳида бир неча қисмга бўлиб қабул қилишнинг имконияти йўқлигидир.

Яхлитлик бу рассом изланиши топилмаси, бошқача айтганда ғоялар конструкцияси бўлажак асарнинг барча компонентларини бир бутунликка бирлаштиришга қодир. Ғоянинг конструктив ечимининг топилишида, аввало асосий масалалар (уйғунлиги) кичик деталлар силуэтини белгилаш

¹¹ Virgil Elliott, "Traditional oil painting, 47 p,

мақсадга мувофиқдир. Демак, дастгоҳли асар кичик деталларига ишлов беришга композиция асосий қисмларининг жойлашуви аниқлангандан сұнггина рухсат этилади. Яхлитлик қонунининг үзига хос хусусиятларидан яна бири композициядаги барча элементларнинг үзаро алоқадорлыги ва мос келишидир. Конструктив ғоядан келиб чиқиб, диққат маркази белгиланади ва унга иккінчи даражали тасвиrlар бүйсинади. Яхлитлик қонуни объектив қонунларга асосланған борлықни томошабин томонидан қабул қилинишини талаб қиласы. Табиатда шакл ва ранг яхлитликнинг бир қисми сифатида жойлашған мұхит билан биргаликда намоён бұлиб, үзаро ва фазовий бұшлық билан алоқадор бұлади. Бунда предметнинг қисқариши яқинроқ нұқтанинг аник узоқлашгани сари интенсивлиги йўқола бориши, деталларнинг сезиларлы даражада камайиши кўринади. Яратилған, туталланған композицияда ҳамма нарса шунчалик даражада жойлашади-ки, ундан бирор бир детални олиб ташлаб бўлмайди.

Яхлитлик қонуни- композиция элементларининг такрорланmasлигидир, бунга шакл, ўлчам, катта-кичик жойлардаги яхлит тус, оралиқ, характер, тип, юз мимикаси ҳаракати киради.

Типик қонун (ҳаётийлик) учта асосий қирраси билан характерланади.

Биринчи қирра – типик характер, ҳолат; бадий образларни яратиша ҳаётга, ҳақиқатга яқин алоқадорлик, реал воқеалар ривожининг акс этиши. Бунда рассом санъат асарини яратиш жараёнида типик персонажларни ҳаётдан қидириб топади.

Типиклаштиришнинг яна бир кўриниши бу – ҳаракат, тасвирий санъатнинг үзига хос томони, ҳаракат жараёнининг факат бир лавҳасини кўрсата олади.

Учинчи қирраси – янгиликга интилиш, кутилмаган шакл ечимларини үзгача талқин қилиш. Дунёни эстетик англаш, яъни буюк рассомлар Микеланджело, Камолиддин Бехзод, Рембрандт, Тициан асарларини англаб, қабул қилишимиз.



28. Дастгоҳли графика композицияси.
А.Каланов. “Дарвеи”, қалам

Кескин фарқ қилиш қонуни – предметларнинг ўзига хос хусусиятлари яъни шаклининг кескин ифодаланиши. Табиатда ранглар кескинлиги мавжуд (масалан, қизил-яшил), тус кескинлиги (тўқ-оч), шакл кескинлиги (ингичка-йўғон), ўлчамлар кескинлиги (катта-кичик) ва ҳ.к. Кескинлик тасвирий санъатда композиция қонуни шаклида намоён бўлади ва асосий ифода воситаси бўлиб, асар қурилиши хусусан конструкциясига алоқадордир. Шаклларнинг бирдан қарама-қаршилиги ҳолати, рангларнинг яққол кўзга ташланиши билан характерланади.

Бўйсиниш қонунида – рассомнинг вазифаси юксак бадиј савияда асар яратиш. Композициядаги барча қонуниятлар, тасвир воситаларини ифодалаши, детал қисмларни ташкиллаштириш бир бутун тасвирий санъат кўринишида бўлиб, барчаси ғоявий мазмунга бўйсиндирилади.

Дастгоҳли графика курслари учун композиция ва унинг мавзулари босқичма-босқич ўтилади. Талаба композиция бошланғич билимларни рассомлик колледж ва лицейларида олган бўлиши шарт.

Талаба берилган топшириқдаги мавзу ғоясини аниқ асар моҳияти орқали еча олиш керак. Талабаларнинг фикрлари ва ўй-хәёллари, тўпланган тажрибалари ишланадиган асар қаҳрамонларининг образида давр нафасининг сезилишига, асардаги асосий ғоя ва маънони чуқурроқ ифодалашга қартилиши керак.

Талаба композиция ишлаш жараёнида ўзида бор бўлган иқтидорни ишга солиб, барча график ашёларда ишлаб қўриб, ўз маҳоратини ошириши шарт. Чизматасвир, рангтасвирда натурадан турли қоралама, этюдларни машқ қилиши, бадиј асалар, архив материаллари, фото лавҳалар, музей, телерадио кўрсатув ва эшилтиришлар, булардан ташқари, турли хужжатларга, манбаларга асосланиб ишлаши керак.

Талаба хомакиларни ишлаш жараёнида ашёларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, мавзуга мос ашёни танлаши керак. Булар тушъ, перо, гуашь, пастель, сангина, соус, акварель, қалам, рангли қаламлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Назорат саволлари

1. Дастроғылы композиция асосий қонунлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Яхлитлик қонуны нима?
3. Кескин фарқ қилиши қонуны деганда нимани түшүнасиз?
4. Дастроғылы графикада мавзу қандай танланады?
5. Дастроғылы графикада композиция шаклларининг ўзаро боғланиши қандай бўлиши керак?
6. Дастроғылы графикада ашёларда ишлашда нималарга эътибор қаратиш лозим?

Амалий топшириқлар

1. Дастроғылы композиция қонунларига риоя қилган ҳолда вазифаларни бажаринг.
2. Дастроғылы графикага мос хомаки чизгилар бажаринг.
3. Дастроғылы графикада мавзуга мос ашё танланг.
4. Туркум дастроғылы графика композициясига оид қораламалар бажаришга ҳаракат қилинг.
5. Яхлитлик ва кескин фарқ қонунларини мисоллар билан таққосланг.

4.2. Дастроғылы графика композицияси ва уни ўқитиш қоида ва усуллари

Ёш рассом талабани ўқитиш жараёни бир-бири билан узвий боғлиқ 2 та асосий бўлимни ўз ичига олади. Шулардан бири ва энг муҳими ёш рассомнинг дунёқарашини шакллантириш ва бадиий маҳоратини ривожлантириш масаласидир. Шу сабабли мураббий даставвал, талаба билиши лозим бўлган адабиётлар, машхур график рассомлар ва уларнинг асарлари, ҳақида тушунча бермоғи лозим.

Иккинчидан, касбий маҳоратни ошириш учун мутахассислик фанларини мукаммал ўқитишга қаратиш, ҳар бир маҳоратли график рассом билиши керак бўлган зарур бади-

ий ифоданинг турли воситалари ва бой имкониятларининг асосини танишириш ва уқтиришдир.

Ўкув даргоҳида ёш рассомга композиция фанини ўқитиша ундаги зийрак кузатувчанлик ва мантиқий фикрлашни ривожлантириш зарур. Атроф-мухитда бўлаётган турли ҳодисалардан иккинчи даражали нарсаларни ажрата ола билиш, бадиий ифодалаш воситаларидан тўғри фойдаланишни билиш, томошабинга катта маҳорат ва яратиладиган асарнинг ғоявий мазмунини етказиш ёш рассомдан талаб этилади.

Аммо бу асосий сифатларни тарбиялаш билан бирга ҳар бир ёш рассомнинг ижодкор бўлиб етишишида уларнинг шахсий хусусиятларини эҳтиёткорлик билан асраш ва сақлай билиш керак.

Бунинг учун ёш рассомнинг имкониятидан келиб чиқиб, ундаги қобилиятни ва ижодкорлик сифатларини диққат ва сабр-тоқат билан ўрганиш мураббийнинг вазифасига киради.

Ёш рассом билим олаётган дастлабки даврларда тажрибали мутахассиснинг ёрдами жуда зарур. Бу нарса айниқса, талаба курс иши ёки диплом мавзусини танлаган даврида акс этади.

Мухими шундаки, танланган мавзу рассомнинг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқади. Албатта, имкон қадар рассомнинг имкониятларига мос келмоғи зарур. Кўпинча мавзу танлаб ўтирилмайди, балки унинг долзарблиги, тасодифан қизиқиши натижасида юзага келади. Баъзан шундай мавзуни кўп ўйлаб танлаш рассом яратадиган асарнинг ҳаётий эмаслигига, ўзидан тўқиб чиқарилган, яъни сохта бўлишига ва ниҳоят композициянинг кўп маротаба қайтарилишига олиб келади ва бундай асарнинг томошабинга бўлган таъсир кучи йўқолади. Раҳбарнинг вазифаси, талабага ўз вақтида бу мувафақиятсизлик сабабини тушунтириш ва унинг имкониятлари даражасида мавзу ишлаш лозимлигини баён қилишдан иборат.

Талаба томонидан мазмунли сюжет ишлаш даврида, устоздан алоҳида дикқат-эътибор талаб этилади.

Сюжет – мавзунинг аниқ ифодаланишидир. Баъзан шу ёки шунга ўхшаш тасвир умуман бошқа мавзуда ёки кўришида акс этиши мумкин. Айни “сюжет” борасида ишлаш жараёнида ўзини кўрсатишида, имконият ва қобилиятиning тўлароқ очилишида катта рол ўйнайди. Баъзан ёш рассом ўз имкониятидан келиб чиқмаган ҳолда ўз қобилиятини тўғри баҳоламай, сюжет танлашда катта хатога йўл қўяди. Шунда дарҳол мураббий талабанинг хатоларини тушунтириши лозим. Чунки асарнинг бадиий аҳамияти факат мавзуга боғлиқ эмас, балки унинг сюжетига ҳам боғлиқ бўлади. Яъни, бошқача айтганда, рассомнинг шахсий қобилиятига мос равишда топилган мавзуга боғлиқдир. Шунингдек, асар ғоявий мазмунининг таъсирчанлиги, психологик ўткирлиги ва аниқлигига ҳам муҳим эътибор қаратиш лозим.

Баъзан асарнинг ғоявий мазмуни яхши ўйлаб кўрилмагани ва тезкорлик билан ишлаш натижасида ҳам асарнинг таъсирчанлиги сусайишининг гувоҳи бўламиз. Шунинг учун ўта таъсири ҳолатни танлай билиш, ўша ҳолатдаги бўлаётган воқеани “яхлитлигича” ҳар бир кўринишда сақлаб қолиш зарур. Ҳар бир ҳолатда ҳам асосий мақсадга доим ҳиссият билан эришиб бўлмайди. Бунга мантикий таҳлил ва характеристларни тўғри танлаш йўли билан ҳам эришиш мумкин. Бу сифатларни ёш рассомда шакллантириш керак.

Мавзу асарнинг мазмунида ҳам замонавийлик акс этиши лозим. Рассом фақат ўқиб ўрганишлар билан чекланмай, ўз дарди ва кечинмалари билан ҳам иш кўради, шунингдек, у қанча ўрганмасин, булар ҳаётдан олинган жонли таассуротлари ва кузатувлар ўрнини боса олмайди.

Айнан ҳаётни юзаки кузатишлар натижасида совук, ҳиссиз асарлар юзага келади. Асарнинг ҳаётийлиги ва бадиий ҳақиқати фақат оддийгина натурадан кўчириб олишдан иборат эмас.

Албатта, ҳар бир асарни яратиш учун катта миқдорда хомаки машқ-этюдлар натурадан ишланган чизгилар бўлиши

шарт. Булар фақат рассом учун хом ашё сифатида кейинчалик асқотади. Ўзи ўйлаб топиб, қандайдир механик тарзда ишланган бир воқеа ҳатто уни рассом ўз бошидан кечирган бўлса ҳам, ҳақиқий санъат асари бўлмайди. Бу ягона натижага – бадиий ҳақиқатнинг йўқ бўлишига олиб келади. Санъат асари, қачонки унда ҳодисалар ва образлар чуқур ва ёрқин тиниклаштирилган, яъни ўзига хос хислатлари бўртиб турган бўлсагина ҳақиқий санъат асари ҳисобланади. Ўзига хосликка эса фақатгина катта ижодий изланиш натижасида эришилади.

Буни рассом ўз бошидан кечирган, кўзи билан кўрган, билганиларини умумлаштириш, қўшимча киритиш, ажратади билиш йўли билан ўзига хос тарзда акс эттиради.

Асар бир қарашда қанча ҳаётий бўлса, шунча содда кўрилади. Композицияда ҳам сюжетдагидек муаллифдан қанча кўп умумлаштириш талаб этилган бўлса, яратилган асар ҳам ўзининг ҳаққонийлиги билан шунча кўп томошабинни ишонтиради.

Дастгоҳли графика композициясининг асосий қоида ва усууллари – ритмни кўрсата олиш, сюжет марказини ажратиш, симметрия ёки асимметрияни аниқлаш, иккинчи фазовий бўшлиқда асосий қисмни жойлаштиришдан иборатdir. Ритм, симметрия, асимметрия тушунчалари билан биз 1.2 параграфда қисқача танишиб ўтдик. Бироқ, борлик, воқеалик ва санъатдаги ритм – бу ҳар доим ҳам бир хил эмас. Санъатдаги ритм органик такрорланиш вариантига яқинроқ, бунда ритм техник кўринишдан фарқли, бирмунча пластик характерга эга. Санъатда ритмик такрорланиш, тартибли математик аниқлик эмас, у ҳар доим вақти-вақти билан такрорланишдан чекинади. Санъат ритмикасининг характерли қирралари – “нотекис” ритм, ритмик урғу, бўшлиқлар яъни “тортувчи” деб номланади.

Ритм бу нафақат композициянинг бошланишини, балки унинг эстетик жиҳатини ҳам ташкиллаштиради. Ритм композиция қоидаси сифатида рассом ижодига кенг диапазонли таъсир ўтказиш хусусиятига эга. Ритм маҳорат билан топил-

ган композицияда бир вақтнинг ўзида асарнинг таркибий қисмини бирлаштиради. Бу композициянинг яхлитлик қонуни билан ритмнинг алоқдорлигини кўрсатади. Композицияда элементларнинг такрорланиши томошабинни ўйлашга мажбур этади. Ритмнинг бу хусусияти композициянинг типик қонуни билан алоқасини аниқлайди, бу рассомдан ташки ҳаракатни кўрсатиш билан кифояланмасдан, балки ҳаракатнинг ичкарисига кириб боришини талаб этади. Ҳар қандай замонда, санъатнинг ҳар бир турида ритм мавжуд ва мавжуд бўлиб келган.

Сюжетли композиция маркази – сюжетнинг асосий фойвий мазмунини асарда етарли даражада аник ифодалай оладиган қисм – композиция маркази хисобланади.

Дастгоҳли композицияни симметрик қуришни ташкиллаштиришда унинг қисмлари жойлашуви, тус, ранг ва ҳатто шаклда tengлиги характеридир. Бундай ҳолатларда асарнинг бир қисми, иккинчи қисмiga деярли кўзгудаги аксидек ўхшаш бўлади. Симметрик композицияда одатда, марказ ёрқин ифодаланади.

Композицияда тасвирланаётган предметларнинг рангтасвир, графика, декоратив панно ёки фрескада асимметрик жойлашуви баъзида шундай таассурот туғдириши мумкинки, асарнинг вертикал ўқ бўйлаб teng икки қисмга бўлинishi, композицион мувозанатни сақлаган ҳолда, шакл ва массаларнинг турли ҳажмдалиги, шунингдек ҳар иккала қисмнинг тусдаги ҳолатини акс эттиради.

Назорат саволлари

1. Санъатда ритм қандай характерли кўринишда бўлади?
2. Композиция маркази нима?
3. Дастгоҳли графикада мавзу танлашида нималарга эътибор бериш керак?
4. Бадиий асар аҳамияти фақат мавзуга боғлиқми?
5. Асадаги образли характерларни рассом қаердан олади?

Амалий топшириклар

1. Композиция учун жуда күп сонда қораламалар ва этюдлар ишилаш.
2. Дастгоҳли графикани бажариида ашёни эркин танлаб ишланг.
3. Симметрик композиция яратишга уриниб күринг.
4. Композиция марказини аниқлаб, иккинчи даражали тасвирларни унга бўйсундирилган кўринишида хомаки нусхалар ишланг.
5. Асимметрик ва симметрик композицияни таққосланг.

4.3. “Куз” мавзусида дастгоҳли графика композициясини ишилаш

Биринчи курснинг биринчи семестридаги дастлабки, дастгоҳли графика бўйича вазифа “Куз” мавзусига бағишила-нади.

Талаба уста рассомларнинг шу мавзу бўйича яратган асарларини кўриб, раҳбар билан таҳлил қиласиди. бу асарда-ги композицион ечим ҳақида сухбатлашади. Ишни нимадан бошлиш, асосан нималарга эътибор қаратиш керак шулар ре-жалаштириб олинади.

Ҳар бир талабанинг ёнида блокнот, учи ўткир йўнилган қалам ёки гел ручка доимо бўлиши шарт. У атрофни кузату туриб, қизиқарли, бадиий жиҳатдан акс эттириладиган барча кўринишлар тасвирини блокнотга тушириши керак. Даствлаб талабага қоралама ўҳшамаётган, ўзи хоҳлаган натижага эриша олмаётган, ишни уddyалай олмаётгандек туюлиши мумкин. Аммо, доимий равишдаги изланиш, қораламалар бажариш бир ҳафтада ёқ ўз натижасини кўрсатади. Мавзуу бўйича қораламалар ишилаш, ижодий фикрларни ўстиради, уни яхлит кўришни такомиллаштиради, тасвирланаётган воқеаларга муносабат билдиришга ўргатади.

Рассом қоғозга кўраётган композициясини оддий қаламлар ёрдамида тасвирлайди. Талабалар ҳам шу каби



28. Дастандағы графика композициясының эскизи

буюмларни қофозга композиция қоидаларига асосланган ҳолда акс эттирадилар. Тасвирни доимо буюмларнинг композицион жойлашувидан бошлаш лозим. Предметлар гурухи барчаси қофозга баробар сифадиган даражада жойлаштириш жуда муҳим ҳолат.¹²

Талабаларда шундай савол туғилиши табиий: “Очиқ табиятда, кўп сонли одамлар орасида қораламани нимадан бошлаш керак?” Ёш рассом учун бу – мураккаб муаммо.

Талабалар қораламаларини кузатганда шунга кўп гувоҳ бўлиш мумкинки, варақ бурчагида бир-бирига bogланмаган алоҳида қоматлар қораламалари чизилганлигини кўрамиз. Натижада мазмун ва мавзу воқеаларнинг акс этиши алоқасиз сюжет тасвир пайдо бўлади. Ҳар қандай сюжетли қоралама мавзу мазмунини ифодаловчи асосий нарсадан бошланади.

Тахмин қилишга кўра, жамоа ширкат хўжалиги шийпонида ҳосил байрамга тайёргарлик кўрилмоқда. Санъаткорлар чиқиши учун саҳна, раҳбар ва меҳмонлар табриги учун минбар ва столлар қўйилган. Республикализ байроқлари қўтарилиган саҳна атрофлари, шийпон, пештоқ ва дарахтлар байрамона безатилған, (кашта, гилам) ширкат меҳнаткашлари башанг кийинишган. Бу тадбирда асосий нарса нима? Мавзуни очиб беруви марказий элемент нималарда ўз аксини топади?

Санъаткор ва меҳнат илғорлари доираси ёки раҳбар табригига тўхталиш мумкин. Мазкур байрамни акс эттириш учун талаба вазифаси қулай нигоҳ нуқтасини топиш, бир нечта тезкор изланиш қораламаларини турли варианtlарда бажаришдан иборат. Сўнгра алоҳида варакларда катта ҳажмда қутловчининг типик ҳолати, юз ифодаси, ҳаракати ва ҳ.к. чизгилари ишланади. Бошқа варакларда шу нуқтадан санъаткор ва байрам қатнашчилари гурухининг хомаки чизгилари тасвирланади. Одамлар гурухи, табиий ҳаракат ҳолатини ўраб турган фазовий бўшлиққа қарама-қарши бир умумий яхлит шаклда чизиш тавсия этилади.

¹² Juliette Aristides “Classical Painting Atelier”, 133 p,

Рассом фақат нигоҳни чалғитган йўналишни аниқ-тиник кўра олади. Мана нима учун, композицияни бизнинг кўриш имкониятларимизни ҳисобга олган ҳолда қуриш керак. Шундан келиб чиқадики, сюжетли композициянинг марказини ажратиб ифодалаш зарурлиги, асосий элементнинг кучлироқ ва аникроқ кўрсатилиши композиция мазмунини очиб беради.

“Куз” мавзусидаги дастгоҳли графика композициясининг бадиий ечимини топишда барча қонун ва қоидаларга риоя қилиш керак. Композиция қуришда “Композиция асослари” дарсида бажарилган машқлардан фойдаланиш тавсия этилади. Композицияни яратишда ҳар доим унинг асосларига таянған ҳолда ишга киришилади.

Бирламчи кичик ҳажмдаги хомаки қораламалар уларни ҳали эскиз деб атаб бўлмайди. Ушбу қораламаларда чизиклар орқали композиция ҳаракат йўналишлари белгиланади. Баъзи жойларга тўқ тус берилади. Бу машқларни устоз ўқитувчи амалда бир неча вариантда кўрсатиб яна бир бор асос ва қонуниятларга бўйсенишни таъкидлайди. Талаба композиция мавзуси ҳақидаги бошланғич тасаввурга эга бўлади. Хаёлига биринчи келган фикрларни, таассуротларни қоғозга кичик ҳажмда қораламаларини туширади.

Ўқитувчи илк қораламаларни иш жараённида, албатта, талаба табиат қучогига, одамлар орасига бориб, ҳаёт воқеала-рини кузатишни ва натурадан кўплаб қоралама чизишни, бу топширикларни бажармасдан, у ҳеч қачон мақсадга эриша олмаслигини тўғри тушунтирумоги керак. Бунинг исботига устоз натурадан бажарилган ўзининг қораламалари ва хомаки чизгилари этюдларини талabalарга намойиш этиши лозим. Шу бажарилган бир неча ўнлаб қораламалар ёрдамида ишланган хомаки нусхалар ва босқичма-босқич композиция хомаки варианtlари билан уларни таништиради. Композицияни фикрда пайдо бўлиб, қоғозга биринчи чизик тортилгандан то мукаммал асар яратилган жараённи ўқитувчи ўз ижоди намуналари билан кўрсатиши шарт.

Танланган үлчамда предмет, шакллар пластикасини ритм, симметрия, асимметрия, мувозанат қоидаларига таянган ҳолда топиш лозим.

Симметрияниң тасвирий санъатдаги бошланғич үзаги реал борлық доирасидан күплаб симметрик түзилганд шаклардан бошланади. Одам қомати ҳам симметриядан иборат. Җап ва ұнг томонларнинг бир хиллиги мувозанат тушунчасыни беради, бу табиатда ва санъатнинг турли күринишиларида күзатылади. Қоидага биноан у асар текислигидаги геометрик марказға тұғри келади. Агар чиқиши нұқтаси марказдан сүрілса, қисмларнинг бирида оғирилк күпайиб кетади.

Асимметрик композицияда нисбатан тинч ҳолатнинг күрсатилиши характерлидир. Асимметрик композицияда мувозанатнинг актив ҳаракати, предметлар орасидаги фазовий паузага етиб кириб боради, бундай ҳолатда улар бир-бираға ё яқынлашади ёки узоклашади. Мувозанатта қарама-карши құйилған катта ва кичик шаклар, оч ва тұқ кескин фарқлар, ёрқын ва сокин ранглар орқали эришилади. Асимметрик композицияда баъзида мувозанат онгли равища күчсизлантиради(юмшатылади) ёки ҳатто умуман иштирек этмайды, масалан шундай ҳолларда, яғни мавзу, тоғ маркази композиция қисмларидан бирига яқын жойлашган бўлса, бошқа қисмида эса енгилроқ бўлиши мумкин.

Агар сюжет кескин фарқлар орқали очиб берилса, кескинлик бош қаҳрамон ёки бир-биридан маълум масофада жойлашган одамлар гурухини ижтимоий – психологик характерлайды, сиртдан эса улар симметрия принциплари бўйича композицияни қисмларга ажратиб ташлагандек бўлиб күринади. Ҳақиқатда эса, икки қисмли қарама-каршилик, бир бутун қарама-каршилик бирлигини ҳосил қиласи. Бу эса композициянинг мувозанатини бера олади.

Назорат саволлари

1. Қандай ҳолларда композициянинг бир томони оғирилиги күпайиб кетади.
2. Күриш имконияты – деганда нимани тушунасиз?

3. Композициянинг хомаки нусхаларини яратишда қандай асосларга мурожаат қилинади?
4. Асимметрик композициянинг характерли томони нимада?
5. Композициядаги таъсирчанлик нима?

Амалий топшириқлар

1. Ўзбек рассомларининг “Куз” мавзусига бағишиланган дастгоҳли графика асарларидан нусха кӯчиришга уриниб кўринг.
2. Асимметрик композициянинг хомаки чизгиларини бажа-ринг.
3. Композицияни кескин фарқларда ишлаб кўринг.
4. Куз фаслининг табиатдан кўринишини ишланг.

4.4. “Куз” мавзуси композицияси учун образлар устида ишлаш

Ўкув йили сентябрь ойидан бошланиши ҳаммага маълум. Шу сабабли ушбу мавзу йилнинг айнан куз фаслига мос келиши билан мақсадга мувофиқ.

Дунё тасвирий санъатининг тўплланган турли композиция қонунлари тажрибасидан келиб чиқиб, дастгоҳли графикада ранг-баранг композиция услублари ва воситаларини қўллаш мумкин. Аммо графикада улар рангтасвир ва ҳайкалтарошлик билан таққослаганда бирмунча бошқачароқ натижа беради. Бу графиканинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир. Графика санъатининг энг асосий қирраси бу – шартлилик, мана шу ечим орқали рангтасвир ёки ҳайкалтарошлик асарларидан фарқ қилиб туради.

Чизматасвир, рангтасвир ва композиция соҳасида керакли билим ва кўникмаларни талаба институттагача, яъни коллеж, лицейларда эгаллаганлигини ҳисобга олиб, объектив қонунийликка асосланган ҳолда, композициянинг схематик изланишлари конструктив хомаки нусхалардан аста-секин

күп планли сюжетли композицияни бажариш билим ва күникмасини эгалайди.

Дастгохли композиция образлари устида ишлашда ёш рассом диққат эътиборини типик воситаларга қаратади. Қаҳрамонларнинг индивидуал ва ижтимоий характерларини ифодали бера олиши, психологик ҳолатлар, қомат ҳаракати ва сюжет персонажлари юз ифодаси- мимикасини ишонарли кўрсатиши талаб этилади. Бунинг учун диққат билан турли характерли ҳолатдаги одамларни кузатиш ва ўрганиш уларни тезлизгилар билан бажарилиши тавсия этилади. Образлар устида ишлашда фақат натурадан қараб чизилган ёрдамчи хомаки чизгилар ва этюдлар манбаа бўлиб хизмат қиласди. Берилган композиция мавзусини бажариш имкониятига сюжетли қоралама ва этюднинг тез фурсатда ишлаш билими ва тажрибаси ёрдам беради. Талаба этюд ва қораламани қанчалик жонли, ифодали, тўғри бажаришни эгалланган бўлса, тугалланган ижодий композиция топшириғи шунчалик ҳаётий ва образли кўринишга эга бўлади.

Кузатишлар натижасида талаба хаёлида, фантазиясида композиция сюжетлари пайдо бўлади. Аста-секин у бўлажак композиция вазифасини онгиди, тасаввурида чизади. Атрофига содир бўлаётган воқеаларга синчковлик билан қарай бошлайди.

Композиция персонажи ва фазовий бўшлиқ воситалари тасвирининг умумий уйғунлиги типик аниқлик билан индивидуал натура ва этюдларда амалга оширилади. Персонажлар ҳаракати, ҳолати, юз ифодаси, қиёфа – мимикасини ёш рассом уларни ҳаётда кузатган тақдирдагина ҳаққоний ва ишонарли ифодалаб бера олади. Ҳеч бир натурачи машғулотда устахона шароитидаги ҳаққоний қомат ҳолатини бера олишга қодир эмас.

Талаба табиатни кузатади, ундаги ўзгаришларнинг гувоҳи бўлади. Куз фаслидаги “йигим-теримлар, ҳалқ ўйинлари”га эътиборни қаратади.

Танланган сюжет бўйича бир қатор, қоралама этюдлар ишлаш учун, табиат қучоғига, ён атрофга, шаҳарда рўй бе-



29. Д.Мурсалимов “Куз” мавзусига ишланган композиция,
акварель

раётган қайноқ ҳаётни кузатади. Шахардан четга чикиб, захматкаш қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари боғону, пахтакорларнинг қайноқ иш фаолиятларини кузатиб, бир талай қоралама ва этюдлар ишлаб келади. Мавзуга мос образларни одамлар орасидан кидириб топиб, уларни иштиёқ билан тасвирлашга киришади.

Ўқитувчи томонидан талабанинг кузатиши жараёнида бажарган тасвиirlаридан кўпроқ маъноли, жиддий аҳамиятга эга бўлганлари танланиб, қораламаларда ҳаётий қарама-каршиликларни акс эттиришга ўргатиш, улардаги камчилик сабабларини очиб бериш ва тўғри маслаҳатлар бериш талаб этилади.

Сюжетли қораламаларни узлуксиз, доимий бажариш натижасида эслаб қолиш қобилияти тез ривожланади, тасаввур кенгаяди ва ижодий фикрлаш ўсади.

Композиция образларини топишда персонажларнинг бош ва қоматларини ифодали бажара олиш, шаклларга узоқроқ ишлов бериш талаб этилади. Бунда персонажларнинг касбига тааллукли, характерли қирраларини белгилаш мухимдир.

Ёш рассом воқеа жараёни содир бўлаётган муҳитни (интерьер ёки манзара) эътибордан узоқлаштирмаслиги шарт.

Бу топшириклиарни талаба мустақил тарзда бажаради. Бунда турли ашёларни қўллаш мумкин.

Ижодкор устозларимиз талabalар билан табиат қучоғига одамлар орасига бориб ёнма-ён туриб, уларнинг этюд ишлашларига маслаҳатлар беришлари лозим.

Назорат саволлари

1. Персонажлар ҳаракатини ишонарли ифодалашга қандай эришилади?
2. Эслаб қолиши қобилиятини қандай ривожлантириши мумкин?
3. Графика санъатининг асосий қирраси нимадан иборат?
4. Композицияда фазовий бўшлиқ қай усулда кўрсатилади?
5. Композиция учун ашёй йиғишдан мақсад нима?
6. Қоралама, этюдларни қайси ашёларда бажарши мумкин?

Амалий топшириқлар

1. “Куз” мавзусида рангда этюдлар бажаринг.
2. Шаҳар ичи ва шаҳар атрофига чиқиб, қоралама ва этюдлар бажаринг.
3. Одамлар юз мимикаси қораламаларини ишланг.
4. Куз фаслига оид натюрмортлар чизинг.

4.5. Композиция хомаки нусхаларини бажариш

“Куз” мавзусидаги дастгоҳли композицияни турли жанрларда эркин ишлаш мумкин. Талаба ўз иқтидори ва қизиқишидан келиб чиқиб, натюрморт, манзара, майший – тематик жанрларда ишлашини ўзи танлайди.

Санъат дунёси кўп қиррали бўлади. Унинг энг ажойиб турларидан бири тасвирий санъатdir, хусусан, рангтасвири. Рангтасвириларинг энг қизиқарли ва асл жанрларидан бири эса бу – натюрмортдир.¹⁵

Дастгоҳли графикада композицияни натюрморт жанрида ишлашнинг бадиий ечимини топиш ниҳоятда қизиқарли. Унинг хомаки нусхасини оддий қора қаламда бажаришда оқ қоғоз (ватман ёки торшон) танланиб, бир неча вариантда ишланади. Куз фаслига оид мевалар ва уларга боғлик предмет, идишлар натурадан бажарилган қоралама ва этюдлари жамланади (улар шу давргача аввалги топшириқлар асосида бажарилган бўлиши керак). Мана шу хомаки чизгилар асосида, турли кўринишдаги натюрмортлар яратиласди. Хомаки нусхаларнинг бирида натюрморт композиция марказидан ўрин олса, кейингисида эса динамика асосларига кўра, форматнинг қуи қисмида жойлашади бошқасида бўлса, натюрморт диагонал йўналиш бўйича тасвиrlаниши мумкин. Юқоридаги варианtlарнинг қайси бирига тўхталишдан қатъий назар, албатта, уларни орқа фазовий фон билан боғлаш зарурдир. Фон сифатида табиат манзараси, шаҳар, қишлоқ ҳовли кўринишларини тасвиrlанса, айни муддао

¹⁵ Juliette Aristides “Classical Painting Atelier”, 137 p.

бўлади, ўз – ўзидан орқа фондаги хаёт жараёни куз фасли билан боғлиқ бўлади. Композицияни қаламда бажаришнинг ҳам, турли хил усуллари мавжуд.

1. Бутун композиция тасвирини бир чизикда бажариш усули ниҳоятда қизиқарли натижа беради. Бунда чизиклар босими турлича бўлади. Натюрморт предметларининг характерига хос чизиклар, қаламнинг ён томони ёки кескин юмшоқ штрихлар орқали бажарилади.



30. А.Каланов. "Куз" мавзусига ишланган этюд, акварель

Айниқса мато бурамалари улардаги нақшлар, кашта безаклари ёки мева барги чизиклари, идишлардаги детал, орқа фондаги уй, жихозлар, дараҳт танаси фактураларини бир чизикда ишлаш ёш график рассомга янада илҳом беради.

Бундай усулда ўзбек график рассомларидан Т. Мухаммединов, Ф. Хайтов, А.Мамажонов бир қатор ўзига хос асарлар яратишган.

2. Композицияни қаламда бажарышнинг иккинчи усули, бу – бир чизиқда ишланиб, баъзи жойларда аникроғи предметларнинг тушаётган шахсий сояларга тусда бир оз ишлов берилиб, биринчى пландаги яқин нұкталари күчлироқ қалам босими орқали күрсатилади. Тусларда белгилаш усули орқа фонда ҳам қўлланилади. Сояларни қалам учининг ён томони билан бажариш тавсия этилади. Шу йўсинда бир чизик ва туслар кетма-кет ўрин алмашиб, композиция мутаносиблигидан чиқиб кетмаган ҳолда ишланади. Предметларнинг ёруғ тушаётган қисмларидаги баъзи жойларда чизиклар узилиб қолиши мумкин, аммо композицияни ишлашда бундай ёндашиш уни янада гўзаллаштиради ва бойитади. Бу усулда ишлашдан мақсад туслар нисбатига эмас, балки натюромортнинг пластик ечимига эътибор берилади. Натюромортларнинг худди шу усулда бажарилишини Ўзбекистон халқ рассоми, академик А.Мирзаев ижодида жуда кўп учратамиз. Рассом ўз асарларида манзара, натюроморт, китоб безаги ёки майший жанр бўладими? Улардаги композицион бадиий пластик ечими моҳирона тасвирланганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, рассомлардан Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, В.Апухтин, Д.Уразаев ижодларида ҳам бундай усулни кўплаб учратамиз.

3. Қаламда ишлашнинг учинчи усулида туслар нисбатини ажратган ҳолда композициянинг хомаки нусхалари бажарилади. Бундай ёндашишда энг аввало, композициядаги катта яхлит нисбатларни ажратиб олиш зарур. Дастроҳли графика композициясини оқ-қора тасвирда яратишнинг характеристерли қирраси, бу уч асосий тус яхлитлигини ташкил этади, яъни оқ, қора ва нимқора. Композициянинг мувозаннат бўйича уч асосий яхлитлиги топилгач, улар орасидаги умумий боғланишлар ярим тусда ишланади. Қора тусдаги яхлитликда албатта, оқ, ним қора қисмлар бўлиши шарт ёки аксинча, оқ яхлит қисмларда қора, ним қора туслар қаламнинг турлича босимида бажарилади. Дастроҳли композицияни тус нисбатларида ишлаш усулининг икки хил мақсадда бажариш мумкин. Биринчى мақсад, композициядаги барча

предметларнинг ёруғ, соя, рефлексларни ҳар бир деталигача ишлаб чиқишидир (умумийликни, яхлитликни сақлаган ҳолда). Иккинчи мақсад, предметларнинг асосий, олдинги пландағи баъзи деталларга күпроқ ишлов бериб, иккинчи даражали қисмларни яхлит бутун тусда күрсатишдан иборатdir.

Хомаки нусхаларни бажаришда юқорида баён қилинган усулларнинг барчасини қўллаш кўнижмасига эга бўлиш шарт. Ўқитувчи томонидан тасдиқланган композиция ечимлари хомаки нусхаларини нафақат қаламда, балки тушь-перо ва мўйқаламда ёки бир рангли акварелда ҳам бажариш мумкин.

Ашёлар тўплангач, ўқув хонасида қоралама ва этюдлардан фойдаланган ҳолда композиция эскизлари турли вариантларда бажарилади. Хомаки нусхаларни бажаришда энг аввало, асл нусхани ишлашда қайси ашёлардан фойдаланиш танлаб олинади.

Композициянинг маркази орқали асосий ечим топилади. Катта яхлит тусда, массалар масштаб бўйича, қоғоз форматида жойлаштирилади.

Оқ-қора, ёки рангда фигуralар, фон ишланади, албатта, уларнинг тусда фарқини топиш, осмон, ер, уй-бино, табият манзараси, одам қомати, бир-бирига мутаносиблигига эътибор қаратиш, масштабда, тусда бир хил бўлиб қолишига йўл кўймаслик зарур.

Бўёвчи моддалар турли шаффофликка эга. Бирлари яхши ёритилади ва текис шаффоф қатlam билан суртилади, бошқалари, хатто юпқа суртилганда ҳам бўёвчи модда зарраларининг сезиларли фактурасига эга кам шаффоф қатlam ҳосил қиласди. Бўёвчи модданинг нисбий шаффофлиги ва юпқалиги жиҳатидан бўёқлар икки гурухга ажратилади. Биринчи гурухга қопловчи ёки корпусли- бўрттириб берилган деб номланувчи кам шаффоф бўёқлар киради, иккинчи гурухга яхши ёритувчи, лессировкаловчи бўёқлар киради. Бўрттириб берилган бўёқлар ёргулекни кўпроқ акс эттиради, остига суртилган бўёқни яхши ёпади ва донали фактурага эга бўлади. Бўрттириб берилган бўёқларга белила, охра, турли сортлардаги крон, яшил хромлар, яшил кобальт,

мовий кобальт, ультрамарин киради; қизил бүёклардан-күргошинли сурек, қүргошинли түқ сариқ ва бошқалар. Лессировкаловчи бүёклар бүёвчи қатламнинг катта чукурлигига түғри ва тескари йұналишларда ёруғликни яхши үтказади, юпқа фактурага эга ва шуълада ёрқин, түйинган рангларни беради. Унинг остидаги бүёклар яхши күринади. Лессировкаловчи бүёкларга сариқ лок, гуммигут, зумрадсимон яшил, лазурь, краплок ва бошқалар киради.¹⁴

Хомаки нусхалар бир неча вариантда ишланади. 1-курс талабалари учун туркум асарлар композициясини бажариш шарт әмас. Аммо талабанинг иқтидори – қобилиятидан келиб чиқиб, айрим ҳолларда, рухсат берилади. Умуман талабага үз фикри, дунёқараши, фантазиясини эркин тасвирлашда ҳеч қандай түсік, қаршилик күрсатылмайды, аксинча у құллаб қувватланади, рағбатлантирилади, (албатта мавзу ва сюжетнинг композиция қонуниятларидан чиқмаган ҳолда). Айнан, юқорида бажарылған усулларни бошқа мураккаброқ ашёларда ҳам құллаб күриш тавсия этилади. Бу ҳақда кейинги машғулотларда тушунчага эга бұласиз.

Назорат саволлари

1. Оқ-қора тасвирдаги композицияда асосий яхлитликлар нима?
2. Тұсларда ажратиши деганда нимани тушунасыз?
3. Композицияда мувозанат қандай ечимини топади?
4. Композиция яхлитлигига қандай эришиллади?

Амалий топшырықлар

1. Композиция учун ийғилған ашёлардан фойдаланынг.
2. Композиция хомаки нусхаларини бир неча вариантда баҗаринг.
3. Композициянинг ечимида, қоидаларга риоя қилинг.
4. Хомаки нусхаларни бир неча ашёда ишилаб күринг.

¹⁴ Virgil Elliott, "Traditional oil painting, 38 p

4.6. Асл нусхани бажариш (құрек назоратыга тайёргарлик)

Дастгоҳли композициянинг асл нусхаси унинг бадиий ечими жанр ва мавзу характерини бера олишга мос бүлган ашёда бажарилади.

Агар композиция манзара жанрида яратиладиган бүлса, акварель, пастель, тушь-перо тавсия этилади. (1-босқич 1-семестри учун)

Натюрморт композицияда асосий ўринни эгалласа, у ҳолда қалам, тушь-перо, акварель, темпера, пастель ашёларидан ишлаш мақсадға мувофиқ бўлади.

Маишний – тематик композицияни деярли барча ашёларда ишлаш мумкин.

Қаламда ишлаш жараёни энг аввало, хомаки нусхада белгиланганидек тўқ тусдаги яхлитликларни юмшоқ “Архитектор 3м, 4м”; “Конструктор-М, 2м;” “ Коніnoor. В, 2В, 3В” қаламларининг ён томонлари орқали ўртача босимда тус берилади. Соя ва ёруғларнинг чегара қисмiga қаламнинг ўткир учида кескин чизиклар тортилади. Соя қисми тўқ тусда ишланиб, рефлекс жойлар енгилроқ кўринишда бўлади, предметдан тушаётган соя шахсий сояга нисбатан, тусда очроқ бўлиб, соя эгаллаган жой қаламнинг уч қисми орқали билинар-билинмас контур чизиклар билан белгиланади. Ёруғ қисмлар ўртача юмшоқликдаги “Конструктор ТМ, М”, “Коніnoor НВ, Н” қаламлар учи ёрдамида аник, кескин турли босимдаги штрихларда ишланади. Яқин олдинги пландаги деталлар, ёруғ, шахсий соя, рефлекс, тушаётган соялар аник ишланиши тавсия этилади. Ўчиришда ҳам ўз ўрнида фойдаланиш лозим. Ундан фақат нотуғри тортилган чизикларни ўчиришда эмас, балки тўқ тусдаги жойларга кескин ҳарарат билан керакли оч тасвирларни бера олишда ёки бўлмаса ёмғир, булут, тутун, туман ҳарорати юмшоқлигини кўрсатишида фойдаланиш мумкин. Бир сўз билан айтганда ўчирич ёрдамида ҳам, чизишни билиш керак.

Манзара перспективадан тасвиirlанаётган майдон каттаги билан фарқ қиласы, у одатда катта үлчамларга, картина текислигининг чўзилган нисбатларига эга, масофадан қаралади ва кўпинча кўриниш майдонида кичраймайди. Шунинг учун манзара жуда кучли тасвирий усулларни талаб қиласы. Манзара ўз масштаблари ва умумий қиёфасига кўра доим маҳобатли ва кўпинча эпик характер касб этади.¹⁵

Туслар нисбатларидаги хатоликлар, композицияни сочилган, кир кўринишга олиб келади, шу сабабли асосий эътиборни тусдаги фарқларга қаратиш лозим.

Тушь-перо ёрдамида ишлаш қаламга нисбатан бирмунча ўзгача аҳамият касб этади. Бунда тасвиirlар чизиқли, штрихли бажарилади. Дастихли графика композициясига айникиса, турли ҳажмдаги пероларда чизиқли, фақат бальзи асосий жойларга штрихли ургу берилади.

Бундай усулда бажарилган иш, жуда жонли, қизиқарли графикага хос кўринишда бўлади. Бу усулга А.Хотамовнинг “Тулпорлар”, “Ўзбек аёллари”, “Оналик бахти” асарларини намунавий мисол тарқасида келтириш мумкин. График рассомлари В.Апухтин, Э.Кигай томонидан чизилган “Шум бола”, “Биринчи ўзбек оркестри”, “Ўн икки стул”, “Олтин бузок”, “Қўрқинчли Техрон” китобларидаги безаклар ҳам шу усулда бажарилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Тушь-перода А.Мамажоновнинг “Хўжа Насриддин афанди латифалари” асосида яратган графика композициялари, Ф.Хайтовнинг “Эски шаҳар”, туркуми, Д.Мурсалимовнинг “Хива”, “Бозор”, “Бекобод металлургия заводи,” асарлари бир чизиқли усулда юксак даражада бажарилгандир.

Бир чизиқли композицияни ишлаш жараёрида имконият борича чизиқлар узлуксиз ва жуда ҳам ишонарли ва ифодали бўлиши лозим. Бунинг учун ёш рассомдан кўп машқ қилиш ва изланиш талаб этилади.

¹⁵ Virgil Elliott, “Traditional oil painting, 110 p



31. Р.Абдулгалимов. "Куз" мавзусига ишланган дастгоҳлы композиция, акварель

Тушь-перо ёрдамида тусда ишлашда мүйқаламдан ҳам фойданилади. Композициянинг тўқ тусдаги яхлит қисмларини тушь ва сувда турли ҳажмдаги олмахон тукидан тайёрланган мүйқалам ёрдамида ишланади. Бу усулда тушь, унинг ёнида алоҳида идишда тоза сув туради ва керакли мүйқаламда тушь ва сув билан ишлов берилади. Бўёқ аралашмаси куrimасдан шаклларга йўғон ва ингичка перо ёрдамида тушда штрихлар тортилади. Штрих чизиқлар баъзи жойларда қурук, баъзи жойларда эса ёйилиб, ҳақиқий графика асарига хос, жонли ранг-барангликни намойиш қиласиди. Бу усулда шаклларнинг керакли жойларига перонинг ён томони билан ургу берилади. Композиция ечимиidan келиб чиқиб, ишлаш жараёнда қўрқмасдан ҳеч иккиланмасдан, перо ёки мүйқаламдаги бўёқни (тушни) силкитиб, аниқ қисмларга сачратиш



32. Н.Каланов. "Куз" мавзусига шилланган композиция,
литография

мумкин. Сачратиш натижасида қоғозда ҳосил бўлган нуқтадарга перода ишлов бериш эса, композиция элементларини бойитишга ёрдам беради. Нақш, тақинчоқ, соchlар толаси ва бошқа шунга ўхшаш кичик деталларни перода ифодали чизиш, композицияни гўзаллаштириб, ёш рассомнинг маҳоратини очиб беради.

Дастгоҳли композиция вазифаси мавзуси бўйича ишланган бир қатор хомаки нусха варианtlаридан энг мукаммалини танлаб олинади. Планшетта тортилган қоғозга калька орқали контур чизиклар билан кўчирилади. Аввал айтганимиздек, бу босқичга келиб, талаба композицияни қайси ашёда ва қандай қоғоз ўлчамида бажариши аниқ бўлган бўлиши керак.

Дастгоҳли композиция сангина, пастель, кўмир-ретушда ишланадиган бўлса, у ҳолда оқ қоғоз ўрнига, бироз грунтланган, ёки иссиқроқ тусда бўлган қоғоз танлаш мақсадга мувофиқ. Қора қалам, тушь-перода бажариладиган ҳолда оқ қоғоз ёки енгил тусдаги қоғозлар тавсия этилади. Акварель учун эса қалинроқ торшон қоғози қулайроқ бўлади. Имкон қадар композиция литография, офорт, линогравюра ва бошқа техникаларга мослаб ишланса яхши бўлади. Чунки талаба учун кейинги семестрда, мазкур композиция асарини юқоридаги техникаларининг бирида ишлаб кўришига имконият яратилади.

Навбатдаги босқичда кўрқмасдан ишонч билан, фикрни жамлаб, бутун маҳорат, кўнкимани ишга солиб асл нусхани бажаришга киришилади. Асл нусха устидан ишланаётган пайтда, хомаки нусхалар, қоралама этюдлар ва уста рассомлар асарлари репродукциялари иш столи устида турса, мақсадга мувофиқ.

Биринчи босқич биринчи семестридаги дастгоҳли графика композициясини бажаришда кўлланиладган ашё ва усуллар, хамда уларни қўлаш кўнкималари билан танишириб ўтилди. Композиция устида ишлаш тугагандан сўнг унга мос рангда паспарту тайёрланиб, пардозлаб кўрик назоратига тақдим этилади.

Назорат саволлари

1. Акварель учун қандай қоғоз танланади?
2. Тушь-перода қандай усулларда ишиланаади?
3. Композицияни қаламда бажариишда ұчирғичдан қайси ҳолларда фойдаланилади?
4. Композицияни қалам ва тушь-перода бажарилишининг фарқи нимада?
5. Композиция детал ва элементларини янада бойитишга қандай эришиллади?

Амалий топшириқлар

1. Қалам ва тушь-перода яратылған асарларни мисоллар билан таққосланг.
2. Асл нусхага планшет ишилаш.
3. Композиция топшириғини бир чизиқда бажариб күринг.
4. Композицияни бажарииш учун кераклы ашёларни жамлаш.

В БОБ. КИТОБ БЕЗАШ КОМПОЗИЦИЯСИ

МАВЗУ: БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН МҮЛЖАЛЛАНГАН ЭРТАК, ҲИКОЯ, МАСАЛЛАРНИ БАДИЙ БЕЗАШ (II-СЕМЕСТР)

5.1. Адабиёт асарларини танлаш

Сабоқ

Ўқишидан кўркишингиз керакмас. Санъат инсон қалбидан чиқиши лозим, ўшанда сизнинг ишларингиз етук бўлади ва сизга кўп муаммоларни ечиш осон бўлади. Бах, Шекспир, Микеланжелолар буюк истеъдод эгалари эди, лекин улар аввалги усталар очиб берган янгиликлар асосида ижод килгандар. Ҳатто Моцарт ҳам вақти вақти билан ўз отасига қулоқ тутган. Сидқидилдан агар сиз маҳорат ва янги чўққиларга эришмоқчи бўлсангиз, у холда янги велосипед яратишингиз керакмас, жуда бўлмаганда техникага мурожат килинг. Барча даврларда «буюк алломалар» расм ва рангтасвирга қизиқишган, эҳтимол, сиз улардан биридирсиз? Ўрганиш бу узлуксиз жараён, ахир атрофда канча нарса ўрганилмаган. Расм санъати бу чексиз имкониятга эга тирик санъат. Уни ўрганинг, бу билимларни ўзингизнинг иқтидорингиз билан аралаштиринг ва ундан фойдаланинг, агар сиз, ўқув режимида бўлсангиз (сиз бундай ҳолатда кўп вақт бўлишингиз керак), ўзингизнинг «бадиий» жўшқинларингизни ушлаб туринг. Уларни келгуси шедеврингизни ўйлаш учун сақланг. Ҳал қилувчи муоммоларга диққатингизни жамланг ва омадли ечимлар сабогини ўзингизга сингдиринг.¹⁶

¹⁶ Richard Schmid, “Alla Prima”, 5 р.

Талаба танлаган китоб муаллифи қайси даврда яшаб ижод ўтганлиги, унинг бошқа яратган асарлари билан ҳам танишиши шарт. Ёзувчининг адабий асардаги воқеаларни сўз орқали қайси усуlda ёритиши, образларга берилаётган таъриф яъни уларнинг ташқи кўриниши ва характерига эътибор бериш зарур. Умуман китобда баён этилган воқеалар қайси даврда бўлиб ўтган, айнан ўша вактдаги уй-бинолар, устбош кийимлари, ўша давр одамлар психологияси ҳақида тушичага эга бўлиш керак. Бунинг учун албатта, биринчидан ёзувчи ҳақида маълумотлар ўрганилади, асарлар ўқиб чиқилади, танланган асар ҳақида фикр юритилади. Агар китобда ўтмиш, тарихий воқеалари тасвиirlанган бўлса, бунда талаба, албатта, либослар тарихи ҳақидаги китобларга мурожаат қилиши тарих, амалий санъат музейларига бориб, ўша давр ижтимоий қатламига мос келадиган уст-бош кийимлари, от ва эшак эгар-жабдуқлари, рўзғор идишларини ўз кўзи билан кўриб, албатта қораламаларни бажариши шарт. Қолаверса, театрга бориб спектаклларни томоша қилиши, теле, хужжатли фильмларни кўриши муҳимдир. Танланган китобда замонавий давр акс эттирилган бўлса, ён атроф-муҳит, уйжой, турли ўшдаги болалар ва катталар уларнинг ижтимоий ҳолати, психологияси ва дунёқарашига эътибор қаратилади.

Китобдаги расм, иллюстрациялар – мактаб ёшигача ва бошланғич синфлар болалари тўқнаш келадиган энг биринчи санъат асари, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлодни эстетик тарбиялашда ва уларни ҳар томонлама ривожланишида асосий восита бўлиб хизмат қиласи. Ўзбек адабиётида болалар учун тарбиявий аҳамияти катта бўлган халқ масал-эртакларига жуда ҳам бой.

XX аср 80–90 йиллари болалар китоб санъатида ўзига хос қирраларини очди. Замондош ўзбек ёзувчиларимиздан Х.Тўхтабоев, А.Обиджон, К.Сайдмурод, Т.Адашбоев қаламига мансуб болалар учун мўлжалланган “Ширин қовунлар мамлакатида”, “Сариқ девни миниб”, асарларини китоб графикасининг кўзга кўринган рассомларидан А.Ғуломов, Х.Раҳматуллаев, Р.Зуфаров, Ф.Башарова, Х.Зиёхоновлар то-

монидан моҳирона, чиройли, болалар психологиясига мос тарзда безатилган. Композиция вазифасини бажаришда юқорида номи келтирилган адилларимизнинг асарларини чуқур ўқиб, ўрганиб чикиш ҳамда уларга чизилган безакларни синчковлик билан кузатиб таҳлил қилиш талабалар учун фойдадан холи эмас.

Иккинчи семестрда вазифа талаба учун аввалгисидан бироз мураккаброқ бўлади. Дастрлабки вазифада фақат ҳайвон ва қушлар тасвири жой олган бўласа, энди ушбу топшириққа одам тасвири ҳам қўшилади. Талабалар ўқиб чиқиш учун бир қатор ўзбек ва шарқ ҳалқ эртакларидан тавсия этилади. “Ур тўқмок”, “Тулки билан лайлак”, “Сахий ва баҳил”, “Олтин тарвуз”, “Эгри ва тўғри”, “Ақлли қиз”, “Эчкининг ўчи”, “Икки сеҳргар” шулар жумласидандир. Талабалар бир қатор адабиётлар билан танишадилар. Турли тиллардан, турли нашрларда чоп этилган ва таниқли китоб безакчи рассомла-ри томонидан чизилган иллюстрациялар таҳлил қилинади.

Уларга танлаш имконияти берилади. Талабаларга кейинги машғулотгача асарни ўқиб, моҳиятини тушуниб келишлари вазифаси юклатилади.

5.2. Асарни ўқиб, бирламчи ҳомаки нусхаларини тасаввурда чизиш

Китобхон адабий асарни қўлига олиб мутолаа қилишни бошлар экан, унинг кўз олдига аввалимбор қаҳрамонлар образи ва воқеалар ривожи намоён бўла бошлайди. Унинг тасаввуррида эртак иштирокчиларининг қанақа либосдалиги, юз ва гавда тузилиши, жараён кечаетган мухит, уларнинг диалог сухбатлари шаклланади. Адабиёт асарини ўқиб, ногаявий мазмун –моҳиятини чуқур ўрганган талаба, беихтиёр қўлига қофоз қалам олиб, биринчи олган таасуроти асосида чиза бошлайди. Китобни ўқиб бўлгач, талабанинг бошланғич иш жараёнини профессионал нұктай назардан, композиция қонуниятлари асосида ва болалар психологиясини ёдда сақла-



33. А.Каланов. Иллюстрацияларга ишланган бирламчи қораламалар

ган ҳолда, уларнинг дунё қаравини ҳисобга олиб ёндашиши керак.

Китобни ўкиб чиқиб, эртакдаги ижобий ва салбий қаҳрамонларини аниқлаб, унда иштирок этувчи персонажларни, воқеа қаерда бўлиб ўтиши, ўрмонда, ҳовлида, кӯчада, уй ичида ва бошқаларни излаб топади. Биринчи навбатда талаба хомаки нусхаларни ишлаш учун ўзига режа, рўйхат тузади. Масалан:

1. Чол, кампир, бола, бой, лайлак, эшак, қушлар.
2. Ҳовли, уй кўриниши, дала, ўрмон.
3. Предметлар, мева-сабзвотлар, эшик, дарвоза, лампа чироқ, арава, тарвуз, кўза, обдаста ва х.к.

Шунинг билан бирга кичик ҳажмдаги конструктив китоб ёймаси (раскладка), образли макет ясалади. Ёйма талабанинг композиция устида ишлаш жараёнида, китоб безакларини ритмик тарзда жойлаштиришда жуда ҳам фойдаси катта. Китоб ишчи ёймасини ясамасдан унинг безаклари композицияси устида иш бошлаш катта хато, бундай иш жараёни талабани чалкаштириб, боши берк кўчага олиб киради.

Талаба томонидан танланган асар замонавий мавзуда воқеалар баён қилинган бўлса, талаба бирламчи навбатда болалиги, ўкувчилик даври таассуротларини кўз олдига келтириши, композиция яратишда маълум даражада туртки бўлади.

Биринчи тасаввурдаги хомаки чизгилар кичик ҳажмда А-4 ўлчамдаги қофозга 20-25 хил вариант кўринишида ишланади. Ишчи макетда муқова, титул, бошланғич, охирги безаклар, иллюстрациялар жойлашиши белгиланиб, тасаввурда хомаки чизгилар бажарилади.

Назорат саволлар

1. Тарихий либос, маший буюмлар қандай манбаларга асосланиб чизилади?
2. Халқ ижодиёти деганда нимани тушунасиз?
3. Эртак, масалларнинг қандай тарбиявий аҳамияти бор?

4. Топшириқни бажарии режаси нимага асосланиб тузилади?

5. Китоб ииши макети нима мақсадда ясалади?

Амалий топшириқлар

1. Тарих ва амалий санъат музеяларига бориб композиция учун керакли ашёлар хомаки чизгиларини ишланг.

2. Инсон ва жониворлар образи талқин қилинган ўзбек халқ эртак, масал, ҳикояларини ўқинг.

3. Ўзбек халқ эртаклари асосида чизилган китоб безакларини ўрганиб чиқинг ва нусха кўчиринг.

4. Ўқиган эртак, масалларнинг ғоявий мазмунини сўзлаб беринг.

5. Танлаган асарингиздаги ижобий ва салбий образларни ажратиб қораламалар чизинг.

5.3. Композиция учун материаллар тўплаш

Иллюстрация мавзусини аниқлашда, адабий асарни ўрганишнинг роли жуда катта, бу композиция устида ишлашнинг бошланғич босқичи бўлиб, китобни безатишдаги охирги ечимга чуқур ва ҳар хил таъсир этади.

Муқова, иллюстрациялар мавзусини амалий ифодалашда, олдиндан тартиб рўйхатини тузиш тавсия этилади. Олдиндан рўйхатни режалаштириш-бу китобни безаш композицияси ҳақида кенг маълумотлар тўплаш; асардаги муҳим қизиқарли лавҳалар тасвирини туркум кўринишида ифодалаш. Асосий композиция варианatlари учун таъсирли лавҳаларни танлаш. Олдиндан тузилган рўйхат режаси қанчалик изчил, бирма-бир тузилса, шунчалик китоб композицияси учун керакли материаллар ва туркум иллюстрациялар режасини тузиш ҳам осон ва қулай бўлади.

Китоб рассомнинг ғояси нафақат бўлғуси безакларнинг тасвирий-пластик томонлари, балки композицияни образли куриш масалалари, асарнинг бадиий хусусиятлари, умумий

композицион ва алоҳида хомаки чизгиларни яратиш, уларни китоб ичига киритиб, матн билан уйғунлаштириб, рассом томонидан тасвирланадиган образларни китобхон-томушабинга равон етказиб беришдир.

Китоб элементлари композициясининг умумий тематик доирасини қўйидаги тартибда тасвирлаш мумкин.

а) Адабий асарда иштирок этувчи қаҳрамонларнинг ўй-фикрлари, ташқи кўринишлари;

б) Қаҳрамонларнинг ўзаро учрашуви ва табиат билан боғлиқ воқеалар;

в) Табиат тасвири, шаҳар, кишлоқ, ўрмон-далалар, тогларни акс эттириш;

г) Алоҳида ўй-бино ва маиший-рӯзгор буюмлари, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг тасвири.

Кўрсатиб ўтилган тартиб асосида, китоб композицияси учун материаллар ишланади.

Бўлгуси китоб конструктив ёймасида, композициянинг ритмик схемасининг хомаки нусхаси қораланиб чиқилгач, илк тасаввур орқали дастлабки чизгилар пайдо бўлади. Таълаба тахминан муқова, ички безаклар қай тарзда, қанақсанги ўлчамда: ярим, бир ёки икки туташ-бетда жойлаштирилишини онгига чамалаб, режалаштиб олади. Шу режа асосида у иш жараёнини давом эттиради. Адабий асаридаги воқеалар табиат багрида кечса, бундай вазиятда, албатта, у боғларга бориб, айнан асарга мос келадиган даражатлар кўринишларининг қораламасини бажариши шарт. Албатта, ҳар бир композициянинг яратилишида натурадан қораламалар чизиб, материаллар йиғиш катта роль ўйнайди. Ишни асар қаҳрамонларидан чол-кампир, бола, бой образлари, ҳаётда кузатиб эртак сюжетига мос келадиган юз-чехра, қоматларнинг натурадан қораламасини бажариш керак.

Бунинг учун албатта, эски шаҳар кўчаларини, одамлар гавжум жойларда, четроқда ўтириб уларни кузатиш ва ўхшаш образлар топилди дегунча иложи борича эслаб қолиб, тез чизгиларни бажариш лозим. Худди мана шундай дақиқаларда талабанинг эслаб қолиш қобилиятлари янада риво-



34. Материал йигии

жланади. Имконияти топилса, хомаки чизгиларни давомли, узокрок бажарилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўча-кўйда бир талай қораламалар бажарилгандан сўнг, ҳайвонот боғига бориб, ҳайвонлар кўриниши қораламалари қалам ва рангда бажарилади. Албатта, бундай вазифаларни ечишда, ҳайвон қушларнинг турли ҳолатларини чизиш тавсия этилади. Эртак мазмунидан келиб чиқиб, эски шаҳар, қишлоқ уйларини, кўчаларини, ҳовли саҳнини турли дараҳтлар кўринишининг кўплаб қораламасини бажариш зарур.

Бизнинг кўзимиз тепа, паст, ўнг ва чап томонлардаги ҳамма нарсаларни “ўқиши” учун яратилган. Сиз учун керакли бўлмаган майда деталларга эътибор беришдан кўзингизни олиб қочинг, ҳар доим кўзга дам беринг. Сизга керакли бўлган деталларни эса секин асталик билан кузатинг. Атрофдаги нарсалар дикқатингиз марказига оҳиста сузгандек намоён бўлиши лозим.¹⁷

Композиция учун ҳамма материаллар йиғилгандан сўнг, хомаки чизгилар яратишга бемалол киришилади.

Назорат саволлари

1. Китоб элементлари композициясининг умуний тематик тартиби қандай тузилган?
2. Нима сабабдан материал тўпланади?
3. Китобни безатиш устида ишилаш жараёни қай тарзда бошлиданади?
4. Натурани кузатишдан мақсад нима?

Амалий топшириқлар

1. Одам гавжум жойларга бориб, чепдан туриб уларнинг образи, ҳатти-ҳаракатини кузатинг.
2. Танлаган асарингиз қаҳрамонларига ўхшаш образларни учратиб, қораламалар бажаринг.

17 Juliette Aristides “Classical Painting Atelier, 32 р

5.4. Ишчи макет устида ишлаш

Хисоб-китоблар асосида аниқлаштирилиб, яхши ишланган моҳияти батафсил очиб берилган лойиха китоб ва уни лойиҳалаштирадиган ишлаб чиқариш технологияси ҳақида тасаввур беради, аммо етарли даражада композиция бутунлигини очиб бера олмайди, бироқ баъзи китобларни лойиҳалаштиришда эса, бу жуда ҳам зарур.

Мураккаб ва кўп сонли тиражда нашр этиладиган китобларни чоп этишдан аввал, ашёда асл модель яратилади. Бундай модель композициясини ҳам яхлитликда, ҳам деталларда кўриш, муҳокама қилиш ва баҳолаш имконияти бўлиши керак.

Китобнинг бундай модели – макет деб аталади. Макет – бу лойиҳанинг моддий томонини хисобга олиб, ашёда ифодалашдир.

Макет – рассом ва бадиий муҳаррирга тўла-тўқис ишлов берилган иш режасини беради, ҳар бир деталнинг тўлақонли тугалланганлигини кўрсатиш имконини бермайди. Ўрни келганда талаб этилган ҳолатларда яъни улар иллюстрация, китоб безак-жиҳозлари ва умумий композицияни янада қизиқарли ва ифодали кўринишга олиб келса, у ҳолда макетга тузатишлар киритиш имконияти мавжуд. Бутун китобнинг хомаки нусха макетини олдиндан бажариш имкониятини иложи борича кенг бир неча вариантда қўллаш керак бўлади. Натижада, макет тугалланган шакл кўринишига эга бўлади.

Макет устида ишлаш тугаллангандан кейин, безакларни яратиш жараёнида ҳам, рассом китоб композициясининг бирор жойини ўзгартириш зарурати туғилганда, ҳар доим (*исталган вақтда*) яратилаётган асарга жонли қизиқиш билдириш, туғилган янги фикр-ғояларни умумий композицияғоясини бузмаган ҳолда, тасодифийликка йўл қўймасдан, айрим бетларга тузатишлар киритиш мумкин.

Китоб композицияси қанчалик мураккаб бўлмасин, у қурилиши бўйича аниқ бир тартибда бажарилади. Бундай композицион тартибда баъзи элементлар ягона кўринишида



35. Макет қораламаси

бўлади, бу – супермуқова, жилд, муқова, форзац, титул, мундарижа. Булар орасида фақат форзац бундан мустаснодир. У китобда икки марта такрорланишига қарамасдан бир хил усулда безатилади. Биринчи ва иккинчи форзацининг характеристери бўйича турли усулда безаш жуда кам учрайди. Китобнинг бошқа элементлари бир неча марта такрорланиши мумкин, булар: шмуцтитул, бошланғич ва охирги саҳифалар, китоб ичидаги алоҳида ва икки туташ бетлар тасвирлари.

Намунавий тузилишдаги макет – бу такрорланадиган элементлар типик ечимнинг қораламаси, унинг ягона элементлари билан биргаликдаги хомаки нусха чизгилари. Намунавий тартибда макет яратишда рассомнинг вазифаси ҳар бир ягона ва такрорланадиган элементларни бир неча вариантда – хомаки чизгиларини бажариш. Бу иш унчалик мураккаблик туғдирмайди ва маҳсус техник тайёргарлик талаб этилмайди. Бунинг учун рассом умумий китоб композиция асослари, нашр ўлчами ва ҳажм ҳақида тасаввурга эга

бўлиши лозим. Иложи борича бундай макетни, китоб нашр этиладиган ўлчамда бажарилиши мақсадга мувофиқдир.

Намунавий тартибдаги макет – бу китоб безатишнинг ийғиндиси, шунинг учун у яхши сифатли қофозда диққат билан, чиройли қилиб тайёрланиши керак. Таълим жараёнининг кейинги босқичларида, китоб макетини тайёрлашда унинг бошқа мураккаброқ турлари билан танишамиз.

Танланган асарнинг ўлчами аниқлаб олинади. Қоғоз бичими 60Х90 1/16, 60Х84 1/8, 60Х90 1/8, 70Х90 1/32, 84Х108 1/16 ва х.к ўлчамлари тавсия этилади. Берилган топшириқга асосан бўлғуси нашр этиладиган ўлчам аниқланади. Одатда муқова ёки жилдинг бўйи ва эни нисбатлари билан характерланади, бу – китоб макетининг оғир ёки енгил бўлишини белгилайди. Макетсиз композициянинг асосий характеристерини тўлақонли очиб бериш мумкин эмас. Китобдаги қисмларнинг масштабдаги фарқлари, рангларнинг жозибадорлиги, фактура ўйини, бутун композициянинг ритмикасини ташкиллаштиришда макетнинг роли жуда катта. Китобнинг ҳажми неча босма табоқдан иборат бўлишидан келиб чиқиб, унинг макети ясалади. Унча мураккаб бўлмаган камида 16 бетлик ишчи макет тайёрланади. Варақлар бир текисда игна ипда бежирим қилиб тикилади. Бирламчи хомаки чизгилар, муқова-титул, заставка, иллюстрациялар ва концовка, ҳамда матн бетларга жойлаштирилади. “Олтин қонун” (“Золотое сечение”) қоидаларига асосан, муқова ва китоб номи жойлаштирилади, шрифт асарнинг мавзусидан келиб чиқиб танланади.

Титул бетининг шрифтида, китоб номи ва муаллифи исми-шарифи такрорланади ва титулдаги тасвир жойлашуви, нашриёт номи ва нашр йили ёзилади. Сўнгра кейинги бетдан бошланғич безакни жойлаштириш ва матн шрифти танланади. 2 та иллюстрация симметрик оралиқда ва асар охирида концовка жойлаштирилади. Бу вазифаларнинг барчасини қора қалам ва рангли қаламларда бажариш мумкин.

Китоб саҳифалашининг модуль системаси

Модуль бу – тұлік ва қисман такрорланувчи үлчов ва элементдир. Модуль лотинчадан “үлчов” деган маънени англатади. Исталған узунлик үлчови модуль бўлиши мумкин. Юонон ибодатхоналарини қурилишида аниқ үлчовга эришиш мақсадида модулдан ҳам фойдаланилган. Устуннинг радиуси ёки диаметри ҳамда устунлар ораси модуль бўлиб хизмат қиласа.¹⁸ Иллюстрацияларни саҳифаларга жойлаштиришнинг мураккаб ҳолатларида (вариантларида) саҳифалашни модуль системаси ёрдамида аниқ ташкиллаштиришга эришиш мумкин.

“Модуль” атамаси китоб безатиш соҳасига архитектурадан кириб келган. Машхур рус китоб безакчи расомлари Эль Лисицкий, В.Фаворский, Ян Чихольд китоб конструкцияси ва бинолар ўртасидаги ўхшашликни бир неча бор таъкидлаб, асослаб беришган.

“Архитектоника” атамасини китоб безашда қўллашган ва бу сўз ҳам архитектурага алоқадордир.


Архитектурада “модуль” атамаси (лотинчадан *modulus* – кичик мөбёёр) үлчов бирлиги маъносини билдиради. Бутун бошли иншоот ёки унинг қисмлари үлчамлари нисбатларига хизмат қиласи. Классик архитектурада модуль сифатда кўпинча устун асосининг радиуси қўлланган. Бино турли элементларининг үлчамлари, масалан: устун баландлиги, дераза ёки портал бўйи ва эни нисбати – үлчам бирлигига бир тўхтамга келинган.

Модуль системасини китоб конструкциясида қўллаш саҳифаларда, матн ва иллюстрацияларни бир-бирига нисбатан жойлаштиришда ёрдами жуда катта.¹⁹

Мисол тариқасида Г.К.Вагнернинг “Скульптура Древней Руси” китобини кўриб чиқамиз.(изд-во “Искусство”,1969, рассом А.Троянкер).

¹⁸ Juliette Aristides “Classical Painting Atelier”, 45 p

¹⁹ Juliette Aristides “Classical Painting Atelier”, 47 p



Модуль түри бүйича саҳифалаш

Бул маддений мактабада түрлүү түри бүйича саҳифалаш көрсөтүлгөн. Бул мактабада түрлүү түри бүйича саҳифалаш көрсөтүлгөн. Бул мактабада түрлүү түри бүйича саҳифалаш көрсөтүлгөн.

Түрлүү түри бүйича саҳифалаш

Бул маддений мактабада түрлүү түри бүйича саҳифалаш көрсөтүлгөн. Бул мактабада түрлүү түри бүйича саҳифалаш көрсөтүлгөн.

Түрлүү түри бүйича саҳифалаш

Бул маддений мактабада түрлүү түри бүйича саҳифалаш көрсөтүлгөн. Бул мактабада түрлүү түри бүйича саҳифалаш көрсөтүлгөн.

Модуль түри бүйича саҳифалаш

Бул маддений мактабада түрлүү түри бүйича саҳифалаш көрсөтүлгөн. Бул мактабада түрлүү түри бүйича саҳифалаш көрсөтүлгөн.

Түрлүү түри бүйича саҳифалаш

Бул маддений мактабада түрлүү түри бүйича саҳифалаш көрсөтүлгөн. Бул мактабада түрлүү түри бүйича саҳифалаш көрсөтүлгөн.

Түрлүү түри бүйича саҳифалаш

Бул маддений мактабада түрлүү түри бүйича саҳифалаш көрсөтүлгөн. Бул мактабада түрлүү түри бүйича саҳифалаш көрсөтүлгөн.

36. Модуль түри бүйича саҳифалаш

Саҳифадаги ишчи ҳошия үлчамини энига беш ва бўйига олти қисмга бўлинади, бошқача айтганда – модуль бирлиги. Танланган модуль асосида модуль тўри курилади. (36.расм). Үлчам бўйича бўлғуси китоб матн ҳошиясига тенг олинади.

Модуль тўри китоб матн йўлини (ҳошиясини) бир хил үлчамга ажратади. Катаклар үлчами энига ва бўйига, бошқача айтганда – тўрнинг асосий модулига тенг (модуль бирлигига) бўлади. Катаклар бир-биридан унчалик катта бўлмаган бир хил оралиқларда ажралиб туради. Бу оралиқлар матн ва иллюстрациялар оралиғидаги масофасига мос тушади.(ёки ёнма-ён жойлашган иллюстрациялар оралиғига тенг).

Расмдаги китоб учун характерли бўлган қирра – бу икки туташ бетнинг чап томони ҳошиясида матн ва кичик ҳажмдаги ёрдамчи иллюстрациялар – ўнг томондаги саҳифада эса – каттароқ ҳажмдаги асосий безаклар ва улар остидаги ёзув қаторлари ўрин эгаллаган. Ўнг томондати туташ бетни кўриб чиқайлик. Унда одатда уч-тўртта иллюстрация жойлашади. Улар үлчами бўйича ҳар хил, бироқ танланган модуль бўйича үлчамлар бир хил. Юқоридаги тасвирни мисол қилиб келтирайлик. У энига тўрт, бўйига эса уч модуль тўрининг асосига тенг; қўйидаги ҳар бир тасвир энига икки ярим, баландлиги бўйича – икки модуль асосига баробар. Туташ бетнинг чап саҳифасига ўтамиз. Унда жойлашган ёрдамчи иллюстрациялар үлчами энига ҳам – бўйига ҳам, тўрнинг бир асосига мос келади. Ишчи саҳифанинг қолган қисмида матн ўрин олган. Графикада модуль нафақат китобларда, шунингдек, журнал, газета, каталогларни конструктив макетини яратишда кенг кўлланилади. Фойдаланиладиган модуль сеткаси матн ва иллюстрацияларни тартиб билан саҳифалашда кўмаклашади. Модуль конструкция асосида қоғозни тўғри тўртбурчакларга ажратувчи вертикал ва горизонтал комбинация чизиги ётади. Ушбу тўғри тўртбурчакли модуль (улар бир нечта бўлиши мумкин) босма муҳрда ашёни ритмик тузилишини аниқлаб беради.²⁰

20 Juliette Aristides “Classical Painting Atelier, 45 p.

Биз иллюстрацияларни саҳифаларга жойлаштиришда модуль системасининг бир кўринишида тўхтадик. Бироқ, уни анча кенгроқ қўллаш мумкин, масалан, сарлавҳалар жойлашиши ва матннинг бошқа элементларини, титул вараги ва муқовани жойлаштиришда, ҳошиялар ўлчамларини аниклаштиришда, ҳатто шрифтни қуришда қўллаш мумкин.

Модуль тўри – саҳифалашнинг типик схемасини яратишда асос бўлиб хизмат қиласди.

Назорат саволлари

1. Китоб макети деб нимага айтилади?
2. Бир босма табоғи деганда нима тушунилади?
3. Китобнинг қайси элементлари ягона кўринишида бўлади?
4. Намунавий тартибдаги макет ясаши учун нималарни биллиш талаб этилади?
5. Макетда иллюстрациялар қай тарзда жойлаштирилади?
6. “Модуль тўри” нима?

Амалий топшириқлар

1. Қоғоз бичимларини ёдланг.
2. Бир босма табоқли китоб макетини ясанг.
3. Турли ўлчамдаги қоғозларни $1x8$; $1x16$; $1x32$; $1x64$; нисбатларга бувлаб, бичимлар ҳақида тасаввурга эга бўлинг.
4. “Модуль системаси” асосида кичик ҳажмда китоб саҳифаларини тайёрланг.

5.5. Асар қаҳрамонлари образларини бадиий жиҳатдан ечимини топиш

Ёш рассом олдида асар қаҳрамонларининг учрашувидаги ўзаро суҳбат ва содир бўлаётган воқеаларни жонли ва ишонарли акс эттириш вазифаси туради. Эртак қаҳрамонларининг ижобий ва салбий образларини воқеа ривожи асосида бир-бирига боғлаб, эскизлар бажарилади. Масалан ичор,

камбагал, содда, меҳнаткаш, бисотида битта бузоқ, эшак ва аравасидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ чолнинг бадавлат, хасис, қурумсоқ, очкўз, айёр қўшнисининг образларини яратиш.

Бу кичик гурӯхни тасвирлашда, ёрқин композиция марказий қаҳрамон характерини очиб берадиган шахс мухимдир. Улар тақдиридаги бурилиш лаҳзалари, шунингдек, сюжет ривожида роль ўйнамайдиган, лекин рассомнинг асосий фикр-ғоясини очиб берадиган тасвир бўлиши мумкин. Қаҳрамонлар образи турли мухитда, турлича ифодаланади, чунки улар асосий саҳнада атроф мухит орасида ёки четида ва фон ўрнида фаол иштирок этадилар. Шу боис қаҳрамонларнинг турли кўринишларини портрет, қомат, ҳаракат (югураётган, курашаётган, йиқилаётган, ғалаба нашидасини сураётган, тушкунлик, чоғ кайфият ва ҳ.к.) ҳолатларини қоралама чизгилари орқали топиш лозим. Аммо, улар қайси ҳолатда тасвирланмасин, юз, гавда характеристидан улар битта шахс эканлигини, китобхон-томушабин таниб, фарқлай олиши керак.

Ўз-ўзидан маълумки, китоб композициясида асар қаҳрамонлари иштироки, баъзан табиат манзаралари фонида тасвирланади. Композициянинг бундай бадиий ечимида манзара мустақил аҳамиятга эга. Албатта, манзара характеристи қаҳрамонлар образига боғланиши зарур, яъни сўлим қишлоқ фонида баҳтли оила ёки қаҳрамон ёвуз куч билан курашаётган лавҳада тоғу тошлар ва ҳоказолар тасвирланиши мумкин. Уй-бино, маиший бўюмлар, ўсимлик, жонивор ва ҳоказоларни тасвирлаш, асарда иштирок этувчи шахснинг характеристидаги у ёки бу қирраси, кайфиятини тушуниб олиш ва аниқлашга ёрдам беради.

Қаҳрамонларнинг ўзаро сұхбати, мулоқотини ҳовли фонида тасвирлаш, композицион ечимини топиш зарур. Авваламбор, муқова, титул, заставка, концовкада ва 2-иллюстрацияларда қандай ҳаракат ва жараён тасвирланиши режалаштириб олинади. Албатта, муқовадаги тасвир асарнинг умумий маъносини очиб бера олиши керак. Муқовада кўнгли тоза чолнинг, айёр, очкўз қўшнисини боплабчув тушир-

гани композицияси тасвири жойлашса, мақсадға мувофиқ бўлади. Асарнинг номи ҳуснихатини ҳам дид билан ташлаб, ўз ўрнига кўя билиш керак. Муқовадаги икки ижобий ва салбий қаҳрамонлар ҳаракати ҳолатини топиш ритм ва мутаносибликка риоя қилиш талаб этилади. Уларни олдинги планга жойлаштириб, орқада ҳовли саҳни ва иккинчи даражали қаҳрамонларни кўрсатиш мумкин. Шу тарзда бутун китоб безакларини: қаҳрамонлар ҳаракати, уй ва предмет, табиат кўринишининг бир-бирига узвий боғлиқигини кўрсатиш талаб этилади. Безаклардаги ҳар бир тасвир элементи, албатта, асарни ўқигандан унда ўз ўрнини, аксини топиши керак. Масалан, деворга осилган арқондан томнинг устида юрган мушукчагача, асарга композицион алоқаси бўлиши зарур.

Назорат саволлари

1. Предметлар тасвири композиция ечимида қандай роль ўйнайди?
2. Қаҳрамонларни композицияда қандай ҳолатларда тасвирлаш мумкин?
3. Китоб композициясида манзара тасвири қандай аҳамиятга эга?
4. Муқова ва ички иллюстрацияларнинг фарқи нимада?

Амалий топшириқлар

1. Асар қаҳрамонларининг ёшига мослаб қораламалар баҳаринг.
2. Эртак шитирокчиларини тасвирлаб, қоғозда уларни қайчида қирқинг.
3. Ритмга асосланиб қаҳрамонлар қомати ҳаракатини чизинг.

5.6. Муқова хомаки нусхаларининг устида ишлаш

Материалларни йиғиб, белгиланган бошланғич хомаки чизгилар кўриб чиқилади. Бир неча вариантда хомаки нусхалар бажарилади. Муқова ишлашда асосий детал яъни би-

ринчи планда одам қомати, қаҳрамонлар жойлостирилади, ёки бүлмаса, дараҳт, арава, уй, эшак натюрморт тасвирланиши мумкин. Агар олдинги планда натюрморт жойлашса, орқа фонда, ҳовли сатҳи, одам қоматлари ҳаракати тасвирланиши мумкин.

Қоғозда ўлчов белгиланиб хомаки нусхалар чизишни бошлаймиз. Қаламда бир неча вариандада бажарилади.

Уларнинг ҳар бирини композицион түғри топишга ҳаракат қилинади, шу билан бир вақтда асар ва муаллиф номини кўрсатувчи ёзув, шрифти устида ишлаш ҳам параллел олиб борилади.

Шрифт китобнинг, эртакнинг мазмунидан келиб чиқиб, танланади. Муқовани безашда шрифтнинг ўрни катта. Албатта, талабалар, алоҳида шрифт дарсида, уларнинг турларини чуқурроқ ўрганишда кўникма ҳосил қиласидар. Ўз-ўзидан тушунарлики, бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган адабиётлар учун шрифт енгилроқ, завқли, кайфият кўтарадиган ёш болаларга хос ҳусниҳат бўлиши керак.

Хомаки нусхаларда қаҳрамонлар тасвири натурадан чизилган қораламалардан фойдаланиб услублаштирилади. Ижобий образ, содда, очик, меҳрибон кўринишда бўлиб, унинг ҳаракатлари ҳам шунга мос бўлади.

Салбий образ эса, қошлар чимирилган, кўзлар хийла-кор, айёр, бурун-кулоқлар қўполроқ, қоматлар беўшшовроқ кўринишда бўлиши мумкин. Албатта, ҳайвон ва қушлар шу тарзда услублаштирилади. Қувноқ итлар ёки кув шўх мушукча, баджаҳл бўри ва ҳ.к., дараҳтлар, уйлар, манзаралар ҳам шунга ўхшаб услублаштирилади.

Шу йўсинда бир қатор муқова хомаки нусхалари яратилади.

Назорат саволлари

1. Муқовада қандай сюжетлар тасвирланиши мумкин?
2. Шрифт нима асосида танланади?
3. Салбий образлар кўринишни қандай бўлади?

OLTIN TARVUZ Oltin tarvuz



37. Мұқова эскизлари

Амалий топшириқлар

1. Хомаки нусхаларни бир неча вариантда бажаринг.
2. Муқова хомаки нусхаларини темперада декоратив кўришида ишлаб кўринг.
3. Хомаки нусхаларни бажаришида композиция қонун-қоидаларига риоя қилинг.

5.7. Титул, бошланғич ва охирги безаклар хомаки нусхаларини бажариш

Титулдаги тасвир марказдан юқорироқда жойлашиши, марказдан пастда ўрин олиши мумкин. Титулдаги китоб ва муаллиф номи матнининг, шрифти, муқовадаги ёзувнинг такори бўлиши мумкин, фақат ҳажм жиҳатидан кичикроқ жойлашади. Титулдаги тасвир унчалик катта ҳажмда бўлмайди. Асарнинг характерли деталлари, предметлари кўрсатилиади. Асар мазмунидан келиб чиқиб, масалан, арава, дараҳт, ёки қилич, қалқон, ё бўлмаса эшак устида кетаётган афанди ва ҳ.к.

Титулдаги тасвир оқ, қора ёки рангли бажарилиши мумкин. Титулдаги тасвир бир чизикда бутун варақ бўйича кўрсатилиши мумкин ва бир чизиқли тасвир устидан матн шрифти тушади.

Титул бетининг пастки қисмида нашриёт номи, белгиси ва нашр этилган шаҳар, сана йил кўрсатилиади.

Муқовада китоб номи оқ, қора тасвирда бўлса, титулда рангли бўлиши мумкин. 1 босқич талабалари учун титулни соддароқ, классик усулда бажариш талабга мувофиқ. Шу тарзда бир неча кўринишли титул вариантларининг эскизлари бажарилади.

Титулдан кейинги бетда матн, яъни асар матни бошланади. Албатта, бошланиш расм, яъни заставка, тасвири билан бошланади. Бошланғич расмнинг жойлашуви матн, умумий ҳажмнинг $\frac{1}{3}$, $\frac{1}{4}$ қисмини эгаллаши мумкин. Кириш расми асарнинг бошланғич таассуроти асосида чизилади. Эртак асар

OLTIN TARVUZ



SARQ mathaa nashriyot conserni
Toshkent 2014

38. Титул вараги

“Бор эканда, йўқ экан” дея бошланади. Инсон, ҳайвон ва табиат хақида гап кетиши мумкин. Асар мазмунини тушунган ҳолда тасавур асосида, маизарадар кўриниши чизилади. Сўнгра унда қишлоқ уйлари, кўчалари ёки бўлмаса, тоғу тошлар, сойлар, йўл, ўрмон тасвирланиши мумкин. Кўчада отда кетаётган қаҳрамон, уни кузатиб қолаётган эшик олдида турган қария онаси, садоқатли ити ва ҳ.қ ўз аксини топади.

Хуллас, бошланғич безак воқеа бошланиши билан боғлиқ бўлади. Охирги безак – китобнинг охирида асарнинг тугашибдан сўнг охирги нуқта ўрнида жойлашади. Воқеанинг ижобий тугагани, қаҳрамонларнинг муроду мақсадга етишлари билан алоқадор тасвирлар бажарилади.

Охирги безакнинг ҳажми ҳам, бошланғич безакни каби бир хилда бўлиши мумкин.

Бошланғич ва охирги безакларнинг ҳам бир неча кўплаб хомаки нусхалари варианtlари турли ашёларда бажарилади.

Назорат саволлари

1. Титулдаги тасвир варақда қай тарзда жой олиши мумкин?
2. Титулда нима тасвирланади?
3. Бошланғич безак қаерда жойлашади?

Амалий топшириқлар

1. Титулни симметрия асосида бажаринг.
2. Титулни бир қатор ечимда ишилаб кўринг.

5.8. Биринчи ва иккинчи иллюстрациялар хомаки нусхаларини ишлаш

Аввалига ишланаётган иллюстрациялар тилини тушунниб олишлари учун, рассом ўз хаёлий дунёсидан чегараланган ҳолда фойдаланиши мумкин.²¹ Асарни биринчи ўқишида

²¹ Juliette Aristides “Classical Painting Atelier, 78 p

рассом, бълзи воқеа ривожини бейхицёр унитиб қолдириши мумкин. Айнан асарни такрор мутолаа қилиш жараёнида эса, ёш рассом ён дафтариға белгилар қайд этиш натижасида, асарнинг ғоявий мазмуни мукаммалроқ, эгалланади. Унинг хусусиятлари, композицияси, воситалар характери ва ундаги бурилишлар бадиий ечимиға янада чуқурроқ кириб борилади. Олдиндан режалаштирилган рўйхат, бир неча иллюстрациялар вариантларини осон тузишга йўл очади.

Китобни безатиш композициясини тузишда иллюстрациялар сони ҳам ҳисобга олиниши керак.

Иллюстрацияларни яратишда уларнинг сони аниклангач, босма варагига нисбатан ўлчам, тасвир тури, бажариш техникасининг характеристикаси ва чоп этиш усулини инобатта олиш керак.

Бир асар учун мўлжалланган бир хил ўлчамдаги иккита иллюстрациялар фақат тасвири турлича бўлиб, тўғридан – тўғри китоб архитектоникасига алоқадордир.

Иллюстрациялар чизги тасвирлари китоб ўлчами асосида бажарилади. Катта ўлчамдаги китобда чизгилар ҳам каттароқ, кенг, ранг-баранг ишланади. Адабий асарда иштирок этувчи қаҳрамонларнинг ўй-сезгилари, ташки кўриниши, мимика-юз ифодаси, сўзлаш усули, ҳаракатини тасвирлашдан аввал, ён дафтариға белгилаб олиш ёш рассом учун жуда фойдалидир. Иллюстрацияда бу материал умумлашган характер, яъни портретга мос келади. Матнинг бирор жойига тегишли бўлмаган ёки аксинча, матннинг кичик бир қисмига алоқадор персонаж аниқ ички ёки ташқи таъсирни акс эттиради. Портрет бирор-бир муҳит билан боғлиқ бўлмаган ёки муҳит ичида, фон сифатида ҳам тасвирланиши мумкин. Бъльзида рамзий маънода юзнинг фаол характердаги тасвирланиши воқеа ривожига боғлиқ бўлади.

Портретнинг асосий мақсади тасвирланаётган қаҳрамоннинг ижтимоий-психологик характеристикасини очиб берипшидир.

Иллюстрацияларда табиат тасвирининг баёни: шаҳар, қишлоқ кўриниши, уй-биноларнинг ташқи ва ичкариси,



39. Иллюстрациянинг рангдаги эскизи

китобнинг асосий ғоясини ҳис қилиш ва тушуниш; қаҳрамонни ўраб турган мухитнинг характери ва унинг таъсири буларнинг ҳаммаси композиция характери ва кайфиятини бойитади. Иллюстрациялар композицион ечими, албатта, бир-бирига боғланиши керак.

Умуман муқова, бошлангич, охирги безаклар ва иллюстрациялар бир-бирини тўлдириб, яхлит бир усулда, шаклда бажарилиши зарур.

Албатта, талаба томонидан бажарилган кўплаб қораламалардан фойдаланиб, тасаввурдаги фикрлар қоғозга кўчади ва бунда билим, тажриба, фантазия ёрдамга келади.

Хомаки нусхалар турли варианларда ва китоб варагида ҳар хил йўналишида жойлашади. Яхлит бир бетда ёки икки туташ бетда диагонал бўйича, полосанинг $\frac{3}{4}$ қисмига ва ҳ.к. турли кўринишида бўлади.

Асосан иллюстрацияларда воқеалар ривожи, таъсирчан сюжетлар акс эттирилиши зарур. Ўқувчи расмни кўргач, китобни ўқигиси келиши, асарни ўқиганда тасаввурнида фикрлаш айнан иллюстрациядаги тасвирга мос келиши керак.

Иллюстрациялар, албатта, инсон ҳаракати, уларни ёш болаларга мўлжаллаб услублаштириш, образлар юморга бой булиши зарур. Кувиб келаётган кучукча, тўсиндан сакраб қочиб кетаётган болакай, дараҳт устига чиқиб олган мушук ишонарли ҳаракат, ҳолат ва образлар орқали кўрсатилади. Ёвуз кучни енгаётган ботир йигит, унинг чаққон енгил ҳаракати, забардаст қўлларининг йўналиши, душманга қаратилган нафратли нигоҳи ва ҳ.к тусда қоматларнинг бир-биридан фарқи, ишонч билан бажарилади. Хомаки нусхалар қаламда, турли ашёларда кўп вариантда ишланади. Албатта, энг зарури тўпланган материаллардан, қоралама ва этюдлардан фойдаланишини яна бир бор таъкидлаймиз.

Назорат саволлари

1. Иллюстрацияни китоб бетида қай тарзда жойлаштириш мумкин?

2. Ёш китобхонни жалб қилиши учун расмлар қандай кўришида бўлиши керак?
3. Иллюстрацияларда қандай сюжетлар акс эттирилади?
4. Китоб ўлчами билан иллюстрациялар ўртасида қандай боғликлек бор?

Амалий топшириқлар

1. Иллюстрацияларни бир тизимга тушириб ишланг.
2. Кўпроқ этюд ва қораламалардан фойдаланинг.
3. Каҳрамонлар образини услублаштириб чизинг.

5.9. Муқова асл нусхасини бажариш

Мана ниҳоят хомаки нусхаларни танлаб, энг муваффақиятли, мукаммалини танлаб, оқقا кўчириш босқичига етиб келдик.

Бу ҳолатдан талабанинг кайфияти кўтаринки рухда бўлади. Бутун изланишлар, меҳнатлари самарасини оқча чиройли қилиб кўчириб, танланган ашёда бажарилади. Албатта, ашё асар мазмунига мос бўлади, қофозни ҳам, қайси ашёда бажаришга қараб танлаймиз. Агар тушъ перода ишланса, силлик қофоз (мелованний) ёки ватман қофози танланади. Рангли қалам, акварель, гуашь учун қалинроқ, фактурали қофозлар танланади. Китоб ҳажми ўлчами эскизлар жараёнида аник бўлади, шу ҳисоб билан планшетга оқ қофоз тортилади. Танланган хомаки нусхани калька орқали оқча кўчирамиз.

Иложи борича оқча, фақат контурлар бир чизиқда, енгил қалам босимида ўтказилади.

Китоб ва муаллифнинг номи муқовага жойлаштирилади. Эндиғи навбат рангда ишлашни бошлаш, хомаки нусхадаги тасвирга нисбатан асл нусха, тоза, аник, рангларни дид билан танлаб, совуқ-иссик рангларнинг “ўйин”ига риоя қилиб ишни давом эттириш. Иш жараёнида турли ҳажмдаги мўй-қаламлардан фойдаланилади.

OLTINTARVUZ



40. Н.Зиёхонова. Муқова асл нусхаси, акварель

Деталларни аник, эринмасдан, сидкидилдан бажариш керак. Китоб ва муаллиф номи ёзув шрифти қора темпера-да ёзилади. Қаҳрамонлар юз-ифодасини, кийим-либосларини, бош кийимлари, камар ва тақинчоқларини жуда ифода-ли ишлаш мумкин бўлади. Отлар тасвирини, унинг чирой-ли бўйин, қоматларини, юган, этар, жабдуқларини, иштиёқ билан чизиш, талабага завқ бағишлийди. Дараҳтларнинг, агар тут бўлса унинг буралиб, пластик силуэт ҳосил қилган шоҳларини, қишлоқ уйларининг орқада услублаштирган ша-клларини ёруғ-ранглар орқали тасвирлаш, муқова компози-циясини жонлантиради. Бу жараёнда муқованинг биринчи бети ҳақида фикр юритилди.

Муқова композициясининг бадиий ечимиidan келиб циқиб, акварель, гуашь ва темперани аралаштириб ишлаш усулини қўллаш ҳам мумкин. Бунда силлиқ(мелованний) қофоз танланади, Муқова үлчами белгиланиб, ойна ёки ор-гпластик парчасига маълум танланган колоритдаги ранглар

Үртача суюқликда сурилиб қофозга босилади. Бу ҳаракатни икки-үч маротаба тақрорлаш, ҳар гал ранглар колоритини ўзгартириш ҳам мумкин. Қофозда мармар тош нақшига ўхашаш ёйилган ранг-баранг тасвиirlар ҳосил бўлади.

Мазкур усулни амалга оширишда силлиқ қофознинг имконияти катта, шунинг учун ҳам бу қофозни танлаймиз. Ҳосил бўлган ўзига хос фактура устига композиция тасвир контури калька орқали ўтказилади ва кичикроқ ҳажмдаги мўйқалам ёрдамида айнан шу колоритда ишланади. Баъзи жойларда фактурани композиция элементи сифатида кўллаш мумкин, зеро юқоридаги усулни танлашдан ҳам мақсад шу. Масалан: орқа фон тоғ ва дараҳтлар кўринишига ўхашаш бўлиб уларга мўйқаламда бир оз ишлов берилса, ажойиб ўзига хос манзара ҳосил бўлади. Шу услубдан чиқмаган ҳолда қахрамонлар образи ва бошқа предметларга сайқал берилади. Бунда муқованинг биринчи бетидаги тасвирнинг давоми муқова тўртинчи бетига ҳам ўтиши мумкин, аммо асосий тасвир биринчи саҳифада жойлашади. Шу билан муқовани чиройли тарзда тугатамиз.

Назорат саволлари

1. Рангда ишлашда бўёқларнинг қайси турларидан фойдаланилади?
2. Муқованнг 1-4 бетлари безатилганда, асосий тасвир қайси бетга жойлаштирилади?
3. Фактура ҳосил қилиши учун қофознинг қайси тури тавсия этилади?

Амалий тоншириқлар

1. Вазифани ўзингиз танлаган ашёда бажаринг.
2. Деталларни бажариша эринчоқлик қилманг.

5.10. Титул, бошланғич, охирги безакларнинг асл нусхасларини бажариш

Ҳамма бажарилган хомаки нусхаларини бир-бир танлаб, композицион мукаммал, қизиқарли топилгани танланади ва оққа кўчирилади. Оққа кўчириш усули худди муқовани кўчириган, усулдагидек бажарилади. Аввал ишни титулдан бошлаймиз. Ўлчамлар белгиланиб, ёзув шрифти қора гуашда, қонун-қоидаларга риоя қилиниб ёзилади. Уни бажаришда туш перо ва нозик мўй-қаламлардан фойдаланилади. Сўнгра титулдаги тасвирни бажаришга киришилади. Тасвир чиройли, тартибли тарзда ишланади.

Титул безагини яхлит ёки қисман саҳифада тушъ-перо ёрдамида, фақат бир чизиқларда бажариш ҳам мумкин. Бунда қўл харакати ишонарли, тўхтовсиз бўлиб, чизиқлар узлуксиз давом эттирилади. Яхши натижага эришиш учун кўп маротаба машқ қилиш талаб этилади. Бир чизиқли титул безакларини график рассомлардан Т.Мұхаммедов ва А.Мамажонов усталик билан бажарганлар.

Титулдаги охирги иш пастдаги матн, нашриёт номи, иккинчи қаторда шахар ва йил санаси ёзилади ва шу тариқа титул асл нусхаси тугатилади.

Ишни бошланғич безакни бажариш билан давом эттирамиз. Ҳар доимгидек жараён такрорланади. Безакни енгилрок рангларда бошлаш тавсия этилади. Нозик мўйқаламда дид билан, тартибли равишда ишни давом эттириб, иштиёқ билан вазифани охиригача етказамиз. Албатта, бошланғич безакда тасвирлар имкон қадар, чапдан ўнгга ҳаракатланиши мақсадга мувофиқ, яъни китоб саҳифасининг кейинги бетта ўтиши, давоми йўналишита мос равишда бўлиши керак.

Охирги безакда аксинча, китобнинг охирги бети ёпилади, шунинг учун композиция қонунига риоя қилган ҳолда ҳаракатлар тўғридан, ёки ўнгдан чалга бўлиши мумкин. Безак асарнинг (эртак) тугаганини билдирувчи тасвир бўлиб хизмат қиласи.

OLTIN TARVUZ



41. Титул варианта

Бошланғич ва охирги безаклар декоратив, нақшли рангли ва оқ-қора күринишда ҳам бўлиши мумкин. Агар китобнинг умумий композицион бадиий ечимида декоратив усул танланган бўлса, у ҳолда бошланғич, охирги безак лавҳалари гуашь, темперада ўртача суюқликда ишланади. Бу пайтга келиб талаба акварелда ишлашда анча тажриба орттириб, эндилиқда гуашь ва темпера ашёлари техникасини эгаллашда кўниkmага эга бўлади.

Бошланғич ва охирги безакларни бажариш усули ва техникалидан яна бири бир рангли акварелдә ишлашdir, бунда совуқроқ тусдаги жигар рангтавсия этилади. Танланган бўёқда безак тасвири соя қисмлари енгил, тиниқ ишланади. Бу услубда иложи борича ранг бир уринишда берилиб, қайта унинг устидан ишлаш тавсия этилмайли, акс ҳолда акварелнинг тиниқлиги йўқолиб, кир кўринишда намоён бўлади. Безакнинг ёруғ томонларига иссиқ бир рангли акварель танланиб, мўйқаламда енгил қуруқ бўёқда ишлов берилади. Ёруғ қисмларини ишлашда рангнинг устма-уст қўйилиши фақат икки бор қайтарилишига рухсат этилади. Акварель жуда нозик нюансларга эга, шу сабабли ундан иложи борича сувлироқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бир уринишда бажарилган тиниқ туслар қуригач оқ қозоз акварелнинг шаффоғлигини намоён қила олади.

Бир рангли акварелда ишлашнинг яна бир кўриниши, худди юқорида кўрсатилган банддагидек, фақат унга қўшимча сифатида тушъ-перода ишлаш тўлдирилади. Бу усулда кичик деталлар тўқ яхлит тусларни тушда бажариш мумкин. Барча таништириб ўтилган усуллар рангли акварелда ҳам ишланиб, тушъ перода қўшимча қилиниши мумкин.

Жами композицияни бажариш ашёси, аралаш техникада бўлиши мумкин. Акварелни гуашга қўшиб, ёки акварелдан кейин туш перода ишлов бериш, акварелдан сўнг пастелда баъзи жойларига ургу бериш усулларини қўллаш тавсия этилади.

Шу босқичда титул, бошланғич ва охирги безакар тугатилиади.

Назорат саволлари

1. Титулнинг пастки қисмida қанақа ёзув жойлашиади?
2. а) Бошланғич безакдаги тасвир ҳаракати қайси томонга йўналтирилади?
б) Охирги безакники қандай?
3. Нима учун акварель учун оқ қоғоз тавсия этилади?
4. Бошланғич ва охирги безаклар қандай кўринишларда бўлиши мумкин?


Амалий топшириқлар

1. Титулдаги ёзувни симметрик жойлаширинг.
2. Бошланғич ва охирги безакларни бир колоритга бўйсундиринг.

5.11. Биринчи иллюстрация асл нусхасини бажариш

Бажарилган хомаки нусхаларни кўздан кечириб, яхши топилган варианти танлаб олиб, оққа кўчирамиз. Хомаки чизгида яхши топилган коматлар ҳолати, ҳаракати, шакли тусдаги мутаносиблиги, асл нусхада ўзгармаслиги керак. Иллюстрацияни, бутун фикрни жамлаб, билим ва кўнижмаларни ишга солиб, жонли тарзда ифода этиш талабага боғлиқ. Албатта, ўқитувчи маслаҳати асосида, асар композиция моҳияти тушуниб ишланса, олдинга қўйилган мақсадга эришилади.

Иллюстрациядаги қаҳрамоннинг юз ифодалари, қўллари, либослари бурамаларининг, анатомия асосида услубга солишиб ишланиши талаб этилади. Рангда ишлаш жараёнида албатта, уларнинг умумий колорит ва гаммасига риоя қилиш зарур. Баъзи бир талабалар, асар ёш болаларга мўлжалланганини нотўғри тушунишади. Шунинг учун баъзи бир китоб безаклари ҳаддан зиёд, бачканга, жуда очик, асабни чарчатадиган рангларда ижро этилган. Бундай ҳолатлардан иложи борича йироқ бўлиш зарур.



42. А.Каланов. Иллюстрация асл нусхаси. Акварель

Иллюстрациялари бажариш усулларидан бирин билан танишиб чиқамиз. Бу акварелда ишлаш техникасининг бир тури бўлиб, оққа тасвир калька орқали туширилгач акварелнинг керакли ранги палитрада сувли қилиб аралаштирилиб, қуруқ торшон қоғозга ўртacha колонок мўйқаламда суртилади. Шу заҳотиёқ мўйқалам сувда чайилиб, қўйилган рангга ёнма-ён бошқа ранг, у ҳам сувлироқ ҳолда тортилади, қоғоздаги сув йиғиндиси тоза мўйқаламда сидириб олиниб, навбатдаги ранг қўйилади.

Шу тарзда иссиқ-совук ранглар бир-бирига уйғунлашиб, ёйилиб акварелнинг характерли хусусиятларини акс эттиради. Қахрамонлар юзи, либосидаги энг ёруғ тушган жойлари қоғознинг тоза оқ қисми қолдирилади. Ёруғ ва соянинг чегарасига кучлироқ тусда совук ранг кескин қўйилади. Унинг ёнида иссиқроқ тус берилади, натижада соя совук, рефлекс иссиқ тусда бўлиб, тасвир жозибадор шаффоф кўриниш касб этади. Инсон қомати, жонивор, дараҳт ва предметлардан тушаётган соя ҳам совук рангларда берилади, соянинг ўртасида билинар-билинмас нюансда эса, иссиқроқ рефлекс кўрсатилади. Шу тариқа иссиқ-совук рангларнинг “ўйини” тасвирни жонли ифодалашда асосий ўринни эгаллади. Қахрамонлар образи устида ишлаш, уларнинг юз, кўз, бурун, қулоқ, қўл бармоқларини ифодалашда ҳам кичикроқ ҳажмдаги мўйқаламда, иложи борича бир уринишда ранглар қўйиб, деталлар устида ишлаб тутатилади.

Биринчи семестрдаги топшириқлар асосан акварель бўёғида бажарилган бўлса, эндиги вазифани талабалар гуашь ёки темперада ё бўлмаса уларни акварель билан аралаштириб ишлаши тавсия этилади. Олдинги топшириқни акварелда бажаришнинг бир неча усули билан танишиб, уларни амалда қўллаб тажриба орттирилди.

Иллюстрация устида ишлаш акварелда бошланиб, якунлаш даражасига олиб борилади, лекин баъзи жойлардан талабанинг кўнгли тўлмаслиги мумкин. Шунда деталларни янада аникроқ тавирлаш мақсадида, темпера гуашни қўллаш мумкин. Ушбу бўёғларда оқ ранг бўлиб, у мураккаб ранглар-



43. Н.Зиёхонова. Иллюстрация асл нусхаси, акварель

ни танлашда асосий ролни ўйнайди. Масалан, иллюстрация тасвирида ясатилган тулпор ва унинг устида ўтирган жанговар либосдаги ботир йигит ўрин олган бўлса, уларнинг ҳар бир детали жанговор қуролигача (қайси ашёдан ясалгани) аниқ кўрсатишда темпера ва гуашнинг имконияти кенг.

Иккинчи иллюстрациянинг асл нусхасини бажарии ва кўрикка тайёргарлик

Иккинчи иллюстрацияни бошлиш жараёни худди биринчи иллюстрацияни ишлаш босқичида олинган кўникма асосида бажарилади.

Машгулотда ўқитувчи назорати остида оқقا ўтказилиб бажарилади. Кейинчалик талаба мустакил тарзда ишни давом эттиради. Композиция тугаллаш жараёнида устозга иш кўрсатилиб, тугаллаш босқичи, камчиликлар тугатилади ва

шу аснода II семестр композициянинг биринчи вазифаси ту-
галланади.

Кўрикка тайёргарлик барча тугалланган ишларни рамка-
га солиб, пастпарту танланиб, якуний кўрикка тақдим этила-
ди.

Назорат саволлари

1. Рангда ишлайша нимага риоя қилиши керак?
2. Иллюстрацияларни боғлаб турувчи нарса нима?
3. Вазифани бажаршида нимага асосий эътибор берии ке-
рак?

Амалий топшириқлар

1. Вазифаларни бажаршида иссиқ-совуқ рангларни чал-
каштируманг.
2. Иллюстрацияларни ишлайша ҳаваскорликдан йироқ бў-
линг.

VI БОБ. ДАСТГОХЛИ ГРАФИКА КОМПОЗИЦИЯСИ (II-СЕМЕСТР)

6.1. “Баҳор” мавзусига дастгоҳли графика композициясини ишлаш

Дастгоҳли графика композицияси, китоб графикаси композициясидан бирмунча фарқ қиласи.

Мазкур композицияда варакдаги тасвир композицион сюжет, маъно жиҳатдан тугалланган бўлади.

Китоб графикасидаги иллюстрациялар, асар мазмунини кетма-кет очиб, тўлдириб борса, дастгоҳли композицияда яхлит тугалланган, мустақил асар сифатида қабул қилинади. Яъни унинг маъноси бошқа варакқа кучмайди, (фақат, триптик (учлик) ва серияли асарлар бундан мустасно).

Ўзбек график рассомларининг асарларидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. М.Кагаров, М. Содиқов, Қ.Башаров, Э.Охунов, Л.Ибрагимов, Н.Каланов, А.Мамажонов, И.Вохитов, В.Апухтин, Д.Урозаев ва бошқа қатор истедодли рассомларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Талабалар композициянинг моҳиятини тушунгандаридан сўнг, дастлаб табиатни, атроф-муҳитни, одамларни кузатишларидан ишни бошлайдилар. Ёнларидаги альбомга кўплаб натурадан қораламалар чизадилар.

Ўзбекистон халқ рассоми Медат Кагаровнинг “Бодом гуллаганда” номли дастгоҳли график асарини кўриб танишамиз. Асар литография техникасида ишланган. Композиция марказида аёл ва бешикдаги гўдак жойлаштирилган бўлиб, улар асар асосини ташкил қиласи. Масштабда ҳам уларнинг жойлашиши бошқа ёрдамчи деталлардан каттароқ бўлиб, кўпроқ худудни эгаллайди. Композиция ечимини топишда аёл қомати ҳаракатини жойлаштириш қоғоз ҳажмига, четига параллел бўлмаслиги катта рол ўйнайди.

Аёл қомати, асар форматига диагонал йўналиш бўйича жойлашган бўлса, бешик унга нисбатан перпендикуляр жойлашган. Олдинги пландаги гиламлар тасвири ҳам қомат ва тўлдирувчи предметларга параллел бўлмаган тарзда жойлаштирилган. Орқа фондаги иккинчи пландаги бодом дарахти ҳам композицияни бирлаштиради. Албатта, тасвиirlар бирор услуглаштирилган. Мазкур график асар юқорида таъкидлаганимиздек, литография техникасида оқ-қора, ярим тусда ва оқ жойларнинг ўзаро уйғунлиги ва уларнинг бир-бирига жой алмашиши, оқдан яримсоя орқали қорага ўтиши, аниқ саводли кўрсатилган. Қора фонда оқ предмет ёки оқ фонда қора тасвиirlар орқали композиция гўзаллашган.

Дастгоҳли графикада композиция қурилиши худди дастгоҳли рангтасвиридагидек, мавзунинг образли-пластик ечими асосида яратилади.

Машҳур ўзбек график рассоми В.Кайдаловнинг эстампларида тусда ишлов бериши катта аҳамиятга эга бўлиб, рангтасвирга яқинлашиб кетади. "Алишер Навоий" портрети, "Кўл бўйида" туркум литографиялари шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, дастгоҳли композиция яратишда, композиция асосларидан олинган билимларга таянган ҳолда ритм ва мувозанатга катта эътибор қаратилади. Композиция тасвиirlари ракурсда ёки юқоридан, қуш учиши нуқтасидан кўринишга эга бўлиши ҳам мумкин.

Дастгоҳли графика асарида инсонлар, ҳайвонлар тасвири ёки бўлмаса фақат манзара, шунингдек натюроморт ўз аксими топади.

Манзара тасвирида олдинги планда албатта чиройли, нафис дарахтлар, ёки бўлмаса гул, ўсимликлар орқали композиция ечими топилади.

Композиция қурилиши, асосий предмет, яхлитликлар жойлашиши доира, айлана, тўртбурчак, учбурчак шакли кўрининишига эга бўлади.

Асарни қофознинг бўйига, энига жойлаштириш мумкин. Талабалар композицияни қаламда, тушь перода, сангинада,

акварель, гуашь, шунингдек ашёда, литография, линогравюра, техникаларида бажаришлари тавсия этилади.

Албатта, бу композициянинг мазмунидан, кайфиятидан келиб чиқилади. Буни талабалар эркин танлайдилар.

6.2. Хомаки нусхалар ишлаш, кузатув

Талабалар мавзу билан мукаммал танишгандан сўнг “Баҳор” фаслиғ композицияни кўз олдиларига келтириб онгларида таҳлил қилиб, фикрлайдилар.

Бир неча композицион сюжетларни хаёлларига келтирадилар. Бунда уларга, албатта, ўқитувчи маслаҳатлари ва адабиётлар ёрдам беради.

Талаба ўзини қизиқтирган сюжет мавзусини танлаб, қоғозга кичик ҳажмда бирламчи хомаки чизгиларни чизади.

Хомаки нусхалар бир неча ўнлаб вариантда кўплаб бажарилиши шарт. Албатта, композиция хомаки нусхаларини яратишда, ҳар доим билим ва қонун-коидаларни ёдда тутиш тақозо этилади. Шунинг билан биргаликда, улар теварак – атрофни, одам ва табиатнинг узвий боғлиқлигини англаб, кузатадилар, ўрганадилар. Энг аввало, композиция форматини топиш, аниқлаш, форматга, қоғозга ҳар хил масштабдаги геометрик шаклларни жойлаштиришлари керак. Шу геометрик шакллар ўрнида кейинчалик композицияда иштирок этувчи одам қомати ёки дараҳт, уй ва бошқа предметлар ўрин эгаллайди. Хомаки расмда уларнинг жойлашиши умумий яхлит тусда ёки штрихларда кўрсатилади. Бунда ер очроқ тусда, дараҳтлар, ундан тўқроқ тусда, асосий инсон қомати ёки ҳайвон, натюрмортлари тасвири унданда тўқроқ, яхлит тусда кўрсатилади. Буни талаба хаёлан тасаввур қилади ва композиция асосларига таянган ҳолда бажаради.

Амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, дастгоҳли графика композицияси четларида шаклларни рамкага параллел тарзда жойлаштирмаслик, акс ҳолда улар асарнинг рамкасига ёпишиб қолган тасаввурни беради. Тўғри чизиқли шакллар-

ни асар четига яқин жойлаштиришга фақат шундай ҳолларда йўл қўйилиши мумкинки, бунда ушбу вертикал ёки горизонтал шакллар маълум даражада биринчи пландаги тасвирлар, уларни ёпганда (бекитганда) амалга ошиши мумкин. Ўз олдинга асар рамкаси ва шаклнинг параллелигини, олдинги пландаги предмет уларни ёпиб қўймаслиги шартини қўяди.



44. Дастгоҳи композицияга бирламчи қораламалар ишилди

Хомаки чизгиларни ҳар хил вариантда масалан: бирида олдинги планда инсон қомати тарзда тасвирланса, бошқасида дарвоза, эшик, дараҳт ёки натюроморт предметларига алмашади. Шу тарзда композиция мавзусига қараб турлича талқин қилинади. Имкон қадар талаба кўпроқ китоблар ўқиши, катта рассомлар асаллари билан янада яқинроқ танишиши, уларнинг яратган композицияларини тахлил қилишлари талаб этилади.

Талаба ўқиш хоналарида, кўчада, автобус бекатида анхор соҳилларида одамларни кўпроқ кузатиш, уларнинг табиат билан уйғунлигини ўрганиши, қишлоқ ва шаҳар манзараларини, уй-биноларнинг кўринишини эслаб қолишлари композиция яратишларида жуда ҳам асқотади.

Бирламчи хомаки чизгиларни қаламда, кўмир қаламда, тушиш перода бажариш тавсия этилади.

Назорат саволлари

1. Дастгоҳли графика композициялари, китобни безаш композицияларидан қандай фарқланади?
2. Композициянинг биринчи планида нималар тасвирланиши мумкин?
3. Эстамп нима? Унинг турларига нималар киради?.
4. Композиция ечими қандай геометрик шакллар асосида қурилади?
5. Композиция яратишда нималарга риоя қилинади?
6. Бирламчи композиция хомаки чизгиларини яратишда нима учун геометрик шакллар тасвири орқали бажариш тавсия этилади?
7. Композиция тузишда қораламаларнинг қандай фойдаси бор?

Амалий топшириқлар

1. Уста рассомларнинг “Баҳор” мавзусига доир асарлардан нусха кўчиришига урининг.
2. Дастгоҳли графика композициясига қаламда хомаки нусхалар ишланг.
3. Натурадан композиция учун асқотадиган дараҳтлар портретини чизинг.
4. Табиат манзараларининг натурадан кўплаб қораламаларини чизинг.

6.3. Материал тўплаш

Натурадан қараб ишланган қоралама ва этюдлар ёрдамида бизни ўраб турган борлиқнинг асл гўзаллик ҳолатини хис қилиш, кўрсатиш мумкин. Сюжетли қораламалар натурадаги тасвирнинг асосий муҳим томонларини кўриб, ажратишга талабага ёрдам беради. Бу такрорланмайдиган қомат

ёки бошнинг бурилиши, кам учрайдиган ифодали нигоҳ, юз ифодаси бўлиши мумкин. Композиция образи қораламалари устида ишлашда тайёр, тартибли бўлиш, яъни тез фурсат ичида икки-уч мураккаб чизиқлар воситасида асосий мақсадни ифодалаш талаб этилади. Натурачи ҳолати юз ифодасини ўзгартириб қўйди дейлик, бундай пайтда, натурадан қараб чизилган тасвирдан бошқа, тасаввур кучига таяниб, кўриб эслаб қолиш хотираси имкон қадар детал ва шаклларни аниqlаштириб, ишни давом эттириш зарур.

Композицияда иштирок этадиган инсон қомати, табиат ва ҳайвон, предметлар устида ишлаш.

Ушбу босқичда талаба ўз тасаввурига таяниб бир неча ўнлаб композиция хомаки нусхалари устида ишлайди. Аввалимбор, хомаки нусхада горизонт чизиги танлаб топилади ва перспектива шу чизик асосида қурилади.

Хомаки расмлардаги мувозанат, ритм, симметрия, асимметрия текширилиб таҳлил қилинади.

Навбатдаги иш йўналиши кўп сонли хомаки нусхалардан муваффакиятли топилган композицион ечимдан уч-тўрттаси танлаб олиниб, уларнинг устида жиддий ишлаш жараёни бошланади. Композициядаги қоматлар ҳолати аниqlаштирилади, улар бир нечта бўлиши мумкин. Қоматларнинг ҳаракати албатта, натурадан қоралама ишлашда топилади.

Қоралама чизи shaded, талаба ҳамма диққат эътиборини қоматнинг нисбати, мутаносиблиги, одам анатомиясини нечоғли билишига қаратади. Талаба одам анатомиясини ўргатувчи адабиётларга мурожаат қиласи. Шу йўсинда бир неча ўнлаб натурадан одам қоматининг ҳолат ва ҳаракатлари қораламалари бажарилади. Муваффакиятли топилган қораламалардан, композицияга киритилади. Композиция мавзусидан келиб чиқиб қораламаларда аёл, эркак, ёш бола, қария, хуллас, турли ёшдаги инсонлар образлари билан boglaniш ёки бўлмаса уй-жойлар тасвири акс этиши мумкин.

Инсон қоматлари, портретларини натурадан бажаришда, турли ашёлардан, яъни қалам, кўмир, туш-перо, акварелдан фойдаланиш тавсия этилади.

Композициядаги қоматларни албатта, бир-бирига боғлаш табиий булиши керак, яъни уларнинг ўзаро нисбат, мутаносиблигини тұғри ва аниқ топишга интилиш зарур.

Инсон қоматлари қораламаларини, уларнинг дараҳтлар, ҳовли сахни фонида бажариш мақсадға мувофиқ, масалан, узумзор, қишлоқ ҳовлиси, тандир-ұчоқ олдида, сой бүйіда ва ҳ.к. эскизда күрсатылған дараҳтларни табиат құчоғида натурадан бир неча күринишининг хомаки чизгиси талаб қилинади. Дараҳтларнинг қораламасини чизишда уларнинг қайси турға мансублигига катта эътибор беріш керак. Да-рахт танаси пластикаси, қай тарзда ўсганлиги, шохларнинг танадан буралиб ўсиб чикиши, баргларнинг күриниши, шак-ли назардан четда қолмаслиги зарур.

Композицияда олдинги пландаги ва орқа пландаги дараҳтларни тасвирлашда, албатта, табиатни кузатиш горизонт чизиғини хисобға олған ҳолда, натурадан бажариш шарт. Қуш ва ҳайвонлар иштирокидаги композициялар учун материални, ҳайвонот боғида (ёки бұлмаса уй-ҳайвонлари, ит-мушуклар қораламасини) бажариш тавсия этилади. Уларнинг қораламасини бажариш жуда тез фурсат талаб қиласы. Уларни бажаришда талабадан күриш, эслаб қолиши қобиљятини ўстириш, ривожлантириш талаб қилинади. Бундай зехн-идрекни ўстириш, албатта, талабанинг тинимсиз қораламаларни күп сонда, ҳар доим, ҳар куни бажариши орқали зришилади.

“Баҳор” мавзусидан келиб чиқиб, композицияда күйклем манзараплари тасвирланиши мүмкін. Албатта, ушбу табиатнинг гүзәллигини күрсатиши учун шаҳар атрофи, тоғлар, дала-боғларга бориб, сұлим баҳорнинг, оқ-пушти, ям-яшил рангларнинг уйғунлигини акварелда, гуашда чиройли күп сонли этюдлар бажариш талаб қилинади.

Композицияда тасвирланиши мүмкін бўлган, уй-биноларни, қишлоқ ҳовли, уйларининг хомаки чизгиларини бажариш, дарвоза, тандир, ұчоқ, уй ҳайвонлари от, эшак, арава, сигир-бузоқ, күй-әчкі қораламаларини турли ҳолатларда ишлаш тавсия этилади.

“Баҳор” композициясининг сюжетини қуришга эътибор қаратамиз. Авваламбор, асарда талаба ўз олдига қўйган максадини ўз фикрини тасвир орқали ҳикоя қилиб бериши керак.



45. Материал тўплаш

6.4. Хомаки нусхаларнинг мавзууни тўла ёрита оладиганини танлаш

Ҳар бир санъат асар композициясининг маркази бўлганидек, сюжетли композиция бадиий ечимида ҳам марказ муҳим аҳамият касб этади. Марказ- нисбатан ёруғлик кўп тушиши, ҳажм, масштаб ва бошқа воситаларда ажralиб, композициянинг асосий қонун талабларига жавоб беради. Композицион марказ энг аввало, томошабин диққатини ўзига жалб қилиши керак. Албатта, сюжетда иккинчи даражали қисм, деталлар

ўзаро узвий бөгланган бўлиши зарур ва асосий қисмга бўйсунган ҳолда, барчаси биргалашиб яхлит бутуниликни- тасвирий саънат асарини ташкил этади. Композиция маркази ўз ичига асосий тасвирларни олиб, иккинчи даражали айрим қисмларни узвий боғлади. Бутун композиция унинг барча қисмлари ни қуриш ва ғоявий мазмунини ифодалашда яхлитлик қонунига таянган ҳолда олиб борилади.

Манзара колорити кўп жихатдан тасвирланаётган жой-нинг географик шароитларига боғлиқ. Жанубий районларни тасвирлашда манзара ёритилиши картина нинг умумий иссиқ, ёруғ тузи билан қўёшнинг тўғри тушувчи ёруғлигининг кескин ёруғ-соясининг устунлиги, ҳаво қуруқлиги сабабли узоқ планларнинг кескин ташки кўринишлари, оқарган ёруғ жойлар ва рангига кўра тўйинган соялар билан характерланади. Шимол учун манзара ёритилиши умумий мовий ва оқарган тус билан, кескин ёруғ-соянинг йўқлиги билан нам, туманли ҳавонинг мовий тутунига бурканган узоқ планларнинг майин қиёфалари билан, олдинги планнинг ёритилган жойларидаги жўшқин ранг билан ва бутун рангларни умумлаштирувчи мовий майин соялар билан характерланади.²²

“Баҳор” композициясининг сюжет мазмунидан келиб чиқиб охирги уч-тўрт хомаки нусхалар диққат билан кўриб чиқилади. Ўқитувчининг маслаҳати, кўрсатмалари бўйича ҳар томонлама мукаммал нусхани танлаб олинади. Танланган хомаки нусхани оригинал форматда (ҳажмда, ўлчовда) картонга кўчирилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, композиция қандай ашёда ишланишини олдиндан мақсад қилиб режалаштирилган бўлиши зарур. Шу режа йўналишидан четга чиқмасдан, қоғоз, ашё танланади. Агар композиция асари оқ-қора тасвирда бажариладиган бўлса, оқ ватман қоғозига ёки кофе, чой билан енгил грунтланган қоғозга тушь-перо, кисть, кўмир, ретушь, сангина, соус, бир рангдаги акварелда ишлаш мумкин. Хомаки нусхада инсон қомати, дарахт, бино-уйлар,

²² Virgil Elliott “Traditional oil painting”, 111 p.



46. Н.Каланов. “Күпкари” дастгохын композициясига ишланган эскиз

умуман композициядаги ҳар бир кичик деталлар контури аниқ, ишонарли бир чизиқда тортилади.

Предметлар тусда ажратиласы, асосий бош пландаги объектта күпроқ ишлов берилади. Агар композиция, литография техникасыда ишланадиган бұлса, хомаки чизги, оддий қаламда, фактурали қоғозда ёки күмир қалам, ретушда бажарилиши мақсадға мувофиқ. Чунки литография техники си ушбу ашёларга энг яқини ҳисобланади. Композиция ли ногравюра техникасыда танланған бұлса, у холда оқ қоғозға қора тушь, кисть-перода, ёки бұлмаса қора қоғозға оқ гуашда кичик ва катта хаждың мүйқаламларда ишланади.

Талаба учун композицияни дастгохи графикада, ашёда бажаришнинг имконияти жуда катта. Бундай ашёлардан яна бири офорт техникасыда ишлаш. Офорт техникасынинг бир неча тур, йўналишлари бор: тирналган штрих, акватинта, қуруқ игна, меңзотинта, лавис, юмшоқ лок ва бошқа күплаб турларида композицияни бажариш мумкин.

Офорт-техникасыда ишланадиган вазифанинг хомаки нусхаларини тирналган штрих ва қуруқ игна усули учун, тушь- перода бажариш тавсия этилади.

Албатта, акватинта техникаси учун акварель ва тушь-перода, мүйқаламда ишлаш мақсадға мувофиқ. Лавис, юмшоқ лок техникаларига хомаки нусхаларни ёғли қаламда, ретушда бажариш мумкин.

Шунингдек, агар талаба машғулотдаёқ композиция вазифасини рангда бажаришни ўз олдига мақсад килған бұлса, албатта, ўқитувчи маслаҳати билан рангли ашёлар тавсия этилади. Композициянинг мавзуу, матни, сюжети, характеристикадан келиб чиқиб, рангли акварель, гуашь-темпера, рангли пастел ва рангли қаламларда вазифани бажариш мумкин.

Умуман хомаки нусхаларни композициянинг бошланғич жараёнидаёқ турли ашёларда, оқ-қора ва рангда ишлаш мақсадға мувофиқ. Албатта, баҳор фаслининг мафтункор, бетак-рор гўзалигини тасвирлашда акварелда ишлашнинг ўзгача завки бор.

Акварелда бажарилған асарга, маълум бир жойларига пастелда ишлов берса ҳам бұлади.

Гуашь ва темпера ашёларида ҳам графика композициясининг вазифасини бажариш мумкин.

Талабанинг қайси ашёда ишлаш имконияти кўпроқлиги-га қараб, унга тўғри йўналиш берилади.

Охирги хомаки нусханинг варианти обдон тайёрланганидан сўнг, асл нусхани бошлишга киришилади.

Назорат саволлари

1. Материал тўплаш учун ишни нимадан бошлиш керак?
2. Композицион масштаб нима?
3. Дастгоҳли графика асарини ашёда бажаришнинг имконияти катта деганда нимани тушунасиз?
4. Композицияда асосий предметлар қай тарзда ажратилилади?
5. Композициядаги иккинчи даражали тасвирлар қайси қисмга бўйсунади?

Амалий топширикчлар

1. Композицияда горизонт чизигини белгиланг ва перспективани аниқланг.
2. Композиция учун одам портрети, қоматини натурадан ишланг.
3. Хомаки нусханинг энг мукаммалини танлаб, композиция форматини аниқланг.
4. Композицияни литография ва офорт техникасида ишлашга ҳаракат қилинг.

6.5. Хомаки нусхани асл нусхага кўчириш

Навбатдаги вазифанинг босқичи, композициянинг асл нусхасини бажариш жараёнидир.

Композициянинг энг оддий ашёларда бажарилиши буватман ёки фактурали акварель қоғозига, оддий қаламда, ретушда ва тушь перода ишлаш.



47. Н.Каланов."Күпкари"композицияси хомаки нусхалари

Дастлаб композициянинг ўлчамига мос планшетта керакли қоғоз тортилади. Ҳомаки нусхадаги тасвир калькага кўчирилади. Бунда кальканинг силжиб кетишига асло йўл қўймаслик керак. Кўчирилган контурули чизмани планшетга, тоза қоғоз юзасига тўғри жойлаштириб, калька орқа томони кўмир, ёки юмшоқ қаламнинг ён томони билан штрихланиб, сўнгра юза томонидаги тасвир контури қаламда юргизиб чиқилади. Шу йўсинда композиция тасвири оқца кўчирилади.

Асл нусхани ишлашни бошлагандা, ҳаяжонланмасдан, фикрни жамлаб, ишончли чизиқлар ва штрихлар тортиб сидқидиллик билан жараён давом эттирилади. Ўқитувчи назорати остида ва маслаҳатларига амал қилган ҳолда мақсадга эришилади.

Биринчи босқич талабалари учун дастгоҳли композицияни ашёда, литография, линографюра, офортда ишлаш бир мунча муаммолар туғдириши табиий. Чунки уларда ҳали ашёда ишлашда кўникма етарли бўлмаслиги мумкин. Шундан келиб чиқиб, 1-босқич, дастгоҳли композицияни қалам, тушь-перо, кўмир, ретуш сингари юмшоқ материалларда ишлаш тавсия этилса, II-семестрда эса литография техникасида ишлаши мумкин.

6.6. Композициянинг асл нусхани бажариш ва тугаллаш, кўрикка тайёргарлик кўриш

Дастгоҳли графика композицияда туснинг кескин фарқи асосий роль ўйнайди. Бунда сюжетлар қурилиши, ифодали жозиба касб этиб, асосий планни ажратади. Уста график расомлар Э.Охунов, М.Содиков, М.Кагаров, И.Вохитов, Л.Ибрагимовларнинг литография техникасида бажарилган асарларини композицион яхлитликка мисол тариқасида келтиришмиз мумкин.

Графикада линогравюра ўзининг тасвири ва шартли техник қирралари билан ажралиб туради. Қ.Башаровнинг “Милий ўйинлар”, “Шарқ файласуфлари”, Г.Чигановнинг “Инду-

стриал манзаралар”, туркумлари, Н.Калановнинг “Кўпкари”, “Ҳосил байрами”, “Шоҳи-Зинда” сингари дастгоҳли асарларида ёруғ тушаётган қисмларнинг шакл ҳажми, тоза оқ қоғоз тузи билан талқин қилинади. Ушбу композицияларда нозик штрихлар, ярим соялар орқали, соя қисмидан ёруғ қисмига енгил ўтиб, предметнинг реал кўриниши таасуротини уйғотиш мумкин. Юқорида номи келтирилган график уста рассомлар ўз ижодида кўп маротаба “Баҳор” мавзусига мурожаат қилишган ва ушбу мавзуда бир қатор графика асарларини литография, линогравюра, офорт, қалам, кўмир қалам, пастель, акварель, темпера ашёларида яратганлар. Уларнинг дастгоҳли композицияларига диққат билан қарасақ, чуқурроқ таҳлил қиласақ, рассомлар асарларини яратишда жуда кўп сонли қоралама ва хомаки чизгиларни натурадан кузатиб ишлаганларининг гувоҳи бўламиз, шу билан бирга композициянинг ҳар бир қисми устида жиддий, қунт билан иш юритганларини билиб олиш қийин эмас.

Юқорида келтирилган мисолларимиз ёш рассомга дастгоҳли композициясининг асл нусхасини бажаришда ёрдами катта.

Ўқитувчи маслаҳати ва йўл-йўриғига асосланиб, композициянинг асл нусхасини бажаришга киришилади.

Олдинги пландаги обьектларга ургу берилади, кичик деталлар ҳам назардан қочмаслиги керак. Фазовий планни усталик билан кўрсатиш, орқа пландаги тасвирларни иложи борича умумлаштириб ишлаш талаб қилинади. Композицияни енгил зўриқмасдан бажариш, бирданига қорайтириб юбормаслик лозим. Туснинг кучини аста-секин ошира бориш, обьектларнинг бир-биридан тусда фарқи нисбатини ёдда тутиш талаб қилинади. Оқ-қорада бажариладиган топшириқ композицияси мувозанати асосини шакллар тузи ташкил қилади. Булар оқ, қора ва кулранг яхлитлик.

Қоғздаги предмет, обьектларнинг территориал жойлашвидан иборат. Тасвир оқдан аста-секин ярим тусга, ундан қорага, қорадан секин оқقا ўтилади. Бу эса, композицияни яратишда эркинлик беради, яъни буни профессионал тилда



48. Н.Каланов. "Күпкари" композициясининг асл нусхаси,
линогравюра

туслар, ёруғ-соялар “үйини” деб юритилади. Композицияни худди мана шу билимларга суюнган ҳолда, бажаришга амал қилинса, албатта яхши кутилган натижага эришилади.

Албатта, талаба ҳар доим иш жараёнида графика усталарининг асарларини кузатиб ўрганиши лозим. Катта рассомлар бундай ҳолатларда “үйин”ларни қай тарзда бажарганилклари улар учун намуна бўла олади. Ўқитувчи назорати остида композиция вазифасига охирги штрихлар тортилади ва унга сўнгги нуқта қўйилади. Уни шу даражага олиб келинадики, асарга на бирор штрих қўшиш ва на бирон кичик жойини олиб ташлашга ҳожат бўлмасдан қолади.

Энди композициянинг умумий ранг колоритидан келиб чиқиб, унга қоғоз рамка (паспарту) танланади ва чиройли, бежирим қилиб жиҳозланади.

Назорат саволлари

1. Композициянинг асл нусхаси нима?
2. Калька қандай вазифани ўтайди?
3. Дастгоҳли графика композициясида кескин фарқларнинг ўрни нимада?
4. Композициядаги асосий яхлитликлар нима?
5. Ишини бажариш жараёнидаги “үйин” нима?

Амалий топшириқлар

1. Таниқли график рассомларнинг унча мураккаб бўлмаган дастгоҳли графика асарларидан нусха кўчиринг.
2. Акварель, темпера, гуашда, кичик ҳажмдаги этюдлар бажаринг.
3. Таниқли график рассомларнинг асарларидағи нюансларни ўрганинг.
4. Композицияни декоратив ечимда бажариб кўринг.
5. Бажарилган ишларга паспарту тайёрлашини ўрганинг.

ГЛОССАРИЙ

Акватинта – офортнинг бир тури бўлиб, маҳсус рух таҳтадаги чизма шаклларни соя фарқларга ажратиб ишлаш

Автографский – тошбосма учун маҳсус қоғоз тури (корн-папир)

Афиша – томоша ҳақида эълон

Автолитография – муаллифлик тошбосма асари

Блик – Ёруғлик нури энг кўп акс этган ялтироқ жой

Выкрывание – металл таҳтачани кислотада ишқорлан-маслиги учун маҳсус лак билан беркитиш

Высокая печать (юқори босма) – таҳтачадаги босма олиш элементларини баландда жойлашуви

Гарнитура – ҳарфларнинг тафовути

Гладилка (Текислагич) – текислагич асбоб, таҳтачадаги кераксиз чизикларни кетказгич

Глубокая печать (Чуқур босма) – иш таҳтачасида босма элементларнинг чуқур жойлашуви

Грунтовка – бирламчи, хомаки бўёқ қатлами

Гамма – муайян қонуниятга бўйсунган ранглар сираси.

Гармония (Уйғунлик) – рангтасвир ишлашда рангларнинг ўзаро уйғунлиги

Гризайль – умуман бир ранг ёрдамида ишланадиган тусдаги тасвир

Декоратив – зийнатли

Доска – босма олиш таҳтачasi (металл, линолеум, маҳсус ёғоч ва ҳ.к.)

Детал – қалам ёки рангтасвирда ишланадиган натуранинг мъълум бир қисми

Жест – мимика, имо-ишора ва юз ифодаси

Жанр – тасвирий санъат асарининг қайси турига мунсуб-лиги

Заставка – китобнинг кириш, бошланғич безак лавҳаси

Иллюстрация – тасвир, китобга ишланган расм, безак
Индивидуальный – ўзига хос, якка тартибда
Интервал – оралиқ
Кегль – ҳарфлар үлчами
Классик – мұмтоз
Концовка – китоб сұнгидаги безак лавҳаси
Комплекс – умумлашған, мажмуа
Контраст – қарама-қарши, кескин фарқ
Корректор – мусаххих
Корешок – китоб тубида, жилд томонларын бирлаштирадын элемент
Клише цинковый – рухли клише (күп нұсқада босма олиш учун цилиндр юзига металл қоплаш)
Картина – бадий ақамияттаға зәға бұлған санъат асари
Колорит – рангтасвирида ранг туслари мажмуаси
Макет – китоб намунаси, андозаси
Материал – хомаше
Матрица – босмада күпайтирилған шакл шёлкография усулида
Масштаб – ҳажм, күләм
Метод – услуга
Монотипия – бир марта олинадын босма нұсха
Мягкий лак – юмшоқ лок (офорт техникасыда қалам усулида ишқорланиб ишлеш усули)
Набор – йығма
Натура – аслига қараб чизиш
Натюрморт – жонсиз буюмлар тасвири
Образ – асар рухиятини очиш, сиймо, тимсол
Офсет – расмли формадан резинкага күчириб, ундан қоғозға босиши усули
Переплет – китоб жилди
Печать – босма
Пластик образ – қиёфа, сиймо, чехранинг профессионал даражадаги тасвири
Пластинка – босма учун ишлатыладын металл тақтача

Плоская печать – босма элементларни бир хил текисликда жойлашуви

Подкладка – (графикада) қўшимча босма олиш тахтачаси

Подрамник – мато учун ёғоч рама

Полоса – ҳошия, йўл

Портрет – чехра, қиёфа, расм

Примечание – илова

Перспектива – қисқариш

Палитра – бўёқларни аралаштириш учун ясалган маҳсус мослама

Разворот – икки туташ бет

Ракурс – тасвири ёнидан, тепа ёки пастдан кўриниши

Реалистик – ҳаққоний воқелик

Редактор – муҳаррир

Репродукция – асарнинг босма нусхаси

Рисующая доска – асосий босма оладиган тахтacha

Рангтасвир – тасвирий санъат тури

Сатирик – ҳажвий

Символик – рамзий

Спусковая полоса – саҳифада матннинг пастга сурилишида бўш қолган ҳудуд, тушириш йўли

Стандарт – тасдиқланган ўлчам, ҳажм, шакл

Сухая игла – игна билан металл тахтачага расм ишлаш

Сюжет – моҳият, маъно

Силуэт – сояга ўхшаш яхлит тасвир

Текст – матн

Тема – мавзу

Травленный штрих – игна билан чизиш ва уни кислотада ишқорлаш

Трафарет – ўйма андоза, қолип

Титул – китобнинг биринчи вараги, бети

Тоновой переход – рангларнинг очдан тўқقا қараб бориши

Фигура – қомат

Форзац – китоб варакларини муқова билан бириктириб турадиган қоғоз ёки латта

Форма – шакл

Формат – ўлчам

Фронтиспис – титул ёнига жойлаштирилган расм ва китобнинг асосий мазмунининг тасвири

Характер – феъл, ахлоқ, хулқ-тасвирий санъатда моделнинг ички ва ташқи ҳолатининг ўзига хослигини белгилайди

Шабер – офортда ишлатиладиган асбоб

Шрифт – босма, ёзма ҳарф

Штрих – турли йўналшдаги ва тусдаги чизиқлар

Шёлк – ипак мато

Элемент – белги, китоб ва буюмнинг таркибий қисми

Эстамп – босма усулда кўпайтирилган санъат асари

Эмоционал – жўшқин

Эскиз – асарнинг хомаки нусхаси

Этюд – машқ (рангда бўлажак асарга ишланган хомаки сурат)

Этюдник – расм ишлаш учун мўлжалланган мослама

Черная манера – қора техника (офортнинг меңотинто усулида ишлаш)

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясигининг 21 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруза. 2013 йил 6 декабрь. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 2013 й.
2. И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти 2000 й.
3. Dwight Pogue. “Printmaking Revolution”. Watson-Guptill Publications, an imprint of the Grown Publishing Group, a division of Random House, Inc., New-York. 2012.
4. Juliette Aristides. “Classical Painting Atelier. A Contemporary Guideto Traditional studio Practice”. Watson-Guptill Publications, New-York. 2012.
5. Virgil Elliott. “Traditional Oil Painting” Advanced Techniques and Concepts from the Renaissance to Present”. a division of VNU Buslnes Media, Inc.., New-York. 2011.
6. Richard Schmid. “Alla Prima” Everything I Know About Painting. Colorado
7. Р.А.Худойберганов.” Композиция. (маҳобатли рангтасвир.)” Тошкент. “Шарқ” нашриёти 2007 й.
8. F.A.Артиқов. Рангтасвир техникаси ва ашёлар технологияси.Т.”Шарқ” 2007 й.
9. Н.Хусанов. “Композиция (дастгоҳли графика)” Т. “Шарқ” нашриёти 2007 йил.
10. Д.Нозилов, В.Дмитриева, Н.Хожибоев. “Композиция асослари”.Т. 2006 й.
11. Н.Р.Ахмедова. “Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог”.Т. изд.Институт Искусства-вазнание. 2004.
12. Ш.Абдумаликов. “Композиция (сценография)” Т. “Иқтисод молия”. 2009 й.
13. Е.В.Шорохов. Композиция. Просвещение – М. 1986.
14. В.А.Фаворский. Об.искусстве, о книге , о гравюре. М. «Книга» 1986.

МУНДАРИЖА

Кириши.....	2
-------------	---

I БОБ. КОМПОЗИЦИЯНИНГ УМУМИЙ КУРСИ КОМПОЗИЦИЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

1.1. Композиция умумий курсининг мақсади, вазифаси ва моҳияти	5
1.2. Композиция асослари ва уларнинг моҳияти	14

II БОБ. ГРАФИКА

2.1. Графика ҳақида умумий тушунча.....	25
2.2. Графика техникаси турлари	26

III БОБ. КИТОБ ГРАФИКАСИ

3.1. Китоб графикаси (болалар адабиёти)	35
3.2. Мактаб ёшигача бўлган болалар учун мўжжалланган эртак, хикоя, масалларни бадиий безаш. Адабий асарларни танлаш	37
3.3. Кичик ҳажмда ишчи макет тайёрлаш	38
3.4. Китоб элементи атамалари ҳақида қисқача маълумот	40
3.5. Эртак қаҳрамонлари образлари устида ишлаш.....	45
3.6. Асар мавзусидан келиб чиқсан ҳолда хомаки чизгилар ишлаш.....	47
3.7. Китоб муқоваси дастлабки хомаки нусхаси (эскизи) устида ишлаш.....	49
3.8. Титул вараги хомаки нусхаси (эскизи) устида ишлаш	54
3.9. Бошланғич лавҳа, безак (заставка)	58
3.10. Ички иллюстрациялар (безак расмлари) хомаки нусхалари (эскизи) устида ишлаш	61
3.11. Китоб макетининг асл нусхасини ясаш ва муқованинг хомаки нусхасини рангда ишлаш	63
3.12. Муқованинг асл нусхасини бажариш.....	66
3.13. Титул, Бошланғич , Охирги безаклар ва ички иллюстрациялар асл нусхасини бажариш	70

IV БОБ. ДАСТГОХЛИ ГРАФИКА КОМПОЗИЦИЯСИ

4.1. Дастьгоҳли графика композицияси ҳақида умумий тушунча ...	77
4.2. Дастьгоҳли графика композицияси ва уни ўқитиш қоида ва усуллари	81

4.3. “Куз” мавзусида дастгоҳли графика композициясини ишлаш.....	86
4.4. “Куз” мавзуси композицияси учун образлар устида ишлаш...	91
4.5. Композиция хомаки нусхаларини бажариш	95
4.6. Асл нусхани бажариш (кўрик назоратига тайёргарлик)	100

V БОБ. КИТОБ БЕЗАШ КОМПОЗИЦИЯСИ. БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН МУЛЖАЛЛАНГАН ЭРТАК, ҲИКОЯ, МАСАЛЛАРНИ БАДИЙ БЕЗАШ (II-СЕМЕСТР)

5.1. Адабиёт асарларини танлаш	106
5.2. Асарни ўқиб, бирламчи хомаки нусхаларини тасаввурда чизиш	108
5.3. Композиция учун материаллар тұплаш	111
5.4. Ишчи макет устида ишлаш	115
5.5. Асар қаҳрамонлари образларининг бадиий жиҳатдан ечимини топиш	121
5.6. Муқова хомаки нусхаларнинг устида ишлаш	123
5.7. Титул, бошлангич ва охирги безаклар хомаки нусхаларини бажариш	126
5.8. Биринчи ва иккинчи иллюстрациялар хомаки нусхаларини ишлаш.....	128
5.9. Муқова асл нусхасини бажариш.....	132
5.10. Титул, бошлангич, охирги безакларнинг асл нусхасларини бажариш	135
5.11. Биринчи иллюстрация асл нусхасини бажариш	138

VI БОБ. ДАСТГОҲЛИ ГРАФИКА КОМПОЗИЦИЯСИ

6.1. “Баҳор” мавзусига дастгоҳли графика композициясини ишлаш.....	143
6.2. Хомаки нусхалар ишлаш, кузатув.....	145
6.3. Материал тұплаш	147
6.4. Хомаки нусхаларнинг мавзусининг тұла ёрита оладиганини танлаш	150
6.5. Хомаки нусхани асл нусхага күчириш.....	154
6.6. Композициянинг асл нусхасини бажариш ва туталлаш, кўрикка тайёргарлик кўриш	156

<i>Графика санъатида құлланған сұзларнинг лугати</i>	160
<i>Фойдаланылған адабиётлар</i>	164

Каланов Аслиддин Жұраевич

ГРАФИКА КОМПОЗИЦИЯСИ

Үқуев құлланма

(бакалавр йұналиши 1-босқыч дастури ассоциа)

Мұхаррір Дурдона Одилова

Мусақхұқ Севара Рустамова


Сахифаловчи Умид Раҳматов

Техник мұхаррір Баходир Хусанов

Лицензия рақами: АI №207, 08.28.2011 йилда берилган.

Босишга 3.07.2018 йилда рухсат этилди.
Бичими 60x84 1/16. Нашр табоги 11,25.
Шартли босма табоги 10,5. «Times» гарнитураси.
Офсет усулида босилди.
Адади 100 нусха.

“Info Capital Group” нашриёти, 100128,
Тошкент ш., Лабзак күч., 29/55.
Тел.: (+998 71) 241-32-21, 241-01-69.
Факс: (+998 71) 241-01-73.
Электрон почта қутиси: info@infocapital.uz



ISBN 978-9943-5109-9-9

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-5109-9-9.

9 789943 510999